


ЎЗБЕКИСТОН  
МИНТАҚА  
ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ  
ЕТАКЧИСИГА  
АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

4




ИЛК ВАФОТ  
ЭТГАН БЕМОР  
ҲАЁТИ УЧУН  
16 СОАТ  
КУРАШДИК

22



info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

МАҲАЛЛА — ADOLAT TAROZISI



# Маҳалла

№ 15 (1900-1903) 2020 йил 7 — 14 май

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

## САРДОБАДА



ТАЛАФОТ ОРТДА  
ҚОЛДИ, ҲАЁТ  
ЎЗ ИЗМИГА  
ҚАЙТМОҚДА

2

ШАХСИЙ  
ТОМОРҚА ЕР  
ЭГАЛАРИНИ  
ҚАНДАЙ  
МУАММОЛАР  
ҚИЙНАМОҚДА?

10

АДЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТАШАББУСИ  
НЕГА ҚАРАМА-  
ҚАРШИ  
ФИКРЛАР  
УЙҒОТЯПТИ?

11

«ЎЗГИДРОМЕТ»  
ШАМОЛ  
БЎЛИШИДАН  
БЕХАБАРМИДИ?

17

ДУНЁ ҒАЛЛА  
БОЗОРИДАГИ  
ТАҲЛИКАЛАР  
АСОСЛИМИ?

29



*«Халқимиз бир нарсадан кўнгли тўқ бўлиши керак, ҳеч қандай ортиқча гап-сўзларга ва миш-мишларга ўрин бўлмастлиги лозим. Менинг топширигимга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан сув тошқини билан боғлиқ воқеа юзасидан объектив, ҳолис ва кенг қамровли тергов ҳаракатлари бошланган. Халқимизни ишонтириб айтаман, тергов якуналари бўйича барча айбдорлар, ким бўлиши ва эғаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради.»*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## Талафот ордта қолди, ҳаёт ўз измига қайтмоқда

Халқимиз ўз тарихида бошидан кўпбалоларни, жафоларни ўтказган. Сув тошқинлари, зилзила, ер кўчкиси каби табиий офатлар бизни кўп бора синаб кўрган. Лекин ҳеч қачон енгилмаганмиз, қийинчиликлар олдида бош эгмаганмиз. Ҳар қандай оғирликларни матонат билан енгганмиз. Энг муҳими, халқимиз ёмон кунларда, синовли дамларда бир-бирини ташлаб кўймаган.

Бу кечаги Сардоба сув омбори тўғонининг ўпирилиши натижасида юз берган сув тошқинида яна бир бор ўз исботини топди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг воқеа жойига келиб, маҳалла фаоллари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик билан учрашиб, ушбу табиий офатдан жабрланган ҳар бир инсон алоҳида эътиборга олиниши, ҳамма уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланиши ҳамда шароит яхши бўлмагунча биронта раҳбар кетмайди, деб айтган гаплари сардобаликларни руҳлантириб, уларга катта куч ва мадад бағишлади.

Саховатли, бағрикенг халқимиз тезда бирлашиб, сирдарёликларга ёрдам қўлини чўзишди. Юртимизнинг барча ҳудудларидан Сирдарё вилоятига юборилаётган инсонпарварлик карвони бир зум бўлса-да, тўхтагани йўқ. Қувонарлиси, Президентимиз вазиятни шахсан ўз назоратида олди. Шу боис ҳеч ким офат билан ёлғиз қолмаслигини сезди. Бугун сув тошқинидан жабр кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида ҳаёт аста-секин ўз измига қайтмоқда. Эвакуация қилинган аҳоли ўз хонадонларига келмоқда. Сув тошқинидан биринчи жабр кўрган «Кўрғонтёпа» маҳалла аҳолиси ҳам ўз хонадонларига келиб, таъмирлаш ишларига қарашмоқда.



### «Маҳалладошларимиз ўз хонадонига қайтишмоқда»

**Кандидат САИДХОНОВ,**  
Оқолтин туманидаги «Аҳиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

– Келтирилган талафотлардан кўриб турибмизки, ўзбек халқи ҳар қандай қийинчиликларни бирлик ва ҳамжиҳатликда енгиб ўтишга қодир. Халқимизга бундай офатларни мардонавор енгиб ўтишда Президентимиз катта мадад бўлаёттир. Сув тошқини бизнинг маҳалладан ташқари, «Шодлик» маҳалласи ҳудудини ҳам босган эди. Ҳар икки маҳаллада яшаётган аҳоли Гулистон шаҳри ҳамда Жиззах вилоятининг Мирзачўл ва Дўстлик туманларига эвакуация қилинди.

Бугун маҳалладошларимизнинг деярли барчаси ўз хонадонларига қайтишди. Уйларнинг яшашга яроқлилиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари кўригидан ўтказилиб, дезинфекция ишлари ҳам бажарилмоқда. Зарар кўрган йўл ва кўприклар таъмирланиб, ариқ ва зовурлар тазаланмоқда. Худо хоҳласа, тез орада ҳаммаси ордта қолади. Яна кизгин ҳаёт бошланади.

### Юқумли касалликлар келиб чиқишининг олди олинмоқда

**Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ,**  
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари – вазирлик ҳузуридаги санитария-эпидемиологик оқсийшталлик агентлиги директори:

– Талафот кўрган ҳудудлардаги аҳоли жойлашган ҳар бир муассасага барча тонфадаги тиббиёт ходимлари жалб этилиб, зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Аҳоли эвакуация қилинган ҳудудлардаги овқатланиш, тоза ичимлик суви таъминоти ҳам доимий эътиборимизда. Юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир ҳудудда дезинфекция ишлари олиб борилмоқда. Айрим хонадонларнинг нобуд бўлган уй хайвонлари маҳаллалар ҳудудларидан узокроқда дезинфекция қилиниб, зарарсизлантириб кўйилмоқда.

Тахлилларимиз натижасида сув тошқин бўлган ҳудудларда зарарли токсин моддалар кўйилмаганлиги аниқланди. Демак, зарарли моддалар тарқалиши хавфи йўқ. Эндиликда юқумли касалликлар келиб чиқмаслиги учун сувдан бўшаган чуқурликлар ҳам тўлиқ дезинфекция қилинади.

### Кўрғонтёпаллик қаҳрамон

**Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,**  
Сардоба туманидаги «Кўрғонтёпа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

– 1 май куни эрта тонгда, тахминан соат 5:30лар атрофида маҳалламиз профилактика инспектори Отабек Бегматов менга сув тошқини ҳақида хабар берди. Шундан сўнг овоз кучайтиргич ёрдамида аҳолини тезда уйларини тарк этиб, хавфсиз жойга кўчишини айтдик. Халқимиз жипслиги ва ҳокимият кўмағида фуқароларни хавфсиз жойларга кўчирдик. Шу орада Отабек Бегматов қаҳрамонлик кўрсатди: сувда чўкаётган бир нафар фуқаронинг ҳаётини сақлаб қолди.

Давлатимиз раҳбарининг аҳоли билан учрашувидан сўнг фуқароларимизнинг кайфияти кўтарилиб, эртанги кунга ишончи янада ордти. Коллеж ва мактабларга жойлаштирилган аҳолимизга зарур шароитлар яратилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва зарур гигиена воситалари билан тўлиқ таъминланмоқда.

Айни пайтда 5 минг нафар ҳарбий ва кўнгилдиллар турли техникалар ёрдамида маҳалламиз ҳудудида тўпланиб қолган сувларни бартараф этиб, ҳовлиларни турли чиқиндилардан тазаламоқда. Уй ичкарасида қолган яроқли жиҳозлар олиб чиқилмоқда. Аҳолимизнинг 90 фоизи кундуз куни хонадонларига келиб, кечаси эвакуация қилинган ҳудудларига қайтишмоқда. Маҳалламизда санитария-эпидемиологик вазият ҳам тўлиқ назоратга олинган.



### Электр энергиялар тикланмоқда

**Зафар ТУРСУНМУРОДОВ,**

«Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ бош муҳандиси:

– Сардоба сум омбори тошқини натижасида 4 та нимстанция сув остида қолди. Оқибатда 10 мингта яқин истеъмолчи электр энергиядан узилди. Нимстанциялар лойдан тазаланиб, яроқлилиги текширилмоқда. Олиб борилган тезкор тиклаш-таъмирлаш ишлари натижасида Оқолтин туманидаги «Саховат», «Аҳиллик», «Шодлик» ва Алишер Навоий номли маҳаллаларида 1531 та, Мирзаобод туманининг «Дўнғариқ» маҳалласида 120 дан ортиқ истеъмолчилар қайта электр энергиясига уланди. Мазкур ҳудудлар аҳолиси тошқин пайтида хавфсиз жойга эвакуация қилинган эди. Хавф-хатар йўқлиги натижасида айни пайтда аҳоли вакиллари ўз хонадонларига қайтарилган.

Шунингдек, 60 дан ортиқ махсус техникалар ёрдамида ҳудудлардаги йиқилган симёғоч ва бетон устунлар янгисига алмаштирилмоқда.

Саҳифани Р. Юсупов тайёрлади.

# Олот ва Қорақўл янги чирой касб этмоқда

Хабарингиз бор, 2020 йилнинг 27 апрелида Бухоро вилоятида Туркменистон ҳудудидан кириб келган қаттиқ шамол вилоят, хусусан, Олот ва Қорақўл тумани аҳолисини ўзига хос синовдан ўтказди. Бундай кучли шамол қўтилмаган ва илгари кузатилмаган табиий офат бўлгани учун уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонларига катта зарар етказди. Ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, давлатимиз раҳбарининг зудлик билан вилоятга ташриф буюриб, вазият билан яқиндан танишгани, маҳаллий аҳоли вакиллари, фаоллари билан учрашгани барчани бирдек руҳлантирди.

## Табиий офатдан жабр кўрган хонадонлар қайта таъмирланипти

— Шамол кўз олдимда шиферларимизни томдан кўчириб ерга урганича, чил-чил синдирди, — дейди «Эски Олот» маҳалласида яшовчи Ислам Ҳамдамов. — Бу шиферни олиш учун икки йил пул йиққандик. Бари бир зумда барбод бўлди. Қўшнилари, ёши катталар «жонинг омон қолганига шукр қил» дейишди. Қаерда, шунча пул бекордан бекорга осмонга совуриладию мен ўзимни боса оларимдим. Шукриб, Президентимиз мушкулимизни осон қилдилар. Кеча устлар давлат берган шифер ва тахталарни келтиришиб, томишни бутлаб беришди...

Бўрон тўғайли 38 минг 361 нафар аҳоли хонадонларига 141 млрд. сўм миқдорда зарар етди. 367 та мактаб, 163 та мактабгача таълим, 108 та соғлиқни сақлаш ва 204 та бошқа объектлар турли даражада талафот кўрди. Фақатгина объектлар томига етказилган зарарни бутлаш учун 1 миллион 103 мингта шифер, 2 миллион 3 минг квадрат метр профнастил, 7 минг 205 метр куб ёғоч-тахта талаб этиларди.

Шу боис Президентимизнинг Бухоро вилоятида табиий офат оқибатларини бартараф этишга қаратилган фармойишига асосан, давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилди. Табиий офатдан жабр кўрган хонадонлар ўз вақтида қурилиш материаллари ва устлар билан таъмирланипти.

## Алоқа тизими, табиий газ, ичимлик суви таъминоти қарийб тўлиқ тикланди

Таъмирлаш ва тиклаш учун 11 ярим минг нафарга яқин курувчи жалб қилинди. Бугун қарийб 100 минг кишилиқ Олот туманининг ҳар бир кўчасида қурилиш ишлари кизгин кетмоқда. Бу ерда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Қурилиш материаллари изма-из етказилмоқда. Бунинг натижасида ўтган қисқа вақт ичида 4 минг 393 та хонадон таъмирдан чиқарилди. 41 та мактабгача таълим муассасаси, 105 та мактаб, 108 та соғлиқни сақлаш объектларида таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Бугунги кенг глобализм ва техника асрида электрсиз ҳаётни

тасаввур қилиш кийин. Кучли бўрон нафақат уйлар, маҳаллаларга, балки симёғочлар, йирик электр минораларини ҳам қўлатган эди.

— Табиий офат оқибатида вилоятдаги 84 та маҳалла, 359 минг 131 нафар аҳоли тўлиқ электр энергияси таъминотидан узилиб, 50 минг километрдан ортиқ электр тармоқлари, 1 минг 816 та трансформатор шидан чиққан эди, — дейди «Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ бош муҳандиси Рўзullo Жабборов. — Таъмирлаш ишларига 103 та техника ва 600 дан ортиқ ишчи жалб қилиниб, 19 та маҳаллада тўлиқ электр энергия таъминоти тикланди, 286 минг 112 нафар аҳоли электр энергиясига қайта уланди.

Шунингдек, алоқа тизимлари, табиий газ, ичимлик суви таъминоти ҳам қарийб тўлиқ тикланди.

## 818 миллион сўм миқдорда суғурта товони тўлаб берилди

Пандемия шароитида аксарият саноат корхоналари карантин сабабли фаолиятини тўхтатган бир даврда бутун иқтисодиётнинг умид нигоҳи кишлоқ хўжалигига қаратилган эди. Аммо талафот ушбу соҳа бошида ҳам бор экан. Табиий офат тўғайли вилоятдаги мавжуд 97 минг 900 гектар пахта майдонидан 25 минг 344 гектари бузиб қайта экилмоқда. Талафот етган 12 минг 619 гектар ғалла майдонидан 680 гектарини тиклаш имконияти йўқ. Энг катта зарар эса иссиқхоначиларга етди. Мавжуд 253 гектар иссиқхонадан 194 гектари талафот кўрди. 9 минг 660 гектар боғдан 2 минг 616 гектари яроқсиз ҳолга келди.

— Ҳозирга қадар Олот туманидаги 445 гектар ғалла майдонига етказилган зарарни қоплаш бўйича 35 та фермер хўжалигидан хабарномалар келиб тушди, — дейди «Ўзгросуғурта» АЖ Бухоро вилоят филиали раҳбари Анвар Адиллов. — Ўрганишлар давомида қўрилган зарар миқдори 1,4 млрд. сўм эканлиги аниқланиб,

ўзaro суғурта шартномаси талабларига мувофиқ, 818 миллион сўм миқдорда суғурта товони тўлаб берилди. Хусусан, 6,1 миллион сўм миқдорда суғурта тўловини амалга оширган «Ҳайдар-Нийёз замини» фермер хўжалигига 128,8 миллион сўм, 4,8 миллион сўм тўловни амалга оширган «Нарзи-Ойим» фермер хўжалигига 121,7 миллион сўм суғурта товони тўланган.

Шунингдек, филиалга жисмоний шахсларнинг зарарланган иморат ва уй-анжом жиҳозлари бўйича 41 та, юридик шахсларнинг иссиқхоналар бўйича 6 та, гаровга қўйилган мол-мулклари бўйича 5 та хабарномалар келиб тушган. Мазкур зарарлар ҳам тез орада қоплаб берилди.

— Шу ўринда қайд этиш керакки, «Ўзгросуғурта» АЖ фақатгина ўзи билан суғурта полисини имзолаган миқозларнинг етказилган зарарларини қоплаб беришга тайёр, — дейди А.Адиллов. — Жамият ва миқоз ўртасида тузилган шартнома талаблари, унда кўрсатилган шартлар асосида табиий офатдан қўрилган зарарлар тўланади.

Бугун Бухоро вилояти, айниқса, Қорақўл ва Олот туманлари бўрондан сўнг янги чирой касб этмоқда. Уйлар манзараси ўзгармоқда, шикаст етган йўл, алоқа, электр, газ — барча тармоқлар буткул янгиланмоқда. Зохирий янгиланишлар эса одамларнинг ҳам қалбида, ҳам ботинида ўз аксини топмоқда.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»



Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири.

## ҲИММАТ

Инсонлик белгиси тик оёқ эмас,  
Ёки далолати забон бўлмагай.  
Улов минган ҳар ким оптиқ саналмас,  
Либосдан ҳам одам аён бўлмагай.

Саховатдан маълум киши сийрати,  
Ҳайру қўмақдадир одам зийнати,  
Қимматин оширар қилган ҳиммати,  
Бехаёрга Ҳақдан эҳсон бўлмагай.

Қўшиниси оч туриб, ишрат қурган ким?  
Тошиқинни томоша қилиб турган ким?  
Булар биздан эмас, Худо урганким,  
Бундан-да нодонроқ нодон бўлмагай.

Бўрон ёмон, ундан ёмонроқ ваҳм,  
Ким қудуқ қазар, ким қавлайди лаҳм.  
Бугун синглингга қил сила раҳм,  
Эртага ҳожат ё имкон бўлмагай.


Боларини қара, тинмайди шуям,  
Ярадор шергин илғайди шуям,  
Ўзини тортишни билмайди шуям,  
Улуш йиғилмаса, хирмон бўлмагай.

Кимгадир нон керак, кимга ширин сўз,  
Меҳрга ташнадир жавдирган кўз.  
Эл бўлгин, яхшилик қилишга шои, дўст,  
Элдан чиққан гўмроҳ эсон бўлмагай!

Қўли, кўнгли, юзи очик халқим бор,  
Оқибатда тенгсиз, десам ҳаққим бор.  
Ҳотам тупроғига саҳий талқин бор:  
Бундай қутли ўзга макон бўлмагай.

Қўклам чақмоғидек бу кунлар ўтар,  
Фақат кўк чирогин юзингга тутар.  
Синов фурсати бу!  
Синоқли бу давр...  
Машаққат чекмасанг, даврон бўлмагай.

Юртбоши кўтарса юртни бошига,  
Ўзи етиб борса мискин қошига,  
Ҳиммат қўлин берса кекса-ёшига...  
Четда турган бефарқ — инсон бўлмагай!





**Коронавирус пандемияси мислсиз шиддат билан дунёни эгаллади. Унга қарши барча мамлакатларда давлат ва ҳукумат даражасида муҳим қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу чораларни миллатни, унинг буғуни ва эртасини асраб қолиш даражасидаги курашга қиёслади.**

# ЎЗБЕКИСТОН

## МИНТАҚА ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЕТАКЧИСИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

Бугун коронавирус кенг тарқалган бир шароитда дунё мамлакатлари уни чеклаш йўлида турли чораларга қўл ураётди. Айрим давлатларнинг инсон ҳуқуқларини рўқач қилиб, карантин тартибини жорий этмаётгани эса, афсуски, оддий халққа қимматга тушапти. Зеро, ҳозирги шароитда одамлар хавфсизлиги ва саломатлигидан қимматроқ нарса йўқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Марказий Осиё давлатлари ҳам коронавирусга қарши курашишнинг каттиққўл йўлини танлагани Европа ва АҚШдаги каби катта қурбонлар бўлиши ва эпидемиянинг кенг тарқалишининг олдини олди. Минтақамизда карантин, фавқулодда вазият ёки комендантлик соатлари жорий этилган.

### Коронавирус: Марказий Осиёдаги вазият қандай?

Коронавирус ўтган уч ой ичида дунёнинг ҳамма бурчагига кириб борди. Жорий пайтда у билан боғлиқ энг ёмон аҳвол дунёнинг иккита иктисодий кудратидан биттаси бўлган АҚШга тўғри келиб турибди. Европа ҳам танг аҳволда. Афсуски, қийин вазиятда трансатлантик иттифоқчилар бир-бирларига ҳамфикр ва ҳамдард бўлолмадилар. Хўш, Марказий Осиё давлатлари-чи?

Марказий Осиё етакчилари бундан икки йил аввал Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтган тарихий учрашувда

ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олган эдилар. Бу минтақа раҳбарларининг қарийб йигирма йил ичидаги биринчи саммити эди. Давлат раҳбарлари 2019 йил ноябрида Тошкентда ҳам айна ваъдани такрорлади.

Ордан кўп ўтмай бошланган коронавирус пандемияси Марказий Осиё давлатларига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. 12 март куни Қозоғистон минтақада биринчи коронавирус ҳолати қайд этилганини эълон қилди. Шундан сўнг Қирғизистон ва Ўзбекистонда касаллик аломатлари аниқланди. Яқинда Тожикистонга ҳам бу касаллик кириб борди.

Айни вазиятда минтақа давлатлари раҳбарларининг ўзаро мулоқоти ҳам доимийлик касб этди. Жумладан, 18 март куни Шавкат Мирзиёев Қозоғистон президенти Қасим-Жомарт Тўқаев билан телефон орқали икки давлатнинг вирус тарқалишини тўхтатиш борасидаги чораларини муҳокама қилган бўлса, 20 март куни Қозоғистоннинг Биринчи президенти Нурсултон Назарбоев билан бўлган суҳбатда ҳам коронавирусга қарши кураш масаласи тилга олинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Туркменистон президенти Гурбангули Бердимухаммедов, Қирғизистон президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон билан ҳам телефонда эпидемиологик вазиятни муҳокама қилди.

Афғонистон президенти Ашраф Ғани билан пандемияга қарши кураш борасида фикр-мулоҳаза алмашилди. Умуман олганда, коронавирус минтақамизга катта хавф солаётган бир пайтда Президентимиз атрофимиздаги барча давлатлар раҳбарлари билан бамаслаҳат иш кўришга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

### Ҳамжиҳатликнинг ёркин намунаси

Жорий вазиятда Марказий Осиёдаги коронавирусга қарши саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга фаол ҳаракат қилаётган битта одам бўлса, у ҳам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдир. Буни Қозоғистон томони ҳам расман эътироф этди. Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Дархан Сатибалди Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатда коронавирус тарқалишига йўл қўймайлик борасида кўраётган чораларини юқори баҳолади.

Шунингдек, Европа Кенгаши президенти Шарль Мишель минтақада бугун дўстлик ва ишонч, яхши кўшничлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда фундаментал ва ижобий ўзгаришлар рўй берганини алоҳида таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ушбу сезиларли силжиш Европа Иттифоқининг Марказий Осиё учун янги стратегияси мақсад ва вазибаларига тўлиқ мос келади.

Қайд этиш керакки, бугун Ўзбекистон мамлакат ичарисида эпидемия тарқалишининг олдини олишга қаратилган ўта мураккаб жараён давом этаётганига қарамай, бошқа давлатларга, хусусан, Россия, Венгрия, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга гуманитар ёрдам кўрсатмоқда, тиббий никоблар, вирусдан химояловчи қийимлар ва тест тизимларини юбориши ортидан ҳамжиҳатлик кучаймоқда.

Биргина 29 март куни Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев Қирғизистоннинг Ўш вилоятига 10 минг дона никоб ва 900 та комбинезон юборган бўлса, Андижон вилояти ҳокими Шухрат Абдураҳмонов 4800 та тезкор тест ва реагентлар жўнатган.

«Ўзбекистон Марказий Осиё дипломатиясининг, COVID-19 даврида минтақавий ҳамкорликнинг етакчисига айланиб бормоқда. Бутун дунёда халқаро ҳамкорлик оқсаётган бир пайтда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати стратегик самарали мулоқот ва ҳамкорликнинг ёркин мисоли бўла олади».

Кетрин ПУТЦ,  
АҚШнинг «The Diplomat» журнали  
бош муҳаррири.



Апрель ойининг бошида эса минг тонна ун, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий химоя комбинезони, респиратор, кўлқоп, химоя кўзойнаги, пирометр ҳамда тест-системалар ортилган поезд кўшни республикага жўнатилди.

### Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатларга намуна

Қайд этиш керак, Ўзбекистонда коронавирус офати кириб келмасдан туриб барча химоя чоралари кўриб қўйилган эди. Вирус расман аниқланганидан кейин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев шахсан ўзи халққа мурожаат қилиб, бу юқумли касаллик нечоғли хавфли экани ҳақида маълумот берди ва Ўзбекистоннинг барча аҳолисини давлат билан биргалликда хавфсизлик чораларини амалга оширишга чақирди. Одамларимиз бу хатарли пандемияни ҳамжиҳатлик, ақл ва ирода кучи, қатъий интизом билан енгиб ўтиш имконига эгаллигини таъкидлади.

Президент Фармони билан коронавирусга қарши Бош вазир раҳбарлигида Махсус комиссия ташкил этилиб, қабул қилинган режалар бирин-кетин амалга оширила бошланди. Давлат раҳбари шахсан ўзи йиғилишлар ўтказиб, бу соҳада юз берган hodисалардан аҳолини хабардор қилиб келмоқда.

Дунё жамоатчилиги томонидан Ўзбекистонда коронавирус муносабати билан киритилган чоралар самардорлиги юксак эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда коронавирусга қарши амалга оширилаётган тизимли ва комплекс чора-тадбирларни юксак баҳолаган. Шубҳасиз, Ўзбекистон тажрибаси пандемияга қарши курашда муҳим аҳамият касб этиб, бошқа давлатлар учун ёркин намуна вазибаларини ўтади.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

«Президент Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида ғамхўрлиги, малакали шифокор ва тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон ушбу муаммони бартараф эта олади. Шунингдек, эпидемияга қарши курашда ўзбек халқининг юксак маънавияти, уюшқоқлиги ҳам қўл келмоқда. Жумладан, ҳукумат томонидан қабул қилинаётган барча мажбурий ва самарали чоралар аҳоли томонидан ижобий қарши олинмоқда».


Тоҳир ФАРУК,  
Покистоннинг «Daily Ittehad»  
газетаси бош муҳаррири.

Ўзбекистон Тожикистондан электр энергияси сотиб олишни бошлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Евроосиё Иқтисодий Иттифоқида Ўзбекистон Республикаси «кузатувчи давлат» мақомида иштирок этишни кўпчилик овоз билан маъқуллади. Бу эса турлича муносабатларни юзага келтирмоқда. Кимлардир бу қарорни ёқлаб фикр билдираётган бўлса, айримларда эътироз уйғонди. Улар ЕОИИ билан ҳамкорлик юрт ва халқ манфаатларига зид деб ҳисоблашмоқда. Шу боис депутатларни нотўғри қарор қабул қилганликда айблаётганлар ҳам бор. Кўпчиликини ажаблантиргани, депутатлар орасидан 14 нафари бетараф овоз берганидир. Ёқлаб овоз берганларни тушуна бўлади, уларда мазкур халқаро ташкилотга кузатувчи мақомида кириш мамлакатимиз учун чинданам фойдали ва хавфсиз эканига тўлиқ ишонч бор. Ёки қаршилар ҳам ўз фикрини асослаб бера олишар. Аммо бетараф овоз берганлар-чи? Уларга қарата ижтимоий тармоқларда эътирозлар янгради: бу Ватан ва миллат тақдирига бефарқлик эмасми?



## Ўзбекистоннинг янги иттифоққа кузатувчи мақомида кириши нимани англатади?



Умуман олганда, ОАВларда аксарият ҳолларда давлат идоралари, қолаверса, айрим жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистоннинг мазкур иттифоққа кузатувчи мақомида киришини ижобий баҳолаб муносабат билдираётган чикишларига гувоҳ бўлдик. Аммо Ғарб вакиллари томонидан мақсади собиқ иттифоқни тиклашга қаратилган тузилма сифатида баҳоланаётган ЕОИИ билан ҳамкорлик ўрнататиш миллатимиз келажагини хавф остига қўймайдими? Бу масалада маъқуллаб ва бетараф туриб овоз берган депутатларнинг позицияси қандай баҳога муносиб?

### Мавҳумлик: кузатувчи қандай ҳаракатлардан ўзини чеклаши лозим?

— Аслида «кузатувчи» номидан келиб чиқса, бу мақом бизда ҳеч қандай ҳавотир уйғотмаслиги керак, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Алишер Ҳамроев.



— Яъни кузатувчи давлат Евроосиё Иқтисодий Иттифоқида кечаётган ҳолатлар: унга аъзо давлат бир-бири билан қандай иқтисодий алоқаларга киришяпти, умумий бозор қандай шаклланипти, бунинг учун молия, боғжон ва бошқа соҳаларда нима ишлар қилинганлиги — шуларни кузатиб боради. Кузатувчи фақат айрим мах-

фий бўлмаган мажлисларда қатнашади, ўрғанади, таҳлил қилади, охирида иттифоққа қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида ўз қарорини эълон қилади.

Лекин ЕОИИ тўғрисидаги шартноманинг 109-моддасида кузатувчи давлат учун мажбурият белгилангани кишини сергак тортиради. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси шартномага асосан кузатувчи давлат мақоми олан тақдирда «шартноманинг предмети ҳамда шартноманинг мақсади-га зарар етказувчи ҳаракатлардан ўзини сақлаши лозим».

Хўш, кузатувчи қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши керак? Унинг ҳаракати бор-йўғи кузатувдан иборат бўлса. Яъни, «кузатув» шартноманинг предмети (моҳиятига) ва мақсадларига таъсир этадиган ҳолат эмас-ку. Лекин шартноманинг бу моддасида бутун бир кузатувчи давлатнинг ҳаракатларига асослангилмаган чеклов қўйилмоқда. Қизғин шундаки, шартномада ва унга илова қилинган ҳужжатларда, кузатувчининг қандай ҳаракатлари «шартноманинг предмети» ва мақсадига зарар етказувчи ҳаракатлар» деб топилгани тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Демак, кузатувчи давлатнинг иттифоққа маъқул бўлмаган ҳар қандай ҳаракати «шартноманинг предмети» ва мақсадига зарар етказувчи» ҳаракат деб баҳолаши мумкин.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Хўш, кузатувчи давлатга шартномада ушбу мажбурият юқлатилган экан, нега иттифоқ худди шундай ёки шунга ўхшаш мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Мажбурият бир томонлама қўйилган.

Яна бир ҳолат. Миллий қонунчилигимизда давлатимиз халқаро ташкилотларга аъзо бўлишни ёки улардан чикиши тўғрисидаги нормалар мавжуд бўлса-да, аммо халқаро ташкилотларга кузатувчи бўлиб

киришни белгилловчи ҳуқуқий норма мавжуд эмас.

Шунингдек, давлатимиз тақдирини муҳим ўрин тутуши мумкин бўлган бундай халқаро шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонунининг 10- ва 11-моддаларига асосан, Адлия ва Ташқи ишлар вазирликлари томонидан экспертизадан ўтказилиши керак, лекин ҳозирга қадар ушбу шартнома экспертизадан ўтказилган эмас.

### Бетарафлар — кимлар?

Бетараф овоз берганлар мажлисга қадар «биз Иттифоққа кузатувчи бўлиб киришимиз керак», деган қатъий фикрда эдилар. Бизнинг эътирозларимиздан кейин улар иккилана бошлашди.

Шу ўринда айтишим лозимки, жаҳиятда қандай муҳокама кечаётган бўлса, парламентда ҳам шундай қизғин баҳс-мунозара бўлди. Депутатлар бир-бири билан уришиб қолган ҳолатлар ҳам учради. Шахсан ўзим ўша бетараф овоз берганларнинг 2-3 таси билан қаттиқ тортишиб қолганман. Охир-оқибат улар қарши овоз бермаган бўлса-да, маъқуллаб ҳам овоз беришмади. Қисқача айтганда, бу масалага бефарқ депутатнинг ўзи йўқ.

### ЕОИИ билан ҳамкорлик — прагматик ва дипломатик қарор

— Мен Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи давлат мақомида иштирок этишига бетараф овоз бердим, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев. — Аслида бу қарорга қарши эдим. Ўзим аъзо бўлган Либерал-демократик партия фракцияси позициясига қарши бормаслик учун шундай йўл



тутдим. Сабаби, фракциянинг ҳам ўз ички сиёсати бор. Айтайлик, аъзоларнинг кўпчилиги маъқуллаб овоз берганда унга қарши бориши муҳитни бузади. Шу нуқтаи назардан маъқулладим ҳам, қарши ҳам бўлмадим.

Мазкур ташкилотга нисбатан эътирозларим нималардан иборат? Гарчи Иттифоқ пайдо бўлганига 10 йилдан ошган бўлса ҳам (Божхона Иттифоқи сифатида ҳамкорлик 2010 йилда бошланган), ҳалигача аъзо давлатлар ўртасида савдо алоқаларини ошириш ва иқтисодий ўсишга эришиш борасида сезиларли ютуқларга эришилмади. Аксинча, аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий келишмовчиликлар кўпаймоқда (Россия ва Белоруссия орасидаги келишмовчиликлар мисолида кўриш мумкин), Иттифоқ ичидagi вазият ҳам тараққиланган туюлмоқда. Қолаверса, коронавирус пандемияси фонида давлатлар ўртасида чегаралар ёпилиши, зарур озик-овқат маҳсулотлари импорт-экспортга чекловлар қўйилиши, иқтисодиётда протекционист қарорлар қабул қилиниши ортидан минтакавий ва глобал интеграция жараёнлари нафақат секинлаши, балки орқага қайтиши мумкинлигини ҳам кўпчилик баҳорат қилмоқда. Бошланган иқтисодий инқирозда нефть нархининг кескин тушиб кетиши ва рублнинг қадрсизланиши эса Иттифоқ доирасида бу жараённи янада тезлатиши мумкин.

ЕОИИда кучлар тенглиги таъминланмаганлиги (Европа Иттифоқидан асосий фарқи ҳам шунда, менимча), яъни Россиянинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ташкилотда муваффақиятга эришиши кийинлигининг асосий сабабларидан бири деб ҳисоблайман. Гарчи, иқтисодий назариядан келиб чиқиб, интеграция ва минтакавий иқтисодий ҳамкорлик тарафдори бўлсам-да, лекин юқоридagi сабабларга кўра мен ҳозирги ҳолатда ЕОИИ билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилишига ва Ўзбекистоннинг Иттифоққа аъзо бўлишига қаршиман.

Лекин шу билан бирга, бир нарсани унутмаслик керак, истаймизми-йўқми, Россия билан ҳам геосиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан боғланганмиз. Ўзбекистондан Россия билан яқин муносабатларда бўлиш, ўзаро алоқаларни ривожлантириб бориш талаб этилади. Бошқача айтганда, Россиядек қатта, қудратли ва бой давлат билан имкон қадар дипломатик йўл тутиб, келишиб яшаш бизнинг иқтисодий-сиёсий манфаатларимиз учун муҳим. Шу боис Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи билан кузатувчи мақомида ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши прагматик ва дипломатик қарор, деб ҳисоблайман.

Кузатувчи мақоми бизга ташкилотни келажақда қайси томонга қараб йўналиш олганини кузатиб бориш, Иттифоқ доирасида қарорлар қабул қилиниши жараёни билан яқиндан танишиш, ташкилот билан ҳамкорликнинг мамлакатга эҳтимолый оқибатларини асосланган ҳисоб-китоблар асосида аниқлаш ҳамда шу асосда аъзоларнинг миллий манфаатларимизга мос ёки зидлиги борасида ҳулоса қилиш имкониятини беради.

«Mahalla» мухбири  
Тўлкин ШЕРНАЕВ эътиборида.

# МАРДЛАР МАТОНАТИ АВЛОДЛАР УЧУН НАМУНАДИР

“


Инсонга ҳар кун тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўлмайди. Биз азал-азалдан тинчликсевар халқмиз. Айнан шу ғоя тарғибига бағишланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг бариди тинчликнинг қадрига этиш тарғиб этилади, уруш эса батамом қораланади. 9 майни Хотира ва Қадрлаш кун тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳар бир халқ уни ўзича эслайди, қурбонларини хотирлайди, жангдан омон қайтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ва бугун сафимизда юрган фахрийларни ҳам ўзича қадрлайди. Ўз мустақиллигига эришган давлатлар ичиди Ўзбекистон бунинг чинакам намунасини кўрсатди. Хотира ва Қадрлаш кун мамлакатимизда миллий ҳусусият касб этди. Бу байрам бутун мазмун-моҳиятига кўра, халқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди.

## Соғинч хисси мактубларга тўкилган...

Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан сафарбар қилинган 1,5 миллионга яқин аскар учун ўз яқинларининг дийдори ҳамиша орзу бўлган. Ўқ овози тинмаган, танкнинг шовкин-сурони оламини бузган, тепадан самолётлар хавф солиб турган пайтда бу йигитларнинг кўнглидан нимадир ўтмаган дейсиз?

Омонат лаҳзаларда жон олиб, жон бераётган ҳар бир аскар учун қогоз-қалам мададга келган. Унинг соғинч хисси мактубга тўкилган. Фронтнинг қайсидир ўкчи дивизияси, қайсидир ротаси ёки ҳарбий қисмидан жўнатилган бундай мактублар ҳозирги авлод ўқиб, тарбиявий ҳулоса чиқарилган манба бўлиб қолди. Куйида фронтда хизмат қилган юртдошларимизнинг мактубларидан айримларини сизга тақдим этамиз.



**239-чи миллиқли Қизил Байроқли дивизияси сийёсий бўлими бошлиғи подполковник Чичиннинг ЎЗК(б) МҚ котиби Юсуповга ёзган мактуби.**

Мактубда айтилишича, Ленинград вилоятини немис фашист босқинчиларидан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ўзбек халқининг содиқ ўғли — Рустам Исроилов қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Жанговар қаҳрамонликлари учун Рустам Исроилов «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланган ва ҳукумат мукофоти — «Биринчи даражали Ватан уруши» ордени билан тақдирлашга тавсия этилган.

## Элдошларига қалқон бўлган қаҳрамон

Инсон ҳаёти унинг неча йил умр кўргани билан эмас, элу юртга теккан нафи, жамиятга келтирган фойдаси, атрофдагиларга қўратган яхшиликлари билан баҳоланади. Сардобадаги фожиа оқибатида ҳалок бўлган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси сержант Хусниддин Суяров ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин...

Хусниддин эндиғина 31 ёшга қаршилаганди. Мардлик намунасини кўрсатиб, ўз хизмат бурчига сўнгги нафасигага содиқ қолган ўғлон Боёвут туманидаги Бўз қишлоғида туғилиб ўсган. Буни қарангки, аввалроқ хизматни Андижон вилоятида олиб бораётган Хусниддин ўз она юрти Сирдарёга яқиндагина келган эди. Гўёки у бу фожияни олдиндан сезгану, элдошларига қалқон бўлишга шошилган.

Сув тошқини оқибатида жабр кўрганларни кутқариш пайтида Хусниддиннинг йўқолиб қолгани ҳақида оиласига 2 май кун хабар келган. Улар

ўғлонининг топилиши, яна бағирларига қайтишидан умидвор бўлди. Афсус... Дўстлар орасида қатъиятчилиги, қўратилган ва самимийлиги билан ҳурмат топган ўғлоннинг ота-онасига бугун ҳеч ким юпанч бўлмайди. Аммо фарзандининг ёди ҳамиша халқимиз қалбиди сақланиши кўнгилларга таскин берса, не ажаб.

Дарвоқе, Хусниддин Суяровга вафотидан сўнг Миллий гвардия қўмондонлигининг «Намунали хизматлари учун» I даражали кўкрак нишони берилди.

Ватан учун жон фидо қилди, деган қалом асло баландпарвоз гап эмас. Бу жумлани шунчаки айтиб бўлмайди. Лекин шу ширин жонини эл-юртнинг осойишталиги ва тараққиёти йўлига фидо этиш, ҳаётини она Ватанига бахш этиш — ҳақиқий мард ва фидойи инсоннинг иши. Бундай инсонларни эл ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг азиз сиймолари, порлоқ хотиралари ҳамиша қалбимизда яшайди.

«Mahalla» мухбири  
Садоқат МАХСУМОВА тайёрлади.



## Тинчликка эришиш осон бўлмаган

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Янги шаҳар» маҳалласида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 94 ёшни қаршилаётган Мақсуд ота Оқилов истикоми қилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Жасорат» медали соҳибининг юзидан нур ёғилади. Юзиди ажинлар эса ўша шонли тарихнинг аччиқ ситамларидан дарақ беради.

— Ҳаёт ўтиб бораверар экан, — дейди Мақсуд ота Оқилов. — Кўнлар эса худди кинотасмадек хотирага муҳрланади. Уруш кезларини эсласам, қалбим бир сескани олади. Пиёда қўшинларида оддий аскар бўлиб хизмат қилганман. Фашизмга қарши жангларда кўлаб дўстлар, қурлодиш ўртоқларимни бирма-бир йўқотдим. Аммо она Ватан олдидаги бурчим бу оғир вазиятларга қарамай, ўзимни кўлга олишга, душманга аёвсиз зарбалар беришга ундаган.

Украина, Руминия, Венгрия, Польша, Молдавия, Чехославакия, Югославия республикаларида хизмат қилдим. Рейхстагга галаба байроғи қадалганига гувоҳ бўлганман. Уруш тугагач ҳам мазкур давлатларда тикланиш давридаги мураккабликлари бартараф этиш мақсадида хизматни давом эттириб, нҳоят 1948 йил баҳориди Ватанимга қайтдим. Урушдан сўнг Тошкентда ветеринария соҳасида таъсил олиб, шу касбда фаолият юритдим. Фарзандларимни ўқитиш, уйли-жойли қилдим.

Бугун эса элу халқнинг гамхўрлигидан, кексаларга бўлган меҳридан, эътиборидан баҳраманд бўлиб, умргузаронлик қиламан. Бундан ортиқ инсонга яна нима керак?

Сабр, қаноат, шукроналик, ҳалоллик, меҳнатсеварликни устувор билган Мақсуд ота Оқилов бугунги синовли кўнларни ҳам сабот билан енгайtir. Ҳа, чиндан ҳам, омонликда, соғлиқ, тинчлик ва хотиржамликда ҳаёт кечириндан ортик бахт бўлмас керак!



## «Соғинчлик Салом!»

Самарқанд шаҳрида соғ ва саломат бўлиб ўқиб юрган укам Бурҳонга салом. Бурҳон мени Тошкентдан фронтга юборишди. Бизлар Сталинград фронтда қатнашдик. Мен урушида 3 ой бўлдим. Мени 23 декабрда Сталинград Уральск областига 2 ойлик «младший лейтенантлик» курсига юбордилар. Бизлар ҳозир Урольскида ўқиймиз.

Мен Сталинграддан келаётган вақтда бир одамдан хат юборган эдим. Ҳаммаси бўлиб уйга 5 донга хат ёздим. Аммо биронта хат олганим йўқ. Самарқанд қандай, қимматчиликми? Наби ва Асад ўртоқларимга айтгин, менга хат ёзиб турсин, ҳоп. Шунинг билан сўзим тамом. Бу хатни олган замон жавоб бер.

ақанг Абдурахим Сафаров,  
1943 йил 6 февраль».



*Биринчи бўлиб ким оловни кашф қилган, нон ёпишни ўйлаб топган ким? Пойдевор қуйиб, бино кўтариш илк бор кимнига ҳаёлига келган? Ёки ёзувни ихтиро қилиб, китоб тузишни кашф этганлар кимлар? Тарих саҳифаларида бундай кишилар ҳақида бирор маълумот топилмаса-да, ана шу ихтирочи, тиниб-тинчимас кишиларнинг хизматлари, ақлу закоси тараққиётни тезлаштирган, бугунги компьютер асри учун том маънода пойдевор қўйган.*

# ОЛИМ ОДАМ ЎЛМАЙДИ

## ЁХУД ТУГАНМАС МАЪНАВИЙ МЕРОС

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, «Жасорат» медали соҳиб-и, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Исмоил Салихов ҳам кишлоқ хўжалигини механизациялаш билан боғлиқ терминларни илк марта ўзбекчага ўғирган ва ўзбек тилида техник сўзлар терминологияси яратиб, мамлакатимиз аграр соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган фидойи, жонқуяр олим, халқимизнинг қахрамон ўғли, қолаверса, тўқимачилик соҳаси ривожига туртки берадиган ускуна ихтирочиси. У киши ўзбекчага таржима қилган илмий техник адабиётлар ҳозирги кунгача мамлакатимиз кишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаш соҳаси ривожига дастуриламал сифатида қўлланилаётди. Шундай инсоннинг фарзанди бўлиш эса биз учун чексиз ғурур бағишлаш билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Чунки отамизга муносиб бўлиш, илм-фан оламида мамлакат, халқ манфаати учун муҳим янгилликлар яратиш ҳисси бизни ҳеч қачон тинч қўйган эмас.

### Биринчи ўзбек инженер механиги

Раҳматли отамиз 1913 йилда туғилган. Дастлаб эски мактаб, кейинчалик рус тузем мактабида, «РабФак»да ўқиган. Ўрта маълумотга эга бўлган, яна изланишда давом этиб, 1930 йилда Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтига ўқишга қабул қилинган. Ўқиш давомида техник сўзларнинг ўзбекча атамалари йўқлиги уларнинг эътиборини тортган ва жиддий ишга киришганлар. Отамизнинг талабалик давридаёқ кўпгина терминология лугатларини тузгани нафақат ўзбек талабалари учун қулайлик, балки янги тушунчаларни ифодалашда она тилимиз имкониятларининг намоёни ҳам эди. Институтни муваффақиятли тугатган, отамиз айна соҳани чуқурроқ ўрганиш учун аспирантурага кирганлар. Ўша йиллари илмий иш билан бир қаторда, кўпгина техник адабиётларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилдилар ва бу аграр соҳа тараққиётига пухта замин ҳозирлади. Мохир ирригатор сифатида 1939 йилда Катта Фарғона канал, 1940 йилда Катта Қўрғон сув омбори қурилишида фаол иштирок этганлар.

### Сталинград жанги ёхуд билимли кадр ҳамма жойда керак

Илм оламига шўнғиб, янгилликлар устида изланаётганларида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, рус тилини яхши би-

лаган мутахассислар камлиги сабабли отамизни туман ҳарбий бўлимига ишга таклиф этишган. Ўша пайт уруш тобора авж олар, юрагида ўти бор мард йигитлар ташаббус кўрсатиб, фронтга отланишарди. И.Салихов ҳам 1941 йилнинг декабрь ойида ўз ташаббуслари билан уруш майдонига йўл олганлар.

Отамиз ҳаракатдаги тўртинчи Украина фронтда инженер-капитан унвонда авторемонт батальонида командир муовини вазифасида хизмат қилган. Сталинград жангида иштирок этиб, кўпгина жасорат кўрсатган, довжорак жангчи сифатида фашистларга қарши мардона қурашган. Жанглардаги хизматлари учун отамизни бир канча орден, медаллар билан тақдирлашган. Шундай қилларнинг бирида эса Ватан ичкарасида олий маълумотли мутахассислар етишмагани боис 1943 йил декабрь ойи охирида уни урушдан бўшатиб, Ўзбекистонга кайтаришган.

### Отамизнинг илмий олами

1944 йилдан бошлаб, институтнинг Механизация кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб, талабаларга трактор, автомобиллар йўналиши бўйича дарс берган отамиз турли йилларда турли кафедралар мудири вазифаларида фаолият юритиб, 68 та ўқув-қўлланма, шулар қаторида 28 та китобни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилганларки, ушбу адабиётлар ҳозир ҳам кимматини йўқотган эмас.

Олим одам ўлмайди, дейишади. Дарҳақиқат, илмий ишлари, ёзган китоблари илм-фан оламида отамизнинг номини абадийлаштириб турибди: 8 та китоб, «Тракторлар, автомобиллар ва кишлоқ хўжалик двигателлари» деб номланган дарелик, ўқув-қўлланма бунга мисол. 1967 йилда собиқ иттифок Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Ихтиролар, янгилликлар ишлари бўйича қўмита»нинг ихтиро гувоҳномасига сазовор бўлиш — камдан-кам ўзбек олимлари эришган маррадир. Отамиз бунга эчки, туя жунидан момиқ толани ажратиб олиш ускунасини яратиб эришганлар. Мазкур қурилма кишлоқ хўжалигини санаятлаштиришда, тўқимачилик ривожига катта ўрин тутди. Фан номзоди, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор унвонига эга бўлганлари уларнинг илмий фаолиятига қанот бергани аниқ. Зеро, ғайрат ва шижоат билан 1993 йилга қадар иш фаолиятларини тўхтатмасдан ҳалол меҳнат қилдилар. Ана шу илмий ишларнинг кадри бугун ҳам

аҳамиятли: 2012 йилда «Тракторлар ва автомобиллар» деб номланган ўқув дареликлари лотин алифбосида «Cho'iron nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi» томонидан чоп этилди.

### Қадри пасаймас мерос

Падари бузрукворимиз Исмоил Салихов 1994 йилда 81 ёшларида дунёдан ўтдилар. Отам қолдирган маънавий мерос йиллар ўтса-да, қамаймайди, кадри пасаймайди. Улар биз, фарзандлар қалбига илм уруғларини жойлаб, ростгўйлик, сабр, ҳалолликка, доим халқ, Ватан, оила олдидаги бурч ва масъулиятни унутмасликка ўргатганлар. У кишининг панду насихатлари, талабларига амал қилиб, катта ютқуларга эришганимиз айна ҳақиқат.

### Маҳалла-кўй дарду ташвишига доим вақт топганлар

Раҳматли отамиз ҳам истеъдоди, ҳам юксак инсоний фазилатлари билан эл оғзига тушгандилар. Шунча ишлардан ортиб, маҳалла-кўй дарду ташвишига ҳам вақт топардилар. Иқтидорли, изланувчан талабаларни кадрлай билганлари, тўғри йўналтириб, фан олами сари рағбатлантирганлари



*1967 йилда собиқ иттифок Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Ихтиролар, янгилликлар ишлари бўйича қўмита»нинг ихтиро гувоҳномасига сазовор бўлиш — камдан-кам ўзбек олимлари эришган маррадир. Отамиз бунга эчки, туя жунидан момиқ толани ажратиб олиш ускунасини яратиб эришганлар.*




боис бугун шогирдлари турли соҳаларда, масъул лавозимларда фаолият юритиб, Ватанимизга ҳолис хизмат қилишмоқда. Отамнинг юксалишида, масъулият, 58 йил давомида у кишини қўллаб-қувватлаган, ҳар тарафлама қўмак берган, фарзандларни етук инсонлар қаторига қўшишда катта ҳисса қўшган волидаи мухтарамимиз Наима онанинг ҳам ўрни бекиёс. Зеро, ҳар иккисининг ўзаро муносабати, бир-бировига меҳри, болалар олдидаги масъулияти, оилани муқаддас санаш, сабру матонати бугунги ёшлар учун ҳар томонлама ўрнатқуч бўлишга арзийди.

Шухрат САЛИХОВ, техника фанлари номзоди, доцент.  
Шавкат САЛИХОВ, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Фанлар Академияси академиги.

Мўйноқда 10 та балиқчилик фермер хўжалиги ташкил қилинди.

# Ўзбекистонда 1 майдан хусусий нотариуслар иш бошлади.



## ЎТМИШДАГИ ХАТОЛАР ТАКРОРЛАНМАЙДИМИ?

**Аввал ҳам шу нотариуслар бўлган, бироқ...**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Ўзбекистон нотариал соҳаси учун янгилик эмас. Боиси 2010 йилга қадар мамлакатимизда бир қанча хусусий нотариал идоралар фаолият юритган. Бироқ 2010 йилнинг 15 майдан бошлаб мамлакатимизда бу каби марказлар фаолияти бутунлай тўхтатилган эди. Бунга эса хусусий нотариал идоралари томонидан қонунга зид ҳужжатларни тасдиқлаш ҳоллари кўпайгани ҳамда газали мақсадни кўзлаб ўзларининг хизмат ваколатларини суниестемол қилгани асосий сабаб бўлган. Аммо бу билан соҳадаги муаммоларга ечим топилмади. Аксинча Ўзбекистонда хусусий нотариуслар фаолияти тўхтатилгач, фуқаролар ушбу хизматдан фойдаланишда қатор қийинчиликларга дуч кела бошлади. Хусусан, давлат нотариал идоралари ходимларининг муомала маданиятидаги қусурлар, йўлаклардаги узундан узун навбат ва хизмат учун асосланмаган нарх кўйиш ҳолатлари аҳолининг ҳақли норозиликка сабаб бўлди. Қолаверса, ўз вақтида «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан кенг жамоатчилик ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, сўров қатнашчиларининг аксарияти томонидан нотариал идоралардаги ортикча вақт ва маблағ йўқотишлар, ходимлар сонининг камлиги, нотариусларнинг муомала маданияти тизимдаги асосий муаммолар сифатида кўрсатилган. Бу каби ҳолатларнинг тез-тез содир бўлиши ўз ўзидан соҳада янги ислохотларни амалга ошириш, тизимдаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш, бу орқали эса аҳолига қулайлик яратиш заруратини юзага келтирди.

Айтиш мумкин, Президентимизнинг 2019 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ана шундай ҳолатларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Хабарингиз бўлса, 2020 йилнинг 1 май санасидан бошлаб мамлакатимизда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ўз фаолиятини бошлади ва шу куни янги ташкил этилган хусусий нотариус томонидан биринчи нотариал ҳаракат амалга оширилди. Мазкур нотариал ҳаракат Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ф. Ҳожиматов томонидан қайд этилган бўлиб, фуқаро С.Р. томонидан нафақа олиш учун ишончнома расмийлаштирилди.



### Хафтанинг исгалган кунида нотариус хизматидан фойдаланиш мумкин

— Фармонда қайд этилганидек, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб давлат нотариал идоралари босқичма-босқич хусусий типдаги нотариал тизимга айлантирилиши белгиланган эди, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси раиси Дилшод Ашуров**.

— Шунга мувофиқ, жорий йил биринчи майдан Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти ташкил этилди. Қувонарлиси, ушбу механизмнинг амалиётга татбиқ этилиши орқали аҳолининг нотариал хизматларга бўлган талабини қондириш, нотариат соҳасида эркин рақобат муҳитининг шаклланиши, ортикча бюрократия ва коррупция ҳолатларига тўла барҳам беришга хизмат қилади. Қолаверса, эндиликда нотариал идорада ортикча навбат кутиш ҳолатлари барҳам топади. Чунки қонунда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг энг кам сони белгилаб берилди, энг кўп сони эса аксинча, чегараланмади. Бу эса ўз ўзидан аҳолига тез, ишончли ва сифатли нотариус хизмати кўрсатишга хизмат қилади. Шунингдек, бундан буён фуқаролар ҳафтанинг исгалган кунида нотариус хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади.

### ДАРВОҚЕ...

**Хусусий нотариал фаолиятни амалга ошириш лицензияланган фаолият тури ҳисобланади. Хусусий нотариус мақомига эга бўлишга талабгорлар лицензия олиш учун малака имтиҳонини топширади.**

### Расмийлаштирилган ҳужжат бир хил юридик кучга эгами?

Хабарингиз бўлса, 2020 йил 14 январь куни «Нотариат тизимини тубдан ислох қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун Президентимиз томонидан имзоланди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Гаров тўғрисида»ги, «Нотариат тўғрисида»ги, «Лицензия тўғрисида»ги, «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги ва бошқа қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айниқса, улар орасида «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар алоҳида аҳамиятга эга. Боиси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятига оид нормалар қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Унга кўра, янги қонун билан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда нотариусларнинг давлат нотариал идораси ёки

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус бўлиб ишлашидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлди. Бундан ташқари, давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга бўлади.

### Хизмат нархларини ким белгилайди?

2020 йил 14 январда қабул қилинган қонунга кўра, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар хизмат нархларини мустақил белгилай олмайди. Яъни нотариал-ҳаракатлар учун тўловлар миқдори Ҳуқумат томонидан белгиланади.

Айтиш мумкин, ушбу тартиб хусусий нотариал ҳаракатлар учун тўлов миқдорининг асосиз оширилишига йўл қўймайди, тизимда шаффофлик ва адолатни таъминлаш, бу орқали фуқароларга янада сифатли нотариал хизмат кўрсатиш имконини беради. Шунингдек, эндиликда нотариусларга ҳужжатнинг электрон шакли унинг қоғоз шакли билан тенг ҳуқуқий кучга эгаллигини тасдиқлаш ваколати берилди. Бироқ соҳадаги ижобий ўзгаришларга қарамай, аҳолида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар аваллиги хатоларини такрорламайдими, деган ҳадик бор.

— Дарҳақиқат, бугун кўпчилик фуқароларни ана шу савол қийнапти, бироқ ҳавотирга ўрин йўқ, — дейди **Тошкент шаҳар Мирзо Улубек туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шахло Кўчимова**. — Чунки эндиликда барча нотариал ҳаракатларни ахборот тизими орқали онлайн тарзда мониторинг қилиш имкони яратилган. Бундан ташқари, фуқаро шахсини аниқлашда замонавий текшириш усуллари фойдаланилади. Ҳар бир ҳужжатга такрорланмайдиган рақам бериш имконияти мавжуд. Тўлов автоматик тарзда ҳисобланади, демек, бу орқали коррупцияга барҳам берилади. Энг муҳими, фуқароларни нотариус қасбий мажбуриятларини бузиши натижасида етказилган зарардан муҳофазат қилиш мақсадида нодавлат нотариал идоралар нотариусларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тартиби белгиланган.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Дунё тажрибасида нотариатнинг лотин ва англо-саксон турлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон лотин нотариат турига мансуб ҳисобланади. Нотариатнинг ҳар икки турида ҳам нодавлат шакли устунлик мавқеига эга.

Бугунги кунда аксарият хорижий давлатлар (Германия, Франция, Италия, Эстония, Австрия, Венгрия, Туркия ва бошқа), шу жумладан, МДҲ давлатларида (Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистондан ташқари) лотин нотариати принципларига асосланган нотариатнинг фаол нодавлат шакли фаолият юритмоқда.



**Ш**у йилнинг 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Хўш, қарор билан аҳолига қандай қулайликлар яратилади? Кредит қимларга, қанча миқдорда, неча йилга берилади? Субсидия қандай белгиланади?

**Неча ёшдан олиш мумкин?**

— Фуқароларга кредит бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган. Унга кўра, ипотека кредити 18 ёшга тўлган ва 60 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади, — дейди Адлия вазирлиги мутахассиси Фаррух Жўраев. — Кредит олиш учун ёш чегараси белгиланишининг асосий сабаби фуқаро муомала лаёқатига етиши ҳамда тўлов қобилитига эга бўлиши керак.

Ушбу қарор асосида талабгор ўзи хоҳлаган жойдаги хусусий қурилиш ташкилотларига мурожаат қилиб, улар билан шартнома тузади. Кейин тижорат банклари ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ипотека кредитларини олиши мумкин.

Шу вақтга қадар мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2500 ва 3000 баробарига сумма бериш белгиланган эди. Сумма аниқ бўлмагани учун айрим тижорат банклари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1100 баробарига берилиб, ундан ортик сўралган ипотека кредити рад этиларди. Янги тартиб бўйича бунга чек қўйилди. Энди кишлоқ жойларида 2 хонали квартиралар учун 174 миллион сўмдан 240 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 224 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача, шаҳарларда 2 хонали квартиралар учун 180

ҳаражатларни қоплаш учун субсидиялар белгиланган уй-жойнинг 10 фоизи миқдорда тўланади.

Бундан ташқари, мазкур қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2020-2021 йиллар давомида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан тегишли ҳудуд учун белгиланган субсидиялар сонини 1,3 бараварга ва суммасини 40 фоизгача оширишга рухсат берилди. Қарорда ипотека кредитининг фоизи ўзгариши ҳақида норма белгиланмагани учун фармондаги ана шу фоизлар қўлланади.

**Янги тартиб янги имкон берди**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити

# Кредит суммаси аҳоли даромадига мосми?

миллион сўмдан 240 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 232 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача, Тошкент шаҳрида 2 хонали квартиралар учун 198 миллион сўмдан 264 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 255 миллион сўмдан 352 миллион сўмгача миқдорда кредит берилади.

**Муддат узайтирилди**

Мазкур қарорга асосан, аҳолига ажратилган ипотека кредитлари (шу жумладан, бугунги кунга қадар ажратилган ипотека кредитлари) муддати 15 йилдан 20 йилгача узайтирилди. Тижорат банклари бир ой муддатда янги тартиб доирасида жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитлари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтиради ҳамда тузилган шартномаларга тегишли ўзгаришлар киритади.

Шунингдек, қарор билан шаҳарларда ва Тошкент шаҳрида белгиланган ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари назарда тутилган квартираларни сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисmini тўлаш билан боғлиқ

механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида ер майдони олишда тадбиркорга икки хил қўриқчида имконият мавжуд эди, — дейди Қурилиш вазирлиги мутахассиси Шерзод Содиқов. — Шу бўйича барча ҳудудларда ҳокимликлар томонидан 17 мингдан ортик хонадонга мўлжалланган кўп квартиралы уйлари жойлаштириш учун массивлар танлаб олиш иши давом этмоқда. Бу тартиб эсорий қилингунча қадар хусусий сектор томонидан ҳудудлар марказида кўп квартиралы уй-жойлар қуриш бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилган. Аксарият уй-жойлар фойдаланишига тайёр ҳолга келтирилган бўлса-да, уларни белгиланган тартиб доирасида аҳолига реализация қилиш имкони мавжуд эмасди. Янги қарор билан хусусий сектор томонидан қурилиши бошланган, давом этаётган ва фойдаланишига тайёр уйларни аҳоли томонидан ипотека кредитларига сотиб олиш имконини беради.

Якка тартибдаги уй-жойларни қу-

ришга жисмоний шахсларга кредит ажратишга рухсат этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Бу тажриба тарихида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида синаб қўрилмоқда.

Кўпчилик ушбу тартибга кўра кредит суммаси катталиги ва бунда аҳолининг тўлов имконияти ҳисобга олинмаганини таъкидламоқда. Мавзу бўйича саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сўёсат департаменти директори ўринбосари Акмал Назарова мурожаат қилдик.

— Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 62-моддасида кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари, банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдори банк томонидан мустақил белгиланиши қайд этилган, — дейди А.Назаров. — Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банклари томонидан ажратадиган ипотека кредитлари фоизлари бўйича шартли равишда (тахминий ҳисоб-китоб) қўйидаги тартибда бўлади. Агар фуқаро 174 миллион сўмлик

кредит суммасига кишлоқ жойларидан 2 хонали уйни 20 йилга олса, ойлик тўлов 2 685 миңг сўмни ташкил этади. Тошкент шаҳрида эса, 198 млн. сўмлик уйнинг ойлик тўлови 3 364 миңг сўм бўлади. Бунда уй нархи тахминан 20 фоизда ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоизлар мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади. Ўз навбатида, асосий ставка пасайиши Молия вазирлиги томонидан келгусида ипотека кредитлари бериш учун тижорат банкларига ажратилган кредит ресурсларининг фоиз ставкаси тушишига ва якунда тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари фоизларини пасайишига олиб келади.

Ипотека кредитлари муддатининг узайиши, асосий ва унга ҳисобланган ойлик фоиз тўловларини камайишига сабаб бўлади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ  
«Mahalla»

Қурилиш вазирлиги соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича Олий Мажлисда ахборот беради.

**А**йни пайтда етиштирилган маҳсулотни ички бозорда таннархидан ошириб сотиш, экспортга йўналтириш деҳқонни қийнайдиغان энг катта муаммолардан бири.



# Шахсий томорқа

## ер эгаларини қандай муаммолар қийнамоқда?

Афсуски, кўпинча томорқада маҳсулот пишиб етилган вақт дабурустдан давлат чегаралари экспорт учун ёпилиб қолади. Мамлакат бўйлаб томорқачи ва ижарачилар етиштираётган маҳсулот ҳажми, тури, кўлами ҳисобга олинмаган ҳолда «энг аввало, ички бозорни таъминлаш» важи билан маҳсулотни четга сотишда тўсиқлар учрайди. Натижада томорқачилар меҳнати ва харажатига қуйиб қолавереди.

### Деҳқон далага кирдимиз, даромад олиши шарт

— Бу муаммонинг олдини олиш учун, аввало, экспортни тизимли ташкил қилиш, етиштирувчи билан экспортёр ўртасидаги муносабатларни тўрига кўйиш зарур, — дейди **иқтисодчи Мақсуд Рустамов**. — Афсуски, кўпинча етиштирилган экин ҳосил бергач, деҳқон арзимасган нўл билан қолади-да, аксинча ўртақчи хузурини кўради. Шу боис томорқачи ва экспортёр ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш лозим. Унутмайлик, бозор тамойилларига ўтишда мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бундан олдин тизимдаги шартномавий муносабатларни шакллантириш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспортчининг манфаати, масъулиятни ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаб олиш муҳим. Шунингдек, Молия вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари кластерларни айланма маблағлар билан ўз вақтида таъминлаши зарур. Кластерлар эса экспорт ҳажмини ошириш ва янги бозорларни топшиш керак. Президентимиз таъкидлаганидек, бозор бўлмаса, экспорт ҳам бўлмайди, кластер тизими ҳам юрмайди. Шунинг учун чет элдаги

талабни ўрганиб, экспортда изчилликни таъминлаш керак. Тўғри, бугун бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда, бироқ соҳада натижадорликка аҳамият бериш лозим. Бир нарсани унутмайлик, деҳқон далага киргани, даромад олиши шарт.

### «Томорқа хизмати»дан аҳоли рози... (ми?)

Бундан икки йил аввал юртимизнинг кишлоқ хўжалигига ихтисослашган 161 та туманда «Томорқа хизмати» корхоналари ташкил этилган эди. Бироқ, тан олиш керак, бу тизимдан бугун шахсий томорқа ер эгалари миннатдор эмас. Қолаверса, Президентимиз жорий йил 29 апрель куни пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳам бу ҳақида сўз юртаркан, «Томорқа хизмати» тизимидаги 244 та корхонанинг 65 тасигина экспорт билан шуғулланаётгани, кўп жойларда бу хизмат тўлиқ ишламаяётганлигини таъкидлаб ўтган эди.

— «Томорқа хизмати» МЧЖлар бугун юртимиздаги барча томорқачиларни қамраб олишга имкони етмайди, — дейди **Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи Фахриддин Суянов**. — Мисол, айни пайтда Жомбой туманида 14 та «Томорқа хизмати» фаолият юритаётган бўлса, Амударё туманида атиги 1 та ана шундай МЧЖ ташкил этилган. Табиийки, бу ҳолат хизмат сифатида тафовутни юзага келтиради. Шу боис Президентимиз

ҳар бир секторда камда 1 тадан ана шундай хизматни ташкил қилиш вазифасини қўйди ва бу ишлар бугун бошлаб юборилди. Қолаверса, томорқачиларни сифатли уруғ, кўчат ва ўғит билан таъминлаш мақсадида яқин келажакда маҳаллаларда «Томорқа хиз-

мати» дўконларини ташкил этиш режалаштирилган. Агар бу лойиҳа амалиётга татбиқ этилса, сифатсиз уруғ ёки ўғитдан зарар кўраётган томорқачиларнинг муаммолари ижобий ҳал бўлади, деҳқон ва етказиб берувчи ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланади.

### Сув муаммоси қачон ҳал бўлади?

Томорқачиликдаги муаммолардан яна бири бугун худудларда етиштирилаётган экинларни суғориш билан боғлиқ қийинчиликлардир. Афсуски, ҳозирда кўп жойларда кўлами анча кенг айни шу масала томорқачилар, деҳқонларнинг ҳақиқий «бош оғриғи»га айланган.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Сув таъминоти оғир худудлардаги аҳоли томорқалари ҳамда кишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғоришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди. Унга кўра, сув таъминоти оғир худудлардаги аҳоли томорқалари, деҳқон хўжалик-

Кластер эгаси, фермер ўз маҳсулотини суғурта қилдиради ва ҳосили кайсидир сабаб билан нобуд бўлса, суғурта пулини олади. Бироқ, бу тизим ҳали бизда йўлга қўйилмаган. Хўш, нега?

— Жисмоний шахслар томорқасида етиштирилаётган экинлар ҳосилини суғурталаш амалиёти ҳозирча бизда мавжуд эмас, — дейди **«Ўзгросуғурта» АК Бошқаруви менежери Абдурашид Ваҳобов**. — Бунинг асосий сабаблари жисмоний шахслар томорқасида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисоботининг юритилмаслиги ҳамда буюртмачилар билан шартномалар мавжуд эмаслигидир. Агар келажакда етиштирилаётган кишлоқ хўжалиги экинлари ҳисоботини юритиш тизими йўлга қўйилса ва шартномавий муносабатлар томорқа хўжалигига ҳам жорий этилса, суғурта хизматлари ривожланади. Бунинг учун, албатта, томорқада маҳсулот етиштириш бўйича қонунчилик ва тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши лозим.

Қолаверса, соҳага бюджетдан йўналтирилаётган маблағларнинг бир қисmini суғурта тизимини ривожлантиришга сарфлаш керак.

### Энди навбат депутатларгами?

Хабарингиз бўлса, яқинда Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг Қўшма қарори қабул қилинди. Унга кўра, энди худудларда томорқачиларни қийнаётган муаммолар депутатлар ва сенаторлар томонидан ўрганилади, камчиликларни ҳал этиш юзасидан амалий чоралар кўрилади.

Бироқ кишини ўйлангирадиган масала шуки, мазкур амалиёт юртимизда томорқачиликни ривожлантириш, соҳадаги муаммоларни ҳал этишга қанчалик хизмат қилади?! Бежиз бу фикрни билдирмадик. Айтмоқчимизки, соҳада яхлит назорат тизимини йўлга қўймай, шахсий томорқа эгалари учун зарур шароитларни яратмай, уларни қийнаётган масалаларга аниқ ечим топмай туриб, кўзланган натижага эришиш қийин. Шундай экан тизимдаги муаммоларни ҳал этиш бозорда бош қотириш вақти келди, назаримизда.

**Саъдулло ТУРСУНОВ**  
«Mahalla»

**ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА КўРА, БУ ЙИЛ ЮРТИМИЗДАГИ 4,5 МИЛЛИОН АҲОЛИ ТОМОРҚАСИДАГИ 432 МИНГ ГЕКТАР ЕРДА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ЕТИШТИРИЛАДИ.**

ри ҳамда кишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун артезиан қудуқларини қазитиш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув хавзаларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш учун субсидиялар ажратиш белгиланди. Ўйлаймизки, мазкур қарор билан бу муаммога жўяли ечим топилади, албатта.

### Томорқачилар маҳсулотини суғурта қила оладими?

Айни кунларда юртимизнинг турли худудларида кузатилаётган нокулай об-ҳаво шароити, қолаверса, ички бозордаги нарх-навонинг барқарор эмаслиги фермер ва томорқачиларнинг даромадида салбий таъсир этаётир. Бу ҳолатда ривожланган давлатларда суғурта тизими жуда яхши ишлайди.



# Адлия вазирлиги ташаббуси нега қарама-қарши фикрлар уйғотяпти?



## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

1. Ўзбек тилини билиши шарт!

### Мансабдорлар давлат тилида иш юритса...

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг муҳокамаси авжида. Давлат органлари ва ташкилотларида давлат тилида иш юритишга доир қонунчилик талабларига риоя этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик киритиш тўғрисидаги ушбу лойиҳа ташаббускори — Адлия вазирлиги. Содда қилиб айтганда, вазирлик давлат тилидан бошқа тилда иш юритадиган ташкилотлар раҳбарларига 446 минг сўмдан 1 млн. 115 минг сўмгача жарима қўллашни таклиф қилмоқда. Ҳозирда шу мавзу ижтимоий тармоқлар, жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилиняпти. Аксарият зиёлилар, жамоатчилик ташкилотлари, аҳоли вакиллари, ОАВ лойиҳани қўллаб-қувватляпти. Айрим хорижий ва ҳатто маҳаллий нашрлар эса «Ўзбекистонда давлат органларида рус тилидан фойдаланганлик учун жарима белгиланади», «Ўзбекистонда Пушкин тили учун жарима қўллашмоқчи» каби ҳужумкор, гижгижловчи мақолаларни эълон қилмоқда.

Хўш, лойиҳа нима учун бунчалик шов-шувга сабаб бўляпти? Ўзбеклар ўз юрти, мустақил давлатида ўзбек тилида иш юритишни истаётган бўлса, бунинг нимаси ёмон? Бу кимга ёқмаяпти ва нима учун? Қуйида мазкур саволларга жавоб топишга уринамиз.

### Тил шунчаки мавзу эмас

Аввало, давлат тилини белгилаш, иш юритишда маҳаллий аҳоли учун оммавий бўлган тилга тўлиқ ўтиш мумкинми мустақилликка эришганига қўп бўлмаган аксарият давлатлар учун хос эканини таъкидлаш керак. Бунда собиқ мустамлакачи доминионига ҳар қандай — иқтисодий, маданий, лисоний

ва бошқа таъсирини сақлаб қолишга уриниши табиий ҳол. Урнишлар баъзан ўта радикал тус ҳам олади. Бунга Украинада ўтган йиллар давомида юз берган ва бераётган воқеалар яққол мисол бўлиши мумкин. Мамлакатда ҳамон давом этаётган талотўпларнинг бари, аввало, давлат тили, таълим тилини белгилаш масаласидан ўсиб чиққанди. Айни шунинг ортидан келиб чиққан сиёсий қарама-қаршиликлар, норозиликлар оқибатида Украина ҳудудий яхлитлигини бой берди. Шу маънода тил масаласи, мавзунинг спекулятив талқинлари собиқ мустамлакалар учун оғрикли ва хатарли ҳисобланади. Ўзбекистонда муаммони узил-кесил ҳал этишга ҳаялланганининг сабаблари ҳам шунда. Аммо кўпчиликнинг фикрича, бугун тилимизни ҳимоя қилишда янги босқичга кўтарилиш вақти келган. Жумладан, зиёлиларнинг аксарияти Адлия вазирлиги ташаббусини қўллаб-қувватламоқда.

### Бу — қатта жасорат, журъат

— Бундан 13-14 йил олдин Ўзбекистонда бир нуфузли ташкилотда ишлаган пайтимида у ерда бутун республикадаги каби барча ҳужжатлар рус тилида юритилар эди, — дейди Сорбонна университетида тахсил олган ва айни пайтда Францияда яшаб меҳнат қилаётган мустақил эксперт Дониёр Рўзметов. — Мен эса барча ишни ўзбек тилида юрита бошладим. Шу орада Адлия вазирлигидан килдир раҳбаримизга сиз қўқиб, ўзбек тилида матн жўнатаётганимиз учун тергабди. Бироқ биз ишни шу йўсунда давом эттирдик. Ўша ташкилотнинг мен ишлаган мuddатдаги ҳужжатлари, ҳисоботлари архивдан олиб кўрилса, барчаси ўзбек тилида юритилганини кўриши мумкин. Ваҳоланки, 1943 йилдан 2006 йилгача хат-ҳужжатлар рус тилида юритилган, 2007 йилдан, яъни мен кетгандан кейин яна ўша тилда юритилишида давом этган...

Аммо бугунги Ўзбекистон, бугун-

ги Адлия вазирлигида ҳолат мутлақо бошқача. Айниқса, давлат тилида иш юритилишини таъминлаш борасидаги ташаббусни ҳеч иккиланмасдан бемалол журъат, жасорат деб атайман. Янги қонун лойиҳасига айрича нигоҳ билан қараётганлар ҳақиқатни излаш, гап аслида нимадалигини тушуниш учун эмас, балки Ўзбекистонда умуман давлат тили ишлатилишига қаршидай ҳаракат қилмоқдалар.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза туғилади: ўзбек тилини ўрганишни хоҳлаганлар учун юртимизда шароит яратилганми? Тилни билиши инсоннинг ўзи учун фойдали бўлса, юртимиздаги бошқа миллатга мансуб инсонлар асло ўзбек тилини ўрганишга қарши бўлмайдилар. Аксинча, улар Ўзбекистон миллий давлатчилигининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшадилар.

### Давлат тилида иш юритишни қаерда ўрганиши мумкин?

— Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги давлат университетлари ҳамда педагогика институтлари ҳузурдаги Давлат тилида иш юритиши асосларини ўқитиш ва малака ошириши марказида ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълими, Молия, Мудофиа вазирликлари, Ўзбекистон телерадиоканпанияси, Давлат ҳавфсизлик хизмати ҳамда «Узархив» аэвтиликларининг 70 нафар ходими давлат тилидан малака оширди. Айни саъй-ҳаракатлар давом этмоқда, тақомиллаштирилмоқда, — дейди Давлат тилини ривожлантириши департаменти бўлим мудири Шаҳобиддин Мусаев. — Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини тақомиллаштириши концепцияси ва давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони лойиҳаси тайёрланмоқдаки, унга кўра, яқин ўн йилликда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлиги, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, табиийт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришилади. Ўзбек тилини ўрганиши истағида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарслиқлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиши ва уларни кенг миқёсда тарқатиши, ўзбек тилини ўргатиши бўйича махсус курсларни ташкил этиши кабилар 2020-2030 йиллардаги асосий мақсадли кўрсаткичлардир.

### Мақсадлар улкан, қонун лойиҳаси умқамалми?

Яқин ўн йиллик учун мўлжал олинаётган режалар салмоқли. Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси ушбу мак-

садлар йўлида қай даражада хизмат қила олади?

— Бугун қизғин муҳокама этилаётган таклифни муқамал деб бўлмайди, — дейди таниқли ҳуқуқшунос Нуриддин Муродов. — Негаки, у амалиётга татбиқ қилинса ҳам «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 10-, 17-, 21-моддалари талабларни бузганлик учун жавобгарлик очиқ ёки самарасиз бўлиб қолаверади. Масалан, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 10-моддасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиши билан боғлиқ талаб белгиланган. Муҳокама этилаётган таклифда кўрсатилган жарима эса корхоналар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритишига тааллуқли эмас.

Ҳуқуқшунос ЖТКнинг 42-моддасини янги таҳрирда бериш, яъни жавобгарлик қамровини кенгайтириш тарафдори. Яъни айни моддада «Давлат тили тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳам акс этсин.

Ана шунда, ҳеч бўлмаганда, «Давлат тили ҳақида»ги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик тўлиқ қамраб олинishi мумкин. Дарҳақиқат, ўзбек тилини фақат давлат идораларида иш юритиш жараёнигагина эмас, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг татбиқ этиш фурсати аллақачон этиб келди.

### Хулоса ўрнида

Яқинда Туркиядаги бир мажлисда ўзбек идораси масъул ходимининг рус тилида, туркларнинг эса ўзбек тилида нутқ сўзлагани видеоси тарқалиб, кескин фикрларга сабаб бўлди. Ўз тилини кадрят даражасига кўтарган турклар олдида мамлакатнинг шаънига ярашмайдиган хол бу. Қолаверса, она тилида тафаккур қилолмайдиган, халқини борича қабул қилолмайдиган одам қандай қилиб халқ дардини юракдан хис қилсин? Бундай киши халқ номидан иш кўришга ҳақлими? Она тилини билмаган кимса ватанпарварлик ҳақида гапирса ярашадими?



Бир сўз билан айтганда, давлат тилимиз ривожини учун кенг йўл очадиган, унинг кадри ва қаддини тиклайдиган саъй-ҳаракатларни энди пайсалга солиш тилимизга, маънавийтимизга, қадриятларимизга, халқимизга нисбатан хурматсизлик бўлади. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан муҳокамага қўйилган қонун лойиҳасида илгари сурилган метёр республика ҳудудида истиқомат қилаётган миллат ва эллатларнинг она тилидан фойдаланиш, миллатлараро мулоқот ва таълим тилини ўз хоҳишига қараб танлаш, ўз тилида давлат органлари ва ташкилотларида мурожаат қилишга доир конституциявий ҳуқуқларини поймол қилмаслигини ҳам унутмаслик зарур.

Юлдуз ХОЖИЕВА  
«Mahalla»



# Осиё тараққиёт банки:

## Пандемиядан сўнг мисли кўрилмаган инқироз кутилмоқда...(ми?)



**Ш**у кунларда халқаро экспертлар пандемия, Марказий Осиё давлатлари бошига тушган бошқа офатлар оқибатларини башорат қилишга муқкасидан кетди. Жумладан, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) мутахассислари минтақадаги иқтисодий инқирознинг ҳажми ва кўлами мисли кўрилмаган даражада бўлади, дея ваҳима қиляпти.

Албатта, бундай башоратлар жиддий илмий тадқиқотларга суянмаган тақдирда ҳам шов-шувнинг ўзи минтақа иқтисодига жиддий зиён етказиши, бошқариб бўлмас «домино эффекти»ни ишга тушириб юбориши мумкин. Ўхшаш ҳолатлар дунё иқтисодиёти тарихида кўп марта кузатилган. Масалан, жаҳонни камраб олган Буюк депрессия 1929 йилда Нью-Йорк биржасида кимматбаҳо қозғаларнинг нархи тушиши кутилаётгани тўғрисидаги миш-мишдан бошланган. 2008-2009 йиллардаги Жаҳон молиявий инқирози эса парда ортидаги йирик ўйинчилардан бири Жорж Сороснинг шу ҳақидаги башоратлари ортидан содир бўлган. Мазкур инқироздан Сорос оддий инсон тушида ҳам кўришга ботина олмайдиган миқдорда улкан даромадга эришди. Шунингдек, дунёнинг турли худудларида ўзининг шахсий манфаатларига доир лойиҳаларни ўтказиб олди.

Ҳозирги халқаро иқтисодий вазиятни кузатиб бораётганлар пандемия бошланиши билан Жоржнинг патагига яна қурт тушганини кўриб туришибди. Жаноб Сорос кунда-кунора мислсиз инқироз тўғрисида ҳеч бир тадқиқотга суянмаган башоратларини эълон қилиб бормоқда. Тўғри, пандемия халқаро вазиятга

яқшигина таъсир ўтказаятгани, жаҳон иқтисодиёти бундан анчагина зарар кўришини ҳеч ким инкор этаётгани йўқ. Аммо ҳали «мислсиз карантин инқирози» тўғрисида гапиришга эрта ва айниқса (агар шундай ҳодиса юз берса), унинг ўчоқлари тўғрисида башорат қилиш мантисизликдир. Ачинарлиси, айрим халқаро молиявий ташкилотлар, «парда ортидаги ўйинчилар»нинг сурнайига ўйнаётган кўринади. Zero, Марказий Осиёни кутаётган мислсиз инқироз тўғрисидаги фолни бошқача қабул қилишнинг имкони йўқ.

*Мавзу юзасидан иқтисод фанлари номзоди, доцент Анвар Исмолов билан суҳбатлашдик.*

### Пандемия катта ўйин бошлаш учун баҳона бўла оладими?

— *Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда минтақа таъминот занжирини, туризм, пул ўтказмалари ва молиявий оқимларга таъсир кўрсатадиган глобал ва минтақавий алоқалардаги бузилишлар мавжуд, — дейди Анвар Исмолов. — Шу билан бирга, чеклов чоралари туфайли минтақамизда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг пасайиши кутилмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда Марказий Осиёдаги нефть экспорт қи-*

*лувчи давлатлар, жумладан, Қўшнарларимиз Қозғистон, Туркменистон маҳсулот нархининг кескин пасайиши билан курашапти. Шуларни ҳисобга олиб, ОТБ минтақада кўлаб мамлакатлар учун «карантин инқирози» 2008-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироз ва 2014-2015 йилларда нефть нархининг пасайиши даврига қараганда ёнроқ бўлади деб, хулоса берапти.*

Кейинги пайтларда жаҳон аҳборот маконида бу мавзу керак-керакмас айлангиринлаётгани, мавзу юзасидан «спекулятив» ҳаракатларнинг бошлангани. Нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёдаги вазият учун хавфлидир.

### Иқтисодиётимиз қанча пайтда тикланиши мумкин?

Шунингдек, мазкур мутахассислар, пул ўтказмалари ҳамда молиявий захираларнинг чекланганлиги «карантин инқирози»дан кейин минтақанинг тикланиши секин кечиши мумкинлигини айтишган. ОТБ шундоқ ҳам кўриниб турган оддий хулосалар, жумладан, жорий йил мобайнида Марказий ва Ғарбий Осиёда ялпи ички маҳсулот ўсиши сезиларли даражада пасайиши туфайли йирик инқироз келиб чиқишини айтияпти. Уларнинг фикрича, 2021 йилда тикланиш даражаси суёт бўлади. Ажабланарлиси, бундай ҳолат дунёнинг барча мамлакатларида юз бериши тайин. Глобал алоқаларнинг чекланиши оқибатида пасайиш ҳатто пандемия кибрилмаган давлатларда ҳам

кузатилади. Аммо ҳисобот айнан Марказий Осиё давлатларининг камраб олган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу глобал пандемия доимий изларни қолдириши мумкин, бу эса жаҳон иқтисодиётида туб ва доимий ўзгаришларга олиб келади. Инқирозгача бўлаётган очик савдо ва инвестиция тизимидан воз кечиш Марказий ва Ғарбий Осиёда ўсишнинг ёмонлаштириши мумкин. Юқоридаги фикрга ОТБ мутахассислари 2020 йил март ойида, Марказий ва Ғарбий Осиёда COVID-19 вируси тарқалиши бошланганида, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда инфляциянинг ўсиши бироз тезлашгани, Арманистон, Грузия ва Ўзбекистонда эса бу жараён апрель ойидан бошланганини далил қилиб келтирган.

### Бу хулосалар ишонарли эмас

Хавотирли хулосалар бир қараганда оддий ўқувчилар учун ишончли кўринса-да, мутахассислар учун аслида Марказий Осиё давлатларининг яширин ва захирадаги имкониятлари ҳисобга олинмаганлиги кундек равшан бўлиб қолади. Жумладан, пандемиядан сўнг ҳукуматлар молиявий захираларини тез тиклаш имкониятига эга (масалан, Ўзбекистоннинг дунёда салмоқликлардан бири ҳисобланган олтин-валюта резерви). Қарз мажбуриятларини қайтариш, қелишувлар орқали кечиктириш имкони ҳам ақл бовар қилмас ҳолат эмас. Иқтисодиёт тарихи бундай вазиятларнинг кўп гувоҳи бўлган. Шунингдек, турли лойиҳаларда хусусий сектор

иштирокини кўпайтириш, қучли ва барқарор тикланишни таъминлаши мумкин.

Иқтисодиётни ушлаб туриш ва пандемиянинг зарарли таъсирининг олдини олиш учун дадил ҳаракат талаб этилади. Марказий банклар кредит олиш учун катта ликвидликни таъминлайди. Ўз вақтида қўлланилган солиқ имтиёзлари, шунингдек, бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ва иш ўринларини сақлаб қолишга қаратилаётган катта эътибор ижтимоий барқарорликни оширади.

**Бундан ташқари, ҳозирги кунда барча ҳукуматлар давлат харажатларини қайта йўналтириш устида ишлаяпти. Яъни бюджетлар қайта кўриб чиқилмоқда. Мавжуд молиявий захиралардан унумли фойдаланиш, грантлар ёки қарзларни молиялаштириш ва хусусий секторни ёрдам ва тикланиш ишларига жалб қилишнинг янги усуллари изланмоқда.**

Қайта тикланиш жараёнида минтақадаги давлат ва хусусий секторнинг роли мувозанатлаштириш эса ижобий натижаларга олиб келади. Хусусий сектор чекловлардан қутулиб, ўсиши ва иқтисодиётни жонлантириш, иш ўринларини яратишга тўла ҳисса қўша бошлайди. Юқоридаги каби ҳисоботлар эса вазиятни янада чигаллаштиришга хизмат қилиб қолиши мумкин.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Наманганда сомондан қоғоз ишлаб чиқарилмоқда.

**Тахририятимизга Самарқанд шаҳрининг Хишрав кўрғонидаги «Чилкудук» маҳалласида яшовчи 80 ёшли Шароф ота Маърупов мурожаат қилиб, 2019 йил мобайнида «Обод маҳалла» дастури бўйича белгиланган юмушлар мазкур ҳудудда ўта сифатсиз ва чала бажарилгани, бунинг натижасида яқинда содир бўлган ёгингарчиликлар туфайли кўчалардан оққан сувлар тўғри аҳоли хонадонларига чак кириб кетаётгани, электр таъминотида ҳам узилишлар рўй бераётганини айтди.**

Гапнинг очиги, Хишрав кўрғонидаги «Чилкудук» маҳалласи ва Шароф Маъруповнинг номи сўнгги икки йил мобайнида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг диққат марказидан тушмай келаётди. Жумладан, мазкур ҳудуддаги муаммолар ҳақида дастлаб газетамизнинг 2018 йилги сонларида танкидий чиқишлар қилинган ва айни шу мақолаларнинг самараси ўларок, Хишрав кўрғони 2019 йилги «Обод маҳалла» дастурига киритилган эди. Отаҳоннинг навбатдаги мурожаатида келтирилган фактларни ўрганиш мақсадида яна бир бор Хишрав кўрғонида бўлдик.

**«Осмонга булут чиқса, хавотирга тушамиз...»**

Хўш, мурожаатдаги ҳолатлар нима учун юз берди? Ахир, бу ерда кенг қўламдаги қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш юмушлари бажарилди, дея қанча қоғозлар тўлдирилган эди-ку?  
— Тўғри, анчагина ишлар қилинди, жумладан, кўрғонни вилоят маркази билан боғловчи Самарқанд кўчаси капитал таъмирланиб, асфальт ётқизилди, — дейди Ш.Маърупов.  
— Аммо йўлсозлар кўчанинг икки томонида бетон ариқчалар барпо этишни, ички йўللарга шугал ётқизишни нимагадир «нутган» бўлса, электр усталари режадаги таъмирталаб симёғочларнинг ярмини алмаштириб, жуфтакни ростлаб қолишти. Натижада ёмғир сувлари кўчада сунғий ҳовузлар пайдо қилиб, одамларнинг уйига чак кириб кетяпти. Маҳалла оқсоқоллари,



нуронийлар бу ҳақда бир неча бор тегишли ташиқлотлар ва мутасаддиларга мурожаат қилдик. Аммо бизнинг арзу додимиизга ҳозирча ҳеч қим қулоқ солаётгани йўқ. Шу боис осмонга булут чиқиши билан яна ҳовлимизни сув босишдан хавотирга туша бошлаймиз.

Дарҳақиқат, отаҳон айтган кўчанинг икки томонида бетон ариқчалар олинмаган. Шу боис у сув билан тўлган. Бу эса ҳудудда яшовчи мингдан ортиқ аҳоли, ҳайдовчи-ю йўловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётди.

— Ҳар ёгингарчиликда аҳвол шу, кўчадан ўтиб бўлмайди, — дейди уш маҳаллада яшовчи уй бекаси Гулсара Латипова. — Қишдан-ку бир амаллаб чиқиб олдик. Аммо қордан қутулиб, энди ёмғирга тутулдик. Негаки, баҳорнинг серёгин кунлари бир ташивишимизга ўн ташиви кўшиди. Бундай кунларда маҳалламиздан кимдир касал бўлиб қолса, «Тез ёрдам» машинаси то сув кечиб этиб келгунча беморнинг аҳволи оғирлашиши тайин. Бунинг учун жавоб берадиган одам борми ўзи?



**МАҲАЛЛАНИНГ ЯКУНИГА ЕТМАГАН ОБОДЛИГИГА КИМ ЖАВОБГАР?**

**Масъуллар нима дейди?**

Ҳудуддаги муаммолар ечими юзасидан Самарқанд шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик.  
— Ҳақиқатан ҳам, Хишрав кўрғонида «Обод маҳалла» дастури доирасида бажарилган юмушлар ҳозирча охиригача етгани йўқ, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Жасур Истамов.  
— Чунки ўтган йили баҳорнинг серёмиғи келиши режадаги ишларни анча кечиктириб юборди. Шу боис белгиланган юмушларнинг бир қисmini жорий йилга қолдиришга тўғри келди. Аммо ўзингизга маълум, короновирус пандемияси туфайли юртимизда эълон қилинган карантин натижасида иш яна орқага сурилляпти. Чунки карантин даврида мазкур ишларни бажаришга бевосита дахлдор бўлган ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташиқлотларида иш тўхтаб қолган. Энди секин-секин эълон қилинган чекловлар юмшатишмоқда. Агар бундан кейин бошқа муаммолар юзага келмаса, қулай об-ҳаво шароити бўлиши биланок, кўрғондаги чала қолган барча қурилиш-бунёдкорлик юмушлари қисқа муддатларда нияҳасига етказилади.

Ж.Истамовнинг айтишича, айрим уйларга кўчадаги ёмғир сувлари кириб кетаётганига хонадон эгаларининг ўзлари ҳам айбдор. Негаки, ўша жойдаги ёмғир сувлари илгари мазкур хонадонларнинг ичидан ўтган махсус қувур орқали Дарғом каналига тушиб кетарди. Аҳолининг эътиборсизлиги сабаб ҳозирда мазкур қувурнинг ичи чиқиндиларга тўлиб, бекилиб қолган.

Ахир, қувурчилар уйма-уй кириб, уни тозалаб бермайди-ку! Одамлар ўзлари уюшган ҳолда, ҳар ким ўзининг уйи, хонадони худудидан ўтган қувурни очиб, тозалаб қўйса, олам гулистон. Бу муаммо биргина кўчага бетон ариқчалар ётқизиш билан хал бўлиб қолмайди. Агар ўша қувур очилмаса, ўнта ариқча казиб қўйсангиз ҳам сув барибир тошиб кетади. Чунки сув чиқиб кетадиган бошқа йўл йўқ.

Бу ҳақда тегишли ташиқлотларга мурожаат қилдик. Насиб қилса, яқин кунларда мурожаатимизга жавоб бериб қолишар.

Дастурнинг чала бажарилгани масаласига келсак, биринчидан, 2019 йилнинг январь ойидан бошлангани керак бўлган ишлар баҳорги ёгингарчиликлар туфайли июнь ойида бошланди. Бунинг устига, жараёнда узилишлар кўп бўлди. Шағал келса, техника йўқ, техника бўлганда ишчилар келмайди, баъзан эса асфальт заводи ишламай қолади. Хуллас, ўтган йили дастурдаги юмушларнинг айримлари бажарилмади. Хусусан, бизнинг маҳалламиз худудидagi таъмирталаб 100 та симёғочдан 60 таси алмаштирилди. Қолгани жорий йилги дастурга киритилган эмиш.

Қизик, авваллари кўча талашган, чегара-худуд масаласида тортишган ҳолатларга дуч келганмизу, маҳалласи худудидан ўтган кўчани «бизники

**Кўча кимники: маҳалла раислариган олмаяпти...**

Юқоридagi каби аҳвол нафақат «Чилкудук», балки шу худуддаги «Наврўз» ва «Ёшлик» маҳаллаларида ҳам мавжуд. Бу ерда нафақат йўллар чала таъмирланган, балки дастурга киритилган эскирган симёғочларнинг ҳам 50 фоизи алмаштирилган, холос.

Вазиятта ойдinлик киритиш мақсадида йигин раисларига юзланганимизда эса улар тўғри бирон нарсдан хадиксирарагандек, Самарқанд кўчасининг чала таъмирланган қисми уларнинг йигини худудига кирмаслиги, маҳаллалардаги айрим одамларнинг бесабрлигию, шикоятбозлигидан нолиб кетишди.

— Кўчанинг ариқ ётқизишга жойи бизнинг маҳалламиз худудига қармайди, — дейди «Чилкудук» йигини раиси Убайдулло Элибоев. — Кўча, асосан, қўйини «Наврўз» маҳалласига қарайли. Шунинг учун бу ҳолатнинг сабаби ўша йигин раисдан сўраш керак. Тўғри, «Обод маҳалла» дастурига бажаришда камчиликлар бор. Лекин сабр қилсак, ҳаммаси аста-секин бўлади. Бесабрлик қилиб ишга ётказиш билан бирор нарсани ўзгартириб бўлмайди.

— Қанақасига бу жойи бизнинг йигинга тегишли бўлсин, ахир, мазкур худудда бизнинг маҳалладан бор-йўғи 7 та хонадон яшайди-ку, — дейди «Наврўз» маҳалласи раиси Бахтиёр Умаров бизнинг сўровимизга жавобан. — Кўчанинг сув босган қисмидан шу хонадонларга сув кириб кетгани ҳам рост. Бунинг олдини олишга ҳаракат қи-

эмас» дейишларига илк бор гувоҳ бўляпмиз. Аслида, ана шундай бефарқлик, «сеники-меники» кабилидаги ёндашув масъулиятсизликларга сабаб бўлмаяптими?

Хуллас, Хишрав кўрғонида юзага келган муаммоларнинг айримларида маҳаллий аҳолининг ҳам айби бор. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, бир томондан, масъулларнинг эътиборсизлиги, иккинчи томондан, аҳолининг хафсаласизлиги натижасида худудда шу каби муаммолар юзага келмоқда. Уйлаймизки, яқин орада масъуллар мазкур масалалар ечимига эътибор қаратиб, тегишли чораларни кўради. Биз эса «эскирмас» мавзуга яна қайтамыз.

**Ёрмат РУСТАМОВ**  
«Mahalla»



# Ноқонуний ер савдоси: 295 нафар мансабдор нима учун жиноий жавобгарликка тортилди?

Юртимизда икки йилдан бери аҳоли ўртасида «снос» мавзуси энг катта муаммога айланган. Ушбу ҳолат бугун республика ҳудудларини қамраб олган. Уйи ёки дўкони бузилаётганидан норозилик билдираётган фуқаролар талайгина.

Албатта, уй тузишда ҳам, уй бузишда ҳам тартиб бор. Қачондир ёки кимдир ўша бинони қуриш учун керакли идоралардан рухсатнома ёки қарор чикартириб олгани ҳам бор гап. Баъзилар харажатлари қопланмаётгани ёки ҳокимнинг қарори бўлса-да, уйи ноқонуний дея бузиб ташланаётганидан норози бўлишмоқда.

Бундай ҳолатда фуқаронинг ишончини сунистьёмол қилган мансабдорларга ҳам жазо қўлланяптими? Ёки аҳоли ҳам молига, ҳам пулига қуйиб қолаверяптими? Шулар хусусида мутахассисларга юзландик.

## «Снос»га тушган ва ўзбошимчалик билан қурилган уйларнинг фарқи бор

— Гап «снос» ҳақида кетар экан, унинг ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлардан фарқини билиб олиш керак, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Нодир Тиллаев. — «Снос» деганда фуқаролар ва юридик шахсларга фақатгина қонуний тартибда тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми олиб қўйилиши ва унга яраша компенсация берилиши тушунилади.

бошимчалик билан эгаллаб олинган мазкур ер майдонларини давлат захирасига қайтариш бўйича чора-тадбирларни бошлаган. Аммо аҳоли қаттиқ норозилик билдирмоқда. Туман ҳокими эса масалани хал этишга ваъда берган.

— Ушбу ҳудуд «Олтинтепа Агро» фермер хўжалигига қарашли, — дейди Тошкент тумани ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Дадажонов. — Ерни ноқонуний сотган фермер хўжалиги раҳбари ва унинг атрофидаги ларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозирги кунда «Кўксарой» маҳалла фуқаролар йиғини бўйича 200 дан ортиқ фуқаронинг ноқонуний қурилмаларини бузишга доир даъво аризалари судга киритилган.

Шу ерда ҳақли савол туғилади: Нахотки бундай қонунбузарликни 20 йилдан бери ҳеч ким сезмаган бўлса? Ана шу лоқайдлик тўғрисида бугун калтак яна оддий одамлар бошида синапти. Улар йигирма йил яшаган жойидан, мол-мулкидан айрилипти.

Маълумотларга кўра, республика бўйича сўнгги икки йилда 76 та фермер ерни но-

қонуний сотгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Энди бу фермерлар тўғрисида канчадан-канча одамларнинг уйсиз қолишини тасаввур қилиб кўринг.

## Компенсация қачон берилади?

— Бош прокуратура томонидан сўнгги икки йилда ҳокимликлар 56 минг гектар ер ноқонуний ажратиб бергани аниқланган, — дейди

ЎТГАН ИККИ ЙИЛДА ҲОКИМЛИКЛАРНИНГ 23 НАФАР, АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ИДОРАЛАРИНИНГ 14 НАФАР ХОДИМИ ЕР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН.

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори Галибжон Мирзаев. — Бу даврда ер қонунчилигини бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир этгани учун 295 нафар мансабдор жавобгарликка тортилган, уларнинг 119 нафари ёки 40 фоизи ер кадастри ходимларидир. Кўпчиликда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларга кадастр ҳужжати борлиги учун «бу ер меники» деган

фикр пайдо бўлади. Бу хато. Албатта, уларда кадастр йиғма жилди бўлиши мумкин. Аммо бу вазиятда ер фақат ернинг жойлашув схемаси, техник ҳужжатдан иборат бўлади. Бу дегани фуқарога ердан фойдаланувчиси шу ерни тасарруф этиши ёки бошқача тарзда мерос қилиб қолдириши ҳуқуқини бермайди. Шу сабабдан ҳам бу ерда жойлашган кўчмас мулк бузиб ташланган тақдирда компенсация берилмайди.

Агарда ер ҳоким қарори билан фуқарога ажратилган бўлиб, фуқаро бу ерга уй қурган бўлса-да, орадан вақт ўтиб, ҳоким қарори ноқонуний деб топилиб бекор қилинган бўлса, бундай вазиятда қонунчиликда ечим бор. Чунки бу ҳолатда фуқаро айбдор эмас. «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунда виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқилганини белгиланган. Қандай компенсация белгиланган суд тартибидан ҳал қилинади.

## Маҳалла раиси худуд ерини сотиши мумкинми?

Афеуски, ерларни ўзбошимчалик билан сотишда маҳалла раислари ҳам бор. Охириги икки йилда 21 нафар маҳалла раиси ер билан боғлиқ жинояти учун жавобгарликка тортилган. Масалан, Хива туманидаги «Қушчи Каттабўри» маҳалласи раиси фуқародан иккита тураржой учун захирадаги ердан ажратишни ваъда қилиб, 10 минг АҚШ долларини талаб қилган. Худди шундай Қарши туманида «Кат» маҳалласи раиси фуқарога 12 сотих ерни уй қуриш учун ажратиб бериш эвазига 70 млн. сўм олаётганда ушланган.

## Хулоса ўрнида

Қай сидир ҳокимнинг ёки мансабдорнинг берган ҳужжати-га ишониб уйли бўлдим, дея йиллар давомида иморат кўтарган кишининг бир кунда бошпанасиз қолишини

бир тасаввур қилиб кўринг-а. Бир фермернинг «ер меники», дея истаган нархда хоҳлаганича сотгани-чи?! Бундай ҳолатда бугунги кунда ҳокимлар ва тегишли мансабдорлар тўғрисида қарор чикариши ҳаммадан ҳам муҳим. Шундагина кимдир ўзини бульдозер тагига ташлайман деб ёки кимдир болта кўтариб югурмасмиди?

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

Ўзбекистонда қатор хусусий бандлик агентликларига берилган лицензия тўхтатилди.



**Б**ухоро вилояти Гиждувон тумани «Армечан» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Сеталон аҳоли пункти «Обод кишлоқ» дастурига киритилганда компьютер графикасида ишлаб чиқилган кишлоқнинг бўлғуси қиёфаси кўзни қувнатарди. Йил ниҳоясига етди. Дастур доирасида амалга оширилган ишлар муддати ҳам. Аммо яқунда натижа у қадар ўшшамади.

## Ободлик фақат орасталик учунми?

# Тўлиқ обод бўлмаган қишлоқ



Аслида режа бўйича ижтимоий аҳамиятдаги объектларни куриш, таъмирлаш, ичимлик суви тармоғини тортиш, йўл таъмири харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, кишлоқ инфратузилма объектларини шакллантириш ташаббускор тadbиркорлар, хонадонлар атрофини тартибга келтириш эса уй соҳиблари томонидан амалга оширилиши мўлжалланган эди.

Давлат-ку белгиланган муддатларда ўз мажбуриятини бажарди. Мактаб, боғча, оилавий поликлиника замонавий дизайнда қайта қурилди. Йиллар давомида техника қирмаган йўллар капитал таъмирланди. Электр тармоғи янгиланди. Ичимлик суви олиб келинди.

Бирок кишлоқ фақатгина давлат томонидан қурган иморатлар билангина обод бўлмайди. Обод кишлоқдаги хонадонлар кўриниши, оилалар ички муҳити ҳам обод бўлиши керак.

Бу борада маҳаллий аҳолининг бефарқ кайфияти, туман ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан етарлича ташаббускорлик ишлари олиб борилмагани сабабли дастурда белгиланган ишларнинг мазкур йўналиши оро йўлда қолиб кетди.

Тўғри, вилоят ишчи гуруҳи аъзолари борган пайтларда «кўз учун» биров деворини, биров дарвозасини бўяган вақт бўлди. Аммо хонадонларни ободонлаштириш тизимли ташкил этилмади.

Кун бўйи кўчада тўпланиб нарда ва карта ўйнаган эркеклар хонадоннинг ташки фасадини бўялмаганига вақти йўқлигини пеш килди. Бутун бошли томоркасини бегона ўт боштириб қўйган сўлакмондай йиғитлар томи шифер қопланмаганига маблағ йўқлигини рўқач килди. Маҳалла

раиси, кўча вакилларининг ўз хонадони атрофини тозалаш, тартибга келтириш борасидаги даъвати, ундовини мажбурий меҳнат дея бонг урди. Натижада кишлоқ охиригача обод бўлмади...

### Уй атрофини тозалаш учун ҳам топширик керакми?

Президентимизнинг маҳалла тизими фаолиятига эндиликда «обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» тамойилларига асосан баҳо берилиши борасидаги фикрлари айна кунлардаги долзарб вазифага айланган. Хавфсиз маҳалла, аввало, худуд тинчлиги, оилалардаги барқарор муҳит кафолати бўлса, ободлик фақат зоҳирий тозалик эмас, балки маҳалладошларнинг бир-бирига қалб яқинлиги, қадриятлар бардавонлиги, оилалардаги барака ҳамдир.

Афсуски, ана шу оилавий тарбия замирида шаклланиши лозим бўлган қадриятларимиз ижросига алоҳида топширик керак бўлиб қолгандек.

— *Кўпинча, қишлоқда бирор меҳмон келиб қолиши арафасида ёхуд «катталарнинг қўшини туманга ўтиб кетиши ҳақидаги хабарлардан сўнг маҳалла раиси ёки фаолларининг хонадонма-хонадон юриб, «кўчангни тозала» деган даъватларига гувоҳ бўлман, — дейди Рамитан туманидаги «Боғча» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тўқсон бобо Тошев.*

— *Одамларга ҳам ҳайронсан, нима энди, ўз уйи атрофини тозалаш учун ҳам бировнинг қистови керакми? Уй сеники бўлса, тозалашни ҳам эпланда. Илгарӣ «уйингни тозала» деган гапни эшитиши тугул, хонадонимизга келган меҳмон эғнидаги ўзи билан олиб келган бир хасни олса ҳам шу иш менинг уйимда бўлди, деб*

уялардик. Энди-чи, маҳалладагиларнинг оғохлантиришига ҳам парво қилишмайди. Тўғки орасталик ортиқча ишдек.

Тўқсон ёшпи қаршилаётган Тўқсон бобо ҳақ. Айникса, бугунги пандемия шароитида тозалик, орасталикнинг аҳамияти нечоғли баланд эканлигига амин бўлдик. Аммо баъзида пандемиядан чўчиган баъзи аҳоли ўз қўллари, кундалик юриши-туришида санитария қондаларига амал қилгани холда, «карантинда уйдан чиқмаслик керак» баҳонаси билан ўз кўчаси, ховлиси орасталигига бефарқ бўлмоқда...

### Ободонлаштириш мажбурий меҳнатми?

Яна коронавирусга қайтамиз. Пандемия тобора глобаллашиб бораётган дунёдаги кўпгина мезонларни ўзгартириб юборди. Хусусан, кўп масалаларда «шахс эркинлиги»ни даъво қилган ғарб эндиликда кўп масалаларда шарққа хос гуманизм, ижтимоийлашув тамойилларининг устуңлигини англаб етмоқда.

Куни кеча ақсарият интернет манбалари, ҳатто, ўз худуди, хилхонасини тозалаш ишларига жалб этилганларни ҳам мажбурий меҳнатга ундаш, дея бонг ураётган эди. Қабристон, кўчаларда ўтқазилган хашпарлар «мажбурий меҳнат» номи остида ижтимоий тармоқларда кўнлаб муҳокама, танқидларга сабаб бўлди.

Аммо айнан тозалик, ободлик масалаларига эътиборсизлик янги иллатлар, янги вируслар, янги касалликларни келтириб чиқарувчи восита экани яна бир бор ойдинлашди.

Хуқуқларимизни пеш қилиб, тозалик ишларига бефарқ бўлиб турсак, ана шундай бошбошдоқликлар натижасида худудлар ободлигига путур етиши тайин.

— *Баъзи ҳолларда аҳоли уй-ларида ҳам тозалик ишларини бажарганмиз, — дейди ҳақ тўланадиган жамоат ишида ишловчи ўз шахсини ошқор этмаган аёл. — Ногирон, як-кақўл кишилар уйи олдидаги ишларни айтмайман. Баъзан худуддаги йирик объектнинг фойдаланишга топшириши маросими бўлади. Шунақа кезларда ушбу объектга тунташ хонадонлар орасидан, албатта, ўз уйига эътиборсиз, раҳбарларнинг саранжомликка қақриққарига ҳам парво қилмайдиган бир киши топилади. Бунақаларнинг гапи битта: «Уй менаки, шу туриши маъқул. Сизларга орасталик керак бўлса ўзларинг қилаверинглар». Намунада чиройли объект олдида бир уйнинг доғ бўлиб турмаслиги учун давлат қорхоналари ҳисобидан қурилиш материаллари келади. Бажарувчи эса биз. Меҳнатнинг айби йўқ-ку-я, аммо бировнинг ишини қилганинда миннатдорлик билан қараш ўрнига «давлатдан ойлигини олапти, қилади-да» деган итдадо-ли қарашлар оғир болади.*

### Шу боис ҳашар ва ободончилик борасидаги қадриятларимиз бугун замонавий дунё нуқтаи назаридан эскиликка айланган бўлса, у ҳолда ишлайдиган қонун нормаларини ишлаб чиқиш, ижрога йўналтириш керак!

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг худудларда тозалаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этиш борасидаги қарори қабул қилиниб, ана шу қарор асосида ҳар бир шаҳар, туманининг ички имкониятла-

ри, ўзига хослигидан келиб чиқиб, худуд бош меъморий қиёфаси, санитария талабларини белгилловчи Низомлар ишлаб чиқиш керак. Муайян шаҳар ёки туман Низомида ҳар бир хонадон (ҳеч бўлмаса ташки қисми) учун ободонлаштириш, архитектура нуқтаи назаридан аниқ талаблар, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган чоралар, жарималар миқдори ҳам белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ.

Тўғри, уй-жой шахсий мулк, дахлсиз бўлиши мумкин, аммо муайян шаҳар ёки туман худудида жойлашган экан, ўша худуднинг умумий қондаларига ҳам ривож этилиши шарт ва зарурдир.

Шунингдек, ушбу Низомда фермер хўжаликлари, ташкилотлар, қорхона-муассасаларнинг ўз худудлари, унинг атрофини тозалаш ва ободонлаштириш борасидаги мажбуриятларини киритиш талаб этилади. Негаки, ҳар бир ташкилот-муассаса ҳам ўзига хос оила. Қолаверса, ердан, бинодан фойдаланган субъект, унинг ободончилиги мажбуриятини ҳам олшиши керак. Ана шунда тозаланадиган барча худудлар ўз эга-эғасини топади. Бюджет ташкилоти ходимлари овора бўлиб фермер худудидан ўтувчи катта йўл ёқасида дарахт оқламайди, йўл қурилиши ташкилотига тегишли бордюрларни бўямайди...

Кейин... маъмурий жазо ёки оила, ташкилот бюджетига иктисодий зарар хавфидан кўркиб ҳам айрим масъуллар ўз уйи, ташкилоти атрофини тартибга келтириш харақатига тушиб қолишади... Ана шу жарималардан тушган маблағни эса нисбатан кам маош олувчи ободонлаштириш ишчиларига йўналтириш мумкин.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»

**Кечагина Бутунжаҳон матбуот эркинлиги кунин билан журналистлар бир-бирини қутлашди. Эътибор берсангиз, ушбу сана номидаги «матбуот» сўзи бутун журналистика соҳасини англамади. Чунки бир пайтлар оммавий ахборот воситаси газета-журналлар кўринишида бўлган ва кейинчалик ҳам узоқ давр асосий ўринни эгаллаб келган. Бошқача айтганда, матбуот журналистика соҳасини вужудга келтирган, шакллантирган, асосий мезонларини белгилаб берган.**



# МАТБУОТ ЎЛАДИМИ?

## ЁХУД ЖАРАЁНГА ТОМОШАБИН БЎЛИШ НИМАНИ ЎЗГАРТИРАДИ?

Кейинги пайтларда босма ОАВ, яъни матбуотнинг замони ўтди, кабилида фикр билдиришларга дуч келарканмиз, шу мукоясалар хаёлдан ўтади. Ўғри, замонавий техника, технологиялар ривожига тан бермай илож йўқ. Интернет тармоқлари, телевидение ОАВнинг оммабоп кўринишига айлангани шубҳасиз. Лекин гап бунда эмас. Гап матбуот эскирди, даврини ўтаб бўлди, уни сунъий равишда сақлаб туришдан фойда йўқ, тарзидаги баёнларнинг ўзини интернет журналистикаси вакили, блогер деб билладиган айрим қаламкашлар, энг ачинарлиси, баъзи катта раҳбарлар томонидан айтиллаётганидир. Шундай тасаввур уйғонадики, гўёки журналистика соҳаси илгари бўлмагану бугун улар билан бирга туғилгандек.

Майли, бу гаплар ўз йўлигаю, муҳими, асосий масалага жавоб топишдир. Ҳақиқатан ҳам, электрон ОАВ ривожланган ҳозирги замонда газета-журналлар тирик қола олмайдими? Матбуотга бугунги ахборот майдонида ҳеч қандай ўрин йўқми? Келинг, мутахассисларнинг бу ҳақдаги фикрларига қулук тутамиз.

### Тараққиёт билан газетани бир-бирига тескарни қўйиш керакмас

— Босма нашрлар тақдири эртага нима бўлиши тўғрисида қатъий ҳукм чиқариш нотўғри, деб ўйлайман, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълими, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Иқболжон Мирзаалиев. — Уларнинг яшаб кетиши ёки даврини ўтаганининг вақт кўрсатади. Кино яратилган пайтда театрлар энди яшамайди деган фикрлар бўлган. Телевидение пайдо бўлганда ҳам худди шу ҳол такрорланган. Лекин ҳаммаси ўз ҳолида, ўз ўрнида яшаб келяпти.

Айни дамда босма ОАВлар ҳақида

ҳам шу каби «башорат»лар қилинмоқда. Тан олиш керак, бу жиҳатларда камчиликларимиз йўқ эмас. Масалан, ўқувчиларни ўзига жалб қиладиган, қўлдан қўймастан ўқиладиган газеталаримиз ниҳоятда кам.

Тараққиёт билан газетани бир-бирига тескарни қўйиш керакмас. Ривожланган мамлакатларда ҳам газета бор, ўқилади, уларнинг ўз ўқувчилари, мухлислари етарли. Босма нашрни фақат ахборотнинг тезкорлиги билан баҳолаб бўлмайди. Газетчи журналистларимиз таҳлилга кўпроқ эътибор беришса, ўқувчини ўйлатадиган, қизиқтирадиган мақолалар кўпайса, шунда менимча, матбуот ўзига яраша ўрнига эга бўлади.

### Давлат органлари муассислигидан қутулиш зарур

— Аслида газета ва журналларнинг келажиги тугагани ҳақидаги гапларнинг пайдо бўлиши биринчи марта эмас, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раҳул Қушербоев. — Тарихни кузатсак, одамзот турмушига радио, кейинчалик телевидение кириб келганда ҳам газеталарнинг умри тугади, дейилган. Бироқ босма нашрлар барибир яшаб, ахборот майдонида ўз ўрнига эга бўлиб қолаверди.

Ҳозирги интернет ривожланаётган ва турмушимизга жадал кириб келаётган жараёнда ҳам шундай фикрлар билдирилмоқда. Тўғри, айни вазиятда дунё макёсида босма нашрларнинг алади камайган. Аммо у бутунлай йўқ бўлиб кетгани йўқ. Ишонч билан айтаманки, йўқ бўлмайди ҳам.

Муаммо нимада? Айтиш керакки, бугунги кун матбуоти давлат органлари муассислигидан қутулиши керак. Шунда том маънода эркин бўлади. Яна шунга яхши тушуниш керак, интернет ривожланиб бораётган шароитда босма ОАВ барибир янгиликни тезкор етказиш вазифасини бажара

### ДАРВОҚЕ...



Франция ҳукумати бўлгуси газетхонларни тарбиялаш учун болалар нашрига қарийб ярим миллиард доллар ажратган.

Бутун дунёда эса бўлажак журналистлар (масалан, Испания, АҚШ) биринчи босқични газетада тажриба ўташдан бошлайди. Бу бежиз эмас. Чунки улар, аввало, орфография, сўз масъулияти, фактчекнинг билан ишлашни ўрганишади.

олмайди. Шу маънода матбуот хабар тарқатишга эмас, таҳлил ва шарҳга кўпроқ урғу бериши керак деб ҳисоблайман.

### Блогерлар газета чикариб бера оладими?

— Фақат блогер-журналистлардан иборат, яъни энг рейтинг билан ОАВ журналистлари жамоасини тузиб, газета чикариб кўриши керак: қани, уларнинг наشري оммалашармикан? — дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси Забаржод Бобожонова. — Агар натижа берса, газеталарни сақлаб қолишда тажриба мактаби бўлармиди. Бугун нафақат газета, балки интернет сайтларига ҳам эҳтиёж аввалгидай эмас. Чунки кўпчиликнинг телеграм, инстаграм (яъни, ижтимоий тармоқлар) дақи ахборотнинг ўзи билан эҳтиёжи қонмоқда. Лекин мени хавотирга солаётган нарса — архив, ҳужжат ҳаммиша керак бўлади. Ҳеч бўлмаганда келажак учун. Шу боис кучли таҳлилий мақолалар — фельетон, очерк, йўл очерки ва ҳоказоларнинг йиллик тўпламини тайёрлаш лозим. Токи адабиёт мактаби сифатида кейин ҳам топиш мумкин бўлсин. Масалан, интернетда 2007, 2008, 2009, боринг ана 2010 йилларда чиққан материалларни бугун мен кўрмайман. Лекин менга ўша вақтдаги рақамли ОАВнинг фаолияти қизиқ. Агар шу мавзуда илмий иш қилмоқчи бўлсам, қардан топиши

(доступ) имкони бор?

Газеталарда таъбир эффеки, кучи каттарок. Оддий бир мисол, интернетда чиққан арбоб, раҳбарларга қаратилган танкид эртага у қадар ўша раҳбарнинг курсисини қимирлатмаслиги мумкин, лекин газетада чикқач... ўзингиз биласиз. Гоҳида чикқунича муаммо ечим топган ҳолатлар ҳам бўлган.

### Хулоса ўрнида

Дарҳақиқат, матбуотнинг олдида анча-мунча муаммолар борлиги сир эмас. Назаримизда, бу вазиятда масала матбуот керакми-йўқми, тарзида эмас, босма ОАВлар ривожига тўсиқ бўлаётган омилларни қандай бартараф этиш зарур, дея қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар. Шу боис мавзуга шу жойда нуқта қўйиш ниятимиз йўқ. Чунки ҳар қандай муаммо баҳс ва фикрларда ечим топади. Айтайлик, газета-журналлар фаолиятига давлат органлари муассислигида қолиш қандай имконият яратадими, ундан воз кечилса нима ўзгариши юз беради? Ёки босма нашрлар муаммоли, ўй-фикрга чорловчи, таҳлилий материаллари билан ўқувчиларни ўзига қарата оладими? Қисқача айтганда, матбуот нашрларнинг келажиги қандай бўлади: улар эртага инкирозга учрайдими ёки замонга мослашиб ривожланиш йўлига ўтадими? Сиз бунга нима дейсиз?


Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»



# «ЎЗГИДРОМЕТ»

## шамол бўлишидан беҳабармиди?

«27 апрель кечкурун совуқ циклон fronti Ўзбекистоннинг Туркманистонга туташ жануби-ғарбий туманларидан ўтди. Атмосфера fronti зонасида иккита – кундузи 34-37 даражагача қизиган иссиқ ва совуқ циклон fronti ортидаги салқин ҳаво оқимлари тўқнашди, бу ҳолат ҳавонинг юқорига кучли ҳаракатланиши учун барча шароитларни яратди ҳамда момақалдироқ ва шиддатли шамолнинг ривожланишига олиб келди».



Юқоридагилар «Ўзгидромет» синоптиклари 27-28 апрель кунлари ҳудудимизда кузатилган кучли шамол тўғрисида берган кечиккан маълумотларидан парча. Шамол оқибатида мамлакатимиз бюджети миллиардлаб сўм зарар кўрди. Юзлаб оилаларнинг мол-мулки шикастланди. Бир киши оламдан бевақт кўз юмди. 41 нафар юртдошимиз эса турли даражада жароҳатланди. Шамол Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида 9-40 м/сек. тезликда эсди. Қорақўл ва Олот туманлари билан алоқа узилди. Сув тошқини ҳақида миш-мишлар тарқалиб, одамлар ўз хонадонларини тарқ эта бошлади. Хўллас, офат келтирган зиёнлар ҳажминини яна узок санаш мумкин. Ҳозирда Бухоро вилоятидаги талафотлар оқибатини бартараф қилиш учун бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши айтиляпти.

Ваҳоланки, офат ҳақида тегишли идоралар, жилакурса, бир ёки ярим кун илгары хабар топганида унинг оқибатларини енгиллаштириш имкони изланган, керакли тадбирлар амалга оширилган бўларди. Хўш, метеорологик прогнознинг хатолиги, кечиктишига ким айбдор? Наҳотки, «Ўзгидромет» маркази шу қадар кучли шамолни ҳам аввалдан била олмаса?

**«Ўзгидромет»: Бизда айб йўқ. Ҳаммасига пандемия сабабчи!**

— Афсуски, барча об-ҳаво ҳодисаларини, шу жумладан, хавфли ҳодисаларни олдиндан

билиши қийин, — дейди Гидрометеорология хизмати маркази матбуот хизмати раҳбари Малика Миржамолова. — Бир жойнинг ўзида юзага келадиган қичик ҳудудларни қамраб олиб жуда тез ривожланадиган локал (маҳаллий) ҳодисаларни прогноزلаш жуда мураккаб ҳисобланади. Ҳар ҳолда турли жаҳон об-ҳаво марказларининг ҳисоб-китобларига кўра ҳам, 27-28 апрель кунлари шамолнинг тезлиги секундида 20 метрдан юқори бўлиши кутилмаган эди. Балки ҳисоб-китобларнинг бундай натижаси пандемия даврида юзага келган маълумотлар етишмаслиги сабабли бўлиши мумкин, чунки бугун дунёда кузатилаётган пандемия даврида метеорологик маълумотлар ҳажми бир неча марта камайди.

Шунингдек, марказ ходимлари Бухоро ва Навоий вилоятларида шамол кучининг секундига 30-35 метргача еттиши жуда кам учрайдиган ҳодиса эканини айтиб ўтишди. Аммо бу аномал ҳолат дегани эмас. Хусусан, 2019 йилда Навоийда икки марта 35 м/с. тезликдаги шамол кайд этилган. Қорақўл метеостанцияси эса 1981 йил май ойида шамолнинг тезлиги 40

м/с. гача кўтарилганини кузатган. Шиддатли шамоллар метеостанциялар бўлмаган ҳудудларда юзага келганда улар метеозуғатувлар тарихида қайд этилмайди.

### Об-ҳаво маълумотлари тўғри(ми?)

Аммо масаланинг яна бир тарафи бор. Жорий йилнинг 27 апрель санасида «Ўзгидромет» ҳафталик об-ҳавони башорат қила туриб қуйидагиларни баён этган: Бугун кечаси ва эртага эрталаб республиканинг шимолий туманларида ёмғир давом этади, шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам ёмғир ёғиши кутилмоқда.

Бу хабардан кейин ким шамол келади деб безовталаниши

Талафотни бартараф этиш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Яъни «кўчириб босиш» услуги. Ёки пандемиянинг об-ҳавога қандай таъсири бўлиши мумкин? Бугунги кунда пандемия бўлишига қарамай кўплаб соҳаларда иш тўхтаб қолгани йўқ. Жумладан, кишлоқ хўжалигида ишлар авж палласида. Бундай ҳолатда ҳар қандай томорқачи об-ҳаво билан қизиқиб, у ҳақидаги маълумотларни кузатиши табиий, албатта.

### «Ўзбеккосмос» нега жим?

Бугунги кунда замонавий технологиялар, жумладан, метеорологик сунъий йўлдошлар ёрдамида яқинлашиб келаётган жиддий табиий офатларни олдиндан башорат қилиш имкони мавжуд эканини яхши биламиз. Масалан, АҚШ метеорологлари ҳар йили мавсумий бўлган тўфонлардан аҳолини олдиндан оголантиради. Ҳатто тўфон аҳоли пунктларига қачон етиб келишини дақиқасигача аниқ айтиб беришади.

Дарҳақиқат, замонавий синоптиклар учун космик технологиялар, жумладан, сунъий йўлдошлардан олинadиган маълумотлар муҳим роль ўйнайди.

Бу об-ҳаво ўзгаришларини фазодан туриб кузатиш унинг қандай ривожланиши, нима оқибатларга олиб келишини ҳисоблаш учун зарур. Аммо бизнинг ўз сунъий йўлдошимиз йўқ. Синоптиклар хориж йўлдошларининг маълумотларига таянишга мажбур.

Мавриди келганида, 2018 йил бошида Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим

Абдурахмонов яқин орада Ўзбекистон ўз сунъий йўлдошига эга бўлиши тўғрисида гапирганини эслаб ўтиш лозим. Шунингдек, ўшанда вазир юртимизда Аэрокосмик тадқиқотлар институти очилиши ҳақида ҳам маълумот берганди.

Ўтган йили август ойида эса Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Йўлдош алоқа технологиялари бошқармаси тугатилиб, ўрнига масала билан кенг қамровда шуғулланadиган «Ўзбеккосмос» агентлиги ташкил этилиши лозим эди. Янги агентлик, жумладан, сановат ва экологик хавфсизлиқни таъминловчи инфратузилма объектларини қуриш лозим бўлган.

Аммо масалага ойдинлик киритиш мақсадида агентлик вакиллари билан боғланишга уринишларимиз зое кетди. Зеро, мазкур агентлик ҳалигача ташкил этилмаган. Унинг мутахассислари бажариши лозим бўлган вазифалар билан ҳеч ким шуғулланаётгани йўқ.

Бизнингча, метеорология соҳаси ривожини учун зарур бўлган ҳужжатлар жўриси таъминланмас экан, синоптикларимиз табиат инжикликларидан бизни у ўти кетганидан сўнг оголантиришда давом этаверад.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»



### ДАРВОКЕ...

Статистика маълумотларга кўра, дунёда 2019 йилда 1 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ зарар келтирган 15 та йирек табиий офат юз берган.

ёки эҳтиёт чораларини кўриши мумкин?! Аммо юқоридаги жавобга эътибор қаратадиган бўлсак, тўғри прогноз қила олмаганлик сабабини жаҳон об-ҳаво марказларининг ҳисоб-китоблари ва пандемия ҳолатида маълумотлар ололмаётганини рўқач қилиб кўрсатган. Бундан, биз шу пайтгача хориждаги агентликлар прогнозларини тақдим этишадиган экан-да, деган хулоса чиқарайликми?

# ЁДИНГИЗ ДАМИ: 1 ДОЛЛАР 7 СЎМ ЭДИ

Ёхуд пулимиз қандай қилиб бир ярим минг баробар қадрсизланди?



Бир томондан уларнинг кўрқуви ҳам асоссиз эмасдек. Зеро, ёдингизда бўлса, миллий валютаимиз амалга киритилган охири 1994 йилда 1 АҚШ долларининг нархи 7 сўм этиб белгиланганди. Тўғри, бу кўрсаткич атиги бир неча кунгина сақланиб турган. Шундан сўнг сўмнинг долларга нисбатан қиймати 10 кейин 15 ва ҳоказога ошиб борди. Иқтисодимиз, бошқарувдаги камчиликлар туфайли сўм инфляцияси баъзан тезкор, баъзан аста-секин, аммо мунтазам давом этди. Натижادا бугун пулимиз бошланғич баҳосига нисбатан бир ярим минг баробарга яқин миқдорда қадрсизланди. Пандемия шароитида сўмнинг қадри тушиши масалалари юзасидан **Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази** етакчи илмий ходими Халидуллоҳ Хамидовнинг фикрлари билан қизиқдик.

## Экспорт ҳажми камайди

— Дарҳақиқат, йил бошидан бери миллий валютаимиз АҚШ долларига нисбатан қадрини 9500 сўм атрофида барқарор ушлаб келаётган эди, — дейди **Х. Хамидов**. — Аммо сўм апрель ойидан яна қадрсизлана бошлади. Бу пандемия шароитида экспортимизнинг импортуга нисбатан кўпроқ камайгани ва бошқа сабаблар билан боғлиқ. Натижادا ички бозорда валюта тақлифи қисқарди. Мисол учун, 2019 йилнинг 1-чорагида товар ва хизматлар экспортидан тушум 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 20,6 фоизга ошиб, маълум даражада долларга талабни қондиришга хизмат қилган эди. Жорий йилнинг 1-чорагида эса коронавирус пандемияси сабабли келиб чиққан инқироз туфайли экспорт ҳажми 10,9 фоизгача камайди. Яъни бозоримизда тақлиф қилинаётган доллар миқдори шунчага қисқарган.

2020 йилнинг бошида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан бўлган Хитой иқтисодиётининг секинлашиши натижасида жаҳон бозорига

хомашё нархлари кескин тушиб кетди. Хитойнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга бўлган талаби миқдори сезиларли даражада камайди. Январь-март ойларида Ўзбекистоннинг Хитойга экспорт ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 426 млн. АҚШ долларига, Россияга — 106 млн. АҚШ долларига, Қозоғистонга — 94,4 млн. АҚШ долларига камайган.

## Импортга ҳам талаб камайган-ку?

Бошқа томондан, четдан валюта эвазига маҳсулот ва хизматлар харид қилишимиз ҳам бироз қисқарди. Бу, ўз навбатида, мамлакатдан доллар чиқиш кетишининг олдини олиб, бозорда

маглар импорт қилинди.

## Нефть, ОПЕК, рубль ва тенге

Хитойнинг нефтьга бўлган талаби камайиши, ОПЭК давлатларининг нефть ишлаб чиқаришни қисқартириш буйича муроасага кела олмагани нефть нархини кескин қулатди. Бу ўз-ўзидан Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган Россия ва Қозоғистон миллий валюталарининг алмашув курсида аксини топди. Апрель ойида тенгега йил бошига нисбатан 12,1 фоизга ва Россия рубли 18,8 фоизга қадрсизланган бўлса, сўмнинг қадрсизланиши 1,95 фоизни ташкил этди. Тенге ва рубль қадрининг тушиши Қозоғистон ва Россияда ишлаб

Апрель ойида Ўзбекистонда АҚШ долларининг нархи биринчи марта 10 минг сўмлик психологик барьерни босиб ўтгач, интернет нашрлари орқали бир қатор иқтисодчилар, экспертлар миллий валюта қадрсизланиши борасида ўзларининг шахсий фикрларини билдира бошлади. Баъзи экспертлар 2020 йил охирига сўм алмашув курси буйича кўрқинчли башоратлар ҳам қилишди. Деноминация ёки пул алмашиши тўғрисида яна эски иттифоқлар яна бош кўтара бошлади.

## Мухожирлар улуши

Ўзбекистонлик меҳнат мухожирлари учун миграция манзили ҳисобланган давлатлар, хусусан, Россия ва Қозоғистондаги карантин сабабли 2020 йилнинг 1-чорагида мамлакатимизга кириб келган пул ўтказмалари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада камайди. Хусусан, жорий йилнинг март ойида пул ўтказмалари ҳажми февраль ойига нисбатан 23 фоизга камайиб, 296 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу ҳам валюта бозорига зарарли таъсир ўтказмоқда.

## Бозор тез мувозанатга келади

Бу ўринда ваҳимага ҳожат йўқлигини алоҳида таъкидлаш керак. Сўм алмашув курсининг асосий савдо ҳамкор давлатларнинг миллий валюталари алмашув курсига мослашиши билан Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ошади ва экспортдан валюта тушумлари кўпаяди. Ўз навбатида, миллий валюта девальвацияси импорт товарлари ва хизматларининг маҳаллий товар ва хизматларга нисбатан қимматлашишига олиб келди ҳамда импорт ҳажмининг маълум даражада камайишига туртки бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг молия секторига жозибдор юкори фоз ставкалари хорижий инвестицияларнинг мамлакатимизга оқиб келишини рағбатлантиради. Юкоридаги омиллар ички валюта бозорига валюта талаби ва тақлифини мувозанатга келтиришга хизмат қилади.

Бу кейинги кунларда кўзга ташлан киймати аста-секин пасайиб бормоқда. Аммо курс яна аввалги ҳолатига қайтишига яқин келажақда ҳеч қандай умид йўқ.

Улғубек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:



### «ҚОРА БОЗОР» ҲАМОН БОР

Мамлакатимиз валюта бозорини банклар томонидан назорат қилишга бўлган кўплаб уринишларга қарамай «қора бозор» ҳамон бор. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Мисол учун, пойтахтимизнинг Қўйлик, Олой бозори ва бошқа «валютачилар пакк»си ҳисобланган тўсқинликларсиз ишлашда давом этяпти.

Марказий банк бу ҳақда шундай муносабат билдирган. «Ушбу муаммонинг ечим кўпроқ валюта билан боғлиқ бўлмаган масалаларга тааллуқли. Банклар бунга қарши ҳужалик юритувчи субъект бўладими, жисмоний шахс бўладими, резидент ёки норезидент бўладими — ўз валюта маблағини эркин тасарруф қилишга шарт-шароит яратиш билан курашади. Банклар томонидан тақдим қилинаётган қулайликлар кўпаяверган, уйлашмишча, ўз-ўзидан «қора бозор»га ёки хуфиёна иқтисодиётга, банкдан ташқари валюта амалиётларига барҳам берилади».

мувозанатга ҳосил қилиши керак эди. Аммо импорт қутилганидек миқдорда пасаймади. Бу эса талаб ва тақлиф ўртасида нумутаносибликни келтириб чиқариб, алмашув курсига босимни оширмоқда. Масалан, Россиядан импорт ҳажми деярли ўтган йилнинг мос чорагидаги миқдорда қолган бўлса, Германиядан 22,9 млн. АҚШ доллари миқдоридан кўпроқ товарлар ва хиз-

чиқарилган товарлар ва хизматларни Ўзбекистон учун арзонлашишига сабаб бўлади. Бундай вазиятда мазкур савдо ҳамкорларимиздан импорт қилиш мақсадида ички валюта бозорига валютага бўлган талаб ортади ва сўм қадрсизлана бошлайди. Натижادا сўм алмашув курси тенге ва рубль алмашув курсларига мослашади.

Ўзбекистонга импорт қилинадиган айрим хомашёлар вақтинчалик божхона божидан озод қилинди.

Ўзбекистон аҳолиси ислом дини расм-русумларини қадрлайди. 34 миллиондан зиёд халқимизнинг асосий қисми муслмон ҳисобланади. Аммо ислом дини таълимоти тескари талқин қилиш, унинг ғояларидан жаҳолатни тарғиб этиш мақсадида фойдаланиш, юртимизда халифалик давлатини барпо этишга қаратилган уринишлар бўлгани Ўзбекистоннинг яқин ўтмишидаги аччиқ ҳақиқатдир.

# ЎЗБЕКИСТОН НЕГА «АЛОҲИДА ХАВОТИР УЙҒОТАДИГАН ДАВЛАТЛАР» РЎЙХАТИГА ТУШИБ ҚОЛГАН?



Давлат сиёсатига қарши 1989 йилда Бўка, 1990 йилда Паркент туманларида, 1992 йилда пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида рўй берган воқеалар ҳали унутилгани йўқ. 2004 йилдаги мудҳиш «Чорсу тонги», кейинги йили бутун Ўзбекистонни ларзага солган «Андижон воқеалари» замирида қандай мақсадмуддао ётгани ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан аниқланиб, зарурий чора-тадбирлар кўрилди.

## «Қора рўйхат»га киришга нималар сабаб бўлган?

Ўзбекистонда кузатишган бундай воқеалик 2005 йилдан бошлаб унинг ер юзидаги барча давлатлар диний муҳитини баҳолаб борувчи АҚШдаги Халқаро диний эркинликлар комиссияси (USCIRF) рўйхатига киритилиши учун асос бўлди.

Комиссия кузатувиغا кўра, Ўзбекистон диний эркинликлар борасида «алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар» рўйхатида бўлиб келганининг асл сабабини турли диний оқимлар пайдо бўлиши, давлатга қарши террористик ҳаракатлар содир этилиши, динга оид сиёсатда анча-мунча чекловлар жорий этилгани билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси маълумотига кўра, яқинда мазкур комиссия дунёда эътиқод эркинлиги ҳолати баҳоланган давлатларнинг янги ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни «махсус кузатувдаги давлатлар» рўйхатига ўтказишни тавсия этган (АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни «алоҳида хавотирга молик давлатлар» рўйхатидан 2018 йил декабрда чиқариб бўлган. Бироқ USCIRF 2019 йил апрелида бу қарорни маъқулламаган. Шунга қарамай, комиссия тавсияси Давлат департаменти томонидан инобатга олинмади).

— Сўнги йиллардаги ислохотлар халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартирмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Фарҳод Ашматов. — Бунга аслида, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат

ва диний бағрикенглик» номи махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиққани асос бўлган эди. Қолаверса, Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро товуликни таъминлаш масаласига бағишлангани бу борадаги давлат сиёсатининг янги босқичини белгилаб берди.

## Қайси омилар комиссия фикрини ўзгартирди?

Ушбу қарор Ўзбекистонда айни соҳада катта ижобий ўзгаришлар содир бўлганини акс эттиради, албатта. Чунки олдинги йилларда комиссия доимий равишда Ўзбекистонни «қора рўйхат»га киритиш кераклигини тавсия этар эди. Ҳисоботнинг кириш қисмида ушбу соҳада ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган икки давлат (Ўзбекистон ва Судан) алоҳида қайд этиб ўтилган.

— Дарҳақиқат, бу натижага эришиши осон бўлгани йўқ, — дейди Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳимжон Ино-

мов. — Жумладан, мазкур комиссия раиси ўринбосари Надин Мазна диний жамоаларга нисбатан Ўзбекистонда босим анча камайтирилгани, «Жаслик» жазони ижро этиш муассасаси ёпилганини алоҳида эътироф этган. Қолаверса, Ўзбекистон тарихида янги воқеалик — минглаб маҳкумларнинг афв этилиши ҳам халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Утган икки-уч йил ичида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир пайтлар диний экстремистик гуруҳларга алоқаси бор, деб назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаро «махсус ҳисоб»дан чиқарилди.

Шунингдек, «Меҳр-1» ва «Меҳр-2» инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилиб, унинг доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан 261 нафар фуқаро, асосан, аёллар ва болалар юртимизга олиб келинди.

## Ўзбекистон нега «Махсус кузатувдаги давлатлар» рўйхатида қолди?

Халқаро диний эркинликлар комиссияси 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистон билан бирга Қозғистон, Афғонистон, Озарбайжон, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Ироқ, Баҳрайн ҳамда бир нечта Африка мамлакатларини «Махсус кузатувдаги давлатлар» деб таснифлашти лозимлигини кўрсатган.

## БИЛАСИЗМИ?



Халқаро диний эркинлик бўйича АҚШ комиссияси (USCIRF) Қўшма Штатлар федерал ҳукуматининг мустақил органи бўлиб, дунё бўйича диний эркинлик билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб боради.

Қайд этиш керак, АҚШ комиссияси Ўзбекистонни «алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар» рўйхатидан чиқариш баробарида мамлакатни «махсус кузатув рўйхатида» қолдиришни тавсия этган. Хўш, нима учун?

Комиссия ҳисоботида айтилишича, бунда «Диний эркинлик ва диний ташкилотлар фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳали кучга кирмагани ҳамда диний сабаблар бўйича қамоққа олинганларни озодликка чиқаришни давом эттириш кераклиги ҳисобга олинган. Таъкидлаш жоизки, бу ҳолат кўпчиликда турли тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Яъни «Ўзбекистон яна қандайдир «қора рўйхат»га киритилибди», деган тасаввур уйғонишига сабаб бўлди. Хўш, аслида вазият қандай?

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита ахборот хизматининг маълум қилишича, ушбу рўйхатни шакллантириш, қайсидир давлатни киритиш ёки чиқариш АҚШ Давлат департаментининг ваколатига қиради. Шундай экан, Ўзбекистон мазкур рўйхатдан қачон чиқарилиши аниқ эмас.

Бироқ сўнги уч йил ичида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда турли соҳаларда бўлгани каби диний-маърифий йўналишда ҳам катта ўзгариш ва ислохотлар амалга оширилдики, буларнинг барчаси халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Комиссиянинг юқоридаги қарори бунинг яққол исботидир.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»



Айни пайт вилоятдаги 768 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 337 таси ўз таъмурий биносига эга эмас. Улар турли ташкилотлар биносига фаолият олиб боради. Бироқ давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳа ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет билан таъминлаш белгиланган эди.



## ДАСТУР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМАСА, МАҲАЛЛАЛАР БИНОСИЗ ҚОЛАДИМИ?

Хўш, ушбу фармон ижроси Қашқардە вилоятда қандай бажарилмоқда? 3 йилдан ортиқ вақт ўтса-да, ҳудуддаги маҳаллаларнинг аксарияти ўз биносига эга эмас. Нега?

Юқоридаги фармон асосида ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга мувофиқ, 91 та маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриш, 22 тасини таъмирлаш, 59 та бинони реконструкция қилиш белгиланган эди. Унга қўра, 2019 йилда вилоят бўйича 19 та маҳалла биносини қурилди, 11 таси реконструкция қилинди, 4 таси таъмирланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, дастурга киритилган маҳалла фуқаролар йиғинларининг 35 тасидан 31 тасида янги бино қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш, реконструкция ишлари бажарилиши кўзда тутилганди. Бирок...

### «Обод қишлоқ» дастуридан барбод бўлган маҳалла

«Тупчоқ» маҳалласи Китоб туманининг марказдан олис, тоғли ҳудудларидан бири ҳисобланади. «Китоб-Мираки» автомобиль йўли бўйида, пурвикроқ Ҳисор тоғлари эгагида жойлашган ушбу муъжазгина маҳаллада 5300 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Аксар қишлоқларга хос бўлган муаммолар бу ерда ҳам бор. Яъни тупчоқликларни таълим, тиббиёт муас-

сасаларининг таъмирталабдиги, тоза ичимлик суви таъминот тизими йўқлиги, ички йўлларнинг носозлиги, электр энергияси таъминотидаги узилишлар ва бошқа шу каби муаммолар йиллар давомида қийнаб келаётган эди. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Обод қишлоқ» дастурига 2019 йилда ушбу қишлоқнинг ҳам киритилгани аҳолини беҳад қувонтирди.

Лекин қишлоқ одамларининг таъкидлашича, ушбу дастур бўйича бошланган бирорта иш охиригача бажарилмаган. Ўтган йили янги биносига эга бўлиши белгиланган «Тупчоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ижарада сарсон. Боиси улар учун қурилиши бошланган бино бир йилдан буён битказилгани йўқ.

— Бир неча йиллардан буён «Тупчоқ узумзорлари» агрофирмаси биносига ижарада турамиз. — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жалол Гадов. — Оилавий поликлиника биноси ҳам бузилгандан сўнг агрофирмага кўчирилди. Иккита хонани уларга бердик. Айни пайтда маҳалланинг барча ходимлари битта хонадамиз. Албатта, бу фаолиятимизга салбий таъсир

қолишининг асосий сабаби маблағга бориб тақалади. — дейди Қашқардە вилояти ҳокимлигининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари қотибияти мудири Бехзод Тўраев. — Дастурнинг молиявий таъминоти маҳаллий бюджетга ҳам боғлиқ. Айнан маҳалла фуқаролар йиғини биноси маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши керак эди. Афсуски, шу маблағни топшининг имкони бўлмади. Бу муаммо юзасидан республикага ҳам маълум қилганмиз.

### Гаражда ишлаётган маҳалла фаоллари

Чироқчи туманидаги «Кўктош» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги муқобил машина трактор паркига тегишли бўлган гаражнинг бир қисмида жойлашган, қаровсиз бир ҳолатда. Таъмирталаб ҳолга келиб қолган ушбу бинонинг пасткам учта хонасида маҳалла фаоллари ишлайди. Ушбу ҳолат маҳалладек адолатли, кенг ваколатли, миллий бошқарувимиз тим-



нати. Ўзимиз ҳам ижарачимиз. Қўп бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Насиб бўлса, яқинда натижаси бўлади, дейишяпти.

Президентнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида айtilганидек, 2021 йилнинг 1 декабригача фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек, уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан жиҳозлаш назарда тутилган. Лекин туман мутасаддиларининг эътиборсизлиги оқибатида Чироқчи туманидаги мавжуд 86 та маҳалланинг 47 тасида бу иш пайсалга солиб келин-япти. Оқибатда улар турли ташкилотларда ижарачи сифатида кун кўряпти.

Бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда белгиланган устувор вази-фаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш ҳар биримиздан катта масъу-лия талаб этади. Яъни бу борадаги ислохотларнинг самараси, асосан, ўзимизга боғлиқ. Бинобарин, барча бўғиндаги раҳбарлар янгиликларни ва ўзгаришлар моҳиятини теран ҳис этиб, шу асосда иш юритишлари лозим.

Ўйлаймизки, янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бу борадаги муаммоларга, албатта, ечим топади.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»



ўтказмоқда. Шу боис маҳалла биносини қурилишини интиқиб кутгандик.

Бироқ барча ишлар аро йўлда қолиб кетди. Юқори ташкилотларга қилган мурожаатимиз натижасиз қолмоқда.

Хўш, «Тупчоқ»да «Обод қишлоқ» дастурини амалга оширишдан мақсад нима эди? Агар аҳолининг шарт-шароитларини, турмуш тарзини яхшилаш, зарур инфратузилмани яратиш бўлса, нега бу ишлар тўлиқ бажарилмади?

— Бу қурилишлар бажарилмай

соли бўлган институтнинг салобати, обрў-эътиборини эмас, аксинча ғариб кўринишини акс эттиради.

— 2013 йилдан буён шу маҳаллага расмлик қиламан, — дейди Суннатилла Холёров. — 2008 йилда ташкил топган маҳалла фуқаролар йиғини мана шу тор хоналарга вақтинча жойлаштирилган. Хоналарни бир неча марта қўлдан келганча таъмирладик. Лекин эски бино, фойдаси йўқ. Янги қурайлик десак ҳудуд бировнинг омо-

Қайта тикланувчи энергия манбалари истеъмолчиларга қўшимча шарт-шароит яратади.

# ТАБИЙ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН НЕЧОҒЛИ МУҲИМЛИГИНИ УНУТИБ ҚЎЙДИК.

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

1 гектар ерда валериана илдизи етиштириш учун 11 млн. сўм харажат қилиб, 50 млн. сўм даромад олиш мумкин. Тожик коврагидан 45 млн. сўм харажат қилиб, 63 млн. сўм даромад топилади. Наматақдан эса 21,1 млн. сўм харажат қилиб, 48 млн. сўм соф фойда олинади. Шу тариқа, иттиканак-чередадан 40 млн. сўм қалампир ялпизидан 25,5 млн. сўм пол-поладан 38,3 млн. сўм қизилмиядан 33,2 млн. сўм фойда кўриш мумкин экан.

**И**сирикни барчамиз яхши биламиз, лекин унинг фойдали жиҳатларини-чи? Мутахассисларнинг таъкидлашича, халқ табобатида оддий исирикдан тайёрланган ванналар ревматик артритлар ва тери касалликларида, исирик қайнатмаси эса шамоллаш, безгак, невраситиния касалликларига фойда.

## ЙЎҚСА...

**касалликлари кафедраси мудири:**

— Абу Али ибн Синонинг 5 томлик «Ал-қонун фит тиб», яъни «Тиб қонунлари» асари бутун дунё мамлакатлари олим ва соҳа эгалари томонидан тан оlinиб, доривор гиёҳлардан самарали фойдаланиш амалиёти кенг татбиқ этилган. Европада бу асар 500 йилдан ортиқ ўқитилган, ҳозирги тиббий таълим ўқитилиши жараёни ҳам шу асардан олинган. Бизнинг институтда ҳам ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ўқув режалардаги қўшимча соатлар ҳисо-

### Йилга 3-4 та ўсимлик «Қизил китоб»га киритилмоқда

Соҳада илмий тадқиқотлар, доривор ўсимликларнинг табиий усулда кўпайишига шароитлар етарли эмаслиги натижасида йилга 3-4 та ўсимлик «Қизил китоб»га киритилмоқда. Жумладан, тожик коврагининг захираси атиги 105 тоннани ташкил этади. Ширинмия, туркистон аюгаси, жигар ўти, иттиканак-череда, самарканд бўзоччи каби доривор ўсимликлар захираси йўқолиб кетип арасида

**Тургун ИБРАГИМОВ,**  
**Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси қошидаги «Шифобаҳи» доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш маркази директори ўринбосари:**

— Доривор ўсимликларнинг барчаси ҳам дориворлик хусусиятини тўлиқ сақламайди. Шу боис доривор ўсимликларни етиштириш билан бирга, уларнинг дориворлик хусусиятини сақлаб қолиш учун қайси доривор ўсимлик қайси ҳудудга мос эканлигини билиш зарур. Эндilikда 50 та турдаги доривор ўсимликларни етиштириш учун табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, туманларни ихтисослаштириш амалиёти жорий этилмоқда. Хурусан, Деҳқонобод, Бойсун, Узун, Қизиққ туманлари тожик коврагига, Яққабоб, Поп, Чуст, Бўстонлик, Пискент, Риштон туманлари доривор валерианага, Китоб, Оҳангарон туманлари доривор мавракка, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари эса қизилмия етиштиришга ихтисослаштирилади.

Агар доривор ўсимликлар хомашёси тўлиқ қайта ишланса, доривор ўсимликларни етиштирувчилар ҳам, фармацевтика корхоналари ҳам қўшимча фойда олади. Энг муҳими, халқимиз табиий дорилардан ишфо топган бўлади.

### Аждодлар мероси барча дардга шифо

**Холмурод ҚАЮМОВ,**  
**Бухоро тиббиёт институти халқ табобати ва касб**



**Қизилмия** ўсимлиги илдизлари йўтали даволашда, бронхит, ревматизм, сил, нафас қисилишида ишлатилади, шунингдек, организм учун ёшартирувчи ҳисобланади. Қизилмия илмий тиббиётда юқори нафас йўлларида касалликларида яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.

Бизнинг аждодларимиз ана шундай доривор ўсимликларнинг хусусиятини яхши билган ва уларни самарали қўлай олган. Деярли барча касалликларга гиёҳлардан даво топган. Бу борада Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида ҳам батафсил маълумот берилган.

Минг афсуски, мана шундай бебахо асарларимиз умумтаълим мактабларида, ҳатто тиббиётга ихтисослаштирилган ўрта махсус ва олий таълим тизимларида махсус фан сифатида чуқур ўқитилмади.

Натижада аҳоли, хусусан, ёшлар табиий доривор ўсимликларнинг инсон саломатлиги учун нечоғли муҳим, табиий ва самарали эканлигини унутиб қўйди. Йўқса, оддий касаллик учун ҳам турли хил препаратли дориларни истеъмол қилишга мажбур бўлмасдик. Истеъмолдаги 6400 хилдаги дори воситаларининг атиги 2,3 фоизи табиий дори воситалари эканлиги ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Афсуски, юртимизда доривор ўсимликлар захираси юқори бўлишига қарамасдан, мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмапти. Шу боис яқинда Президентимизнинг «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Эндilikда мазкур ҳужжат асосида доривор ўсимликлар муҳофазасини кучайтириш, плантациялар ташкил этиш, қайта ишлаш орқали қўшимча киймат занжирини яратиш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнлари интеграциялаштирилади.

### Харидор йўқлигидан хомашё танқис эди, энди-чи?

**Алиба АХМАДЖОНОВА,**  
**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бўлими бошлиғи:**

— Табиатимиздаги маҳаллий флорага мансуб 4,3 миңдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган. Шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда. Республикаимизнинг барча ҳудудларида, ўрмон фонди ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида доривор ўсимликлар етиштирилади. Аммо доривор ўсимликлар етиштирувчилар ҳар доим ҳам ўз маҳсулотларига харидор топмаганлар, доривор ўсимликларни қайта ишловчилар эса табиий дори воситалари учун хомашё танқислигига учраганлар. Эндilikда фармацевтика саноати ҳар йили доривор ўсимлик турлари ва ҳажми бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва Инновацион ривожланиш вазирликлари ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига маълумот киритади. Бу хомашё етказиб берувчиларнинг кафолатли харидини таъминлайди. Қолаверса, фермер ва бошқа доривор ўсимликлар етиштирувчилар учун ҳам қатта имкониятдир.

бидан «Тиб қонунлари» асари асосида «Ибн Сино таълимоти» фани жорий этилиб, талабаларга ўқитилиб келинмоқда. Ушбу асарни таълим тизимимизда кенг жорий этиш зарур. Чунки касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикасида «Тиб қонунлари» асари қатта аҳамиятга эга. Йўқса, бугунги кунгача дунё фармацевтилари, халқ табобати мутахассислари ва олимлар ушбу асарда қолдирилган доривор гиёҳлардан фойдаланиш тартиби ва қонун-қоидалари, услубларидан фойдаланиб келмасди.

### Доривор ўсимликлар захираси етарли, бироқ...

Бугунги кунда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси таркибда 100 тага яқин ўрмон хўжаликлари фаолият юритмоқда. Ўрмон хўжаликлари тасарруфидаги ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг 1200 га яқин турлари мавжуд. Ўрмон хўжаликларида доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Бугун уларнинг 60 дан зиёд тури маданий ҳолда етиштирилмоқда.

Ўрмон хўжаликлари республикамиздаги 50 дан ортиқ

доривор ўсимликларни хомашёсини қайта ишловчи корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Уларга шартнома асосида доривор ўсимликлар хомашёси етказиб берилмоқда. Биргина 2019 йилда ўрмон хўжаликларида 5000 тонна доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликлар хомашёси етиштирилди. Шундан 70 фоизи доривор ўсимликларни қайта ишловчи фармацевтика корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Юртимизда препаратли дори воситаларининг ўрнини босувчи доривор ўсимликлар захираси етарли. Бироқ мамлакатимиздаги мавжуд 150 га яқин фармацевтика корхоналарининг барчасида ҳам доривор ўсимликлар хомашёсини қайта ишлаш йўлга қўйилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, доривор ўсимликлар муҳофазасини мустаҳкамлаган ҳолда доривор ўсимликлар савдоси билан ҳам махсус мутахассислар шугулланишини таъминлаш зарур. Йўқса, одамларга ногўғри тавсия берилиб, саломатлигига салбий таъсир етказилиши мумкин. Қолаверса, доривор ўсимликлар сифатига путур етати.

**Рустам ЮСУПОВ**  
**«Mahalla»**




**Б**угун бутун дунё жиддий синови бошидан кечирмоқда. Коронавирус пандемияси кириб бормаган мамлакат деярли қолмади. Афсуски, бу бало Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Юртимизда касалликка чалинган бемор аниқланган илқ кундан бошлаб, унга қарши барча курашга отланган.

# ИЛК ВАФОТ ЭТГАН БЕМОР ҲАЁТИ УЧУН СОАТ КУРАШДИК!

ШИФОКОРЛАР СУТКАЛАБ, ХИМОЯ НИҚОБИ ВА МАХСУС КИЙИМДА ЮРГАНДА НЕГА ФУҚАРОЛАР АТИГИ БИР ЁКИ ИККИ СОАТ ЎЗ САЛОМАТЛИГИ УЧУН НИҚОБ ТАҚИШНИ ХОҲЛАМАЯПТИ?

Агар статистикага назар ташласак, мамлакатимизда шу кунгача 1500дан ортиқ инсон буткул соғайди. Бу натижага эришишда шубҳасиз, шифокорларимизнинг хизмати катта бўлди. Уларни ҳеч муболағасиз кун қаҳрамонлари дейиш мумкин. Ана шундай қаҳрамонлардан бири 41 йиллик иш тажрибасига эга шифокор, вирусолог Каримберди Ризқиевдир. Қаҳрамонимиз юртимизда коронавирус касаллигига чалинган илқ бемор рўйхатга олинган кунни ҳаётини хатарга қўйиб, унга қарши курашга кирган шифокорлардан. Албатта, тожли вирус билан кураш осон кечмаяпти. Бу ҳақда халқ саломатлиги посбонининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.



— Касалликка чалиниш ҳолати аниқлангач, Вирусология институтининг барча шифокорлари шу кунлик ишга етиб келди. Дастлаб осон бўлмади. Гарчи ўзим ҳам 41 йиллик тажрибага эга бўлсам-да, бироз кийин вазиятга тушиб қолдим. Касаллик юктириб олганлар билан ишлашда, уларнинг руҳиятини кўтаришда кийинчиликлар бўлди. Ҳатто, айрим беморлар дастлабки кунларда қўйилган тапхисга ишонмади. Баъзиларда белгилар енгил кечгани, сезилмагани учун унча эътибор бермади. Биз уларга вирус бўйича маълумот бердик, яхши даволанмаса, оқибатини тушунтирдик. Аста-секин вирусни енгилда бизга қўшилишиди.

— Бу вирус юкумли бўлиб, тиббиёт ходимларининг унга чалиниш эҳтимоли юқори. Шу муаммо қандай ҳал этилган?

— Тўғри, касалликдан химояланишнинг асосий йўли — химоя воситаси. Шу боис барча тиббиёт ходимларига буни тушунтирдик. Худога шукр, ходимларимизда касалликка чалиниш ҳолати кузатилмади.

— Маълумотларга кўра, касаллик бемор тўла соғайса ҳам, ўпкада асорати қоларкан?

— Касаллик, асосан, сурункали ҳасталикка чалинганларда, кексаларда оғир кечилиши ҳисобга олсак, айнан, шу инсонларда асорат қолдилади. Асосан, бу ўпка ва ошқозон-ичак йўлларида кузатилади.

— Иш тартиби қандай шакллантирилди?

— Биринчи босқичда касалликка қарши курашга 70 нафар шифокор жалб этилди. Аслида иш вақти 16 соат этиб белгиланганди. Аммо вазиятга қараб, касалликка қарши суткалаб дам олмай курашишга тўғри келди. Вирус юқиш хавфини камайтириш мақсадида ҳамшира ва бошқа ходимлар имкон қадар саккиз соатлик тартибда ишлади.

— Кўпчилик негадир коронавирусни оддий грипп деб ҳисоблаяпти. Шунгами, ҳар қанча огоҳлантирилса-да, карантин қондасини бузаётганлар учрамоқда.

— Коронавирусни грипп касаллигига тенглаш нотўғри. Бу касалликда иситма кўтарилиб, тушиб яна тўсатдан кўтарилади. Лекин гриппда нафас етишмовчилиги бўлмайди. Шунингдек, коронавирус юктириб олган беморларда ичак билан боғлиқ муаммолар ҳам бўлди. Кўпроқ курак йўтал учрайди. Бундай ҳолга биринчи марта тушгани учун беморларда саросима кузатилди. Грипп мавсумига ҳамма тайёргарлик кўради, лекин грипп ҳеч қачон пандемия даражасига кўтарилмаган.

Биз гарчи ташки муҳитдан узилган ҳолда касалликка қарши курашган бўлсак-да, ОАВ орқали воқеалардан хабардор бўлиб турдик. Карантин қондаларини бузаётганлар вирус хавфини ҳис этишмаяпти. Уйда қолиш сўралса-да, сабабсиз кўчага чиқаётганлар коронавирус ҳар қадамда пайт пойлаб турганини унутиб қўйишмоқда. Мисол

учун, бу вирус юктирганларнинг 80 фоизда ҳеч қандай белги кузатилмади. 15 фоизда иситма, томоқ оғриқ, йўтал бўлади. 5 фоиз бемор эса томоқ оғриғи, нафас етишмовчилигидан азият чекади. Уларда касаллик оғир кечади. Биз учун ана шу 80 фоизга кирувчилар хавфли, шундан хавотирдамиз. Улар ҳозир орамизда юрибди. Айнан мана шу қатлам вирус ташувчи бўлиб қолмоқда. Шу боис ташқарига бесабаб чиқиб, ўзимиз ва оила аъзоларимиз ҳаётини хавфга қўймайлик! Коронавирусни енгилнинг энг асосий воситаси — уйда қолиш. Шундай қилсак, занжирни узамиз.

бевосита ишладингиз. Айтинг-чи, улардаги кўрқув ва ваҳимани енгилда қандай ёрдам бердингиз?

— Касаллар бошида келган вақтида қарат ҳолатда эди. Кўпчилигини бошқариб бўлмади. Ҳатто бизга ишонмай, қаршилик қилганлар ҳам бўлди. Лекин секин-секин яхши гапириб, тушунтирдик.

— Коронавирус одамдан-одамга ўтганда мутацияга учраб, қучайиб бориши қанчалик ҳақиқат?

— Чиндан ҳам, бу касаллик вақт ўтиши билан мутацияга учрайди. Қанчалар хавфли ёки хавфсиз эканини ҳозирдан айтиш кийин. Аввал уни ўрганиш керак. Касаллик қайси организмга кирса, янги мутация ҳолатини келтириб чиқаришини билиш лозим. Мутахассисларнинг дастлабки ҳулосаларига кўра, катта эҳтимол билан вирус одамга мослашади. Вакцинаси топиладиган ҳам ҳар гал вирус мутацияга учраганда вакцина ўз таъсирини йўқотаверди.

Мутация деганимиз эса наслга алоқадор бўлиб вируслар тез кўпайиб, тез ўлганликлар сабабли, одамларда йиллар талаб қиладиган насл алмашуви уларда бир неча соатдан иборат. Америкалик машҳур доктор Мехмет Ўзнинг фикрича, коронавирус жуда тез мутацияга киришади. Вақт ўтгани сайин вирус мутация натижасида юққан одамни нобуд қилмайдиган ҳолга келади. Демак, бу вирусга қанчалик кеч дуч келсак, унинг зарари шунча кам бўлади.

«Mahalla» мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

**Коронавирусни қанчалар хавфли эканини билиш учун касалликни танасида ҳис қилганлар билан суҳбатлашиш кифоя. Айниқса, шунча ҳаракат қилсак-да, айрим беморларнинг ҳаётини сақлаб қоламиз. Шу ҳам аслида ақлли инсонларга ибрат бўлиши керак.**

— Муолажа натижа бермай, бемор вафот этганда шифокор сифатида қандай ҳолатга тушдингиз?

— Чиндан ҳам, энг замонавий тиббий воситалар, энг малакали шифокорлар ҳар қанча уринмайлик, айрим беморлар ҳаётини сақлаб қола олмадик. Шифокор сифатида шу вазиятда жуда эзилдим. Афсуски, илқ вафот этган бемор ўзи ҳам эътиборсизлик қилиб, вақтида мурожаат этмаганди. Унинг ҳаёти учун 16 соат курашдик.

Кўчаларда карантин қоидаларини бузаётган фуқаролар янада сергак бўлиши учун балки мана шу каби ҳолатларни оммавий ахборот воситаларида кўпроқ бериш керакмикан?

— Касаллик юктириб олганлар билан





# КАРАНТИНДА ИНТЕРНЕТ МУАММОСИ ЯНАДА ОҒРИКЛИ МАСАЛАГА АЙЛАНДИ. НЕГА?



“**Коронавирус эпидемияси кўпгина мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам қийинчиликларсиз ўтмаяпти. Хусусан, карантин режими сабаб қатор ташкилот ходимлари уйдан чиқмаган ҳолда онлайн ишлашга, талаба ва ўқувчилар онлайн таълим тизимига ўтишга мажбур бўлди. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда интернет тармоғининг камчиликларини, унинг етарли даражада оммалашмаганини кўрсатиб қўйди. Соҳада туб ўзгаришлар фурсати етганини аниқлади.**

Хўш, аҳолини тезкор интернет билан таъминлашда қандай муаммолар мавжуд? Карантин даврида бу қанчалик ойдинлашди? Кейинги йилларда соҳани тараққий эттириш мақсадида қандай амалга оширилмоқда?

## Интернет тезлиги нега талабга жавоб бермаяпти?

— Кейинги йилларда Халқаро интернет тармоғига улашнинг умумий ўтказувчанлик қобилияти 110 Gbit/s дан 1 200 Gbit/s гача (10 баробардан кўпроқ) кенгайтирилди, — дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассиси Шерзод Аҳмадов**. — Тўғри, қисқа фурсатда талаб икки-уч мартагача ортиб кетгани боис айрим ҳудудларда муаммолар ҳолатлар кузатишмоқда. Аммо бу соҳа умуман ривожланмаяпти, дегани эмас. Яқинда «Оокла» компаниясининг «Speedtest.net» сервисининг тезлиги бўйича 2020 йил март ойи якунларига кўра янги маълумотларни эълон қилди. Интернет тезлиги бўйича рейтингда Ўзбекистон ҳозирги кунда 95-погонани эгаллаб турибди (176 та давлат қаторида) ва бир ойда 7 поғонага, бир йил ичида эса 36 поғонага кўтарилиши кузатилади.

## Симли интернет фақат марказларда мавжуд...

Шунингдек, мамлакатимизда симли интернет тармоғини янада оммалаштиришга эҳтиёж катта. Бугунги кунда юртимизда мазкур тизим фойдаланувчилари сони 3 миллион нафарни ташкил этади. Бу мамлакат аҳолисининг ўн бараваридан ҳам кам. Қолаверса, симли интернетнинг фақатгина пойтахт ва вилоят марказларидагина мавжудлиги унинг географик ўрнини ҳам кўпайтириш лозимлигини кўрсатади. Симли интернетни ривожлантиришга 2020 йилги Давлат дастурида ҳам урғу берилгани унинг юртимиз тараққиётида қанчалик муҳим аҳамият касб этишини билдиради.

— Айни вақтда қадар мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида мис толали алоқа линияларидан фойдаланиб келинган, — дейди «Ўзбектелеком» АК реклама ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиги Алишер Ҳидояттов. — Бундай алоқа линиялари эса тезкор интернет хизматлари учун

мўлжалланмаган. Шу боис Давлат дастурига биноан, 2020 йилда камида 800 мингта кенг полосали интернет портлари яратилиб, 12 минг км. оптик толали алоқа линиялари ётқизиши белгиланган. Натижада шу йилнинг ўзига соғлиқни сақлаш муассасаларининг 95 фоизи, умумтаълим мактабларининг 86 фоизи ҳамда барча мактабгача таълим муассасалари юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминланади.

Шунингдек, тармоқ сифатини яхшилашда интернет хизматларини маҳаллийлаштириш ҳам режалаштирилган. Яъни бунда мамлакатимизга энг яқин бўлган йирик интернет серверлари маҳаллийлаштирилади. Бу, ўз навбатида, дастурий таъминот ва бошқа контентларни юклаб олиш тезлигини оширади. Натижада хорижий серверга жойланган маълумотни олиш учун унинг бош серверига улашга эҳтиёж қолмайди. Ўз-ўзидан керакли маълумотни юклаш тезлашади.

## Сифатли интернет фақат шаҳар учунми?

Вазирлик мутахассисининг сўзларига қараганда, соҳа тараққий топиб бормоқда. Аммо агар тизим ривожланмаётган бўлса, юқоридаги эътирозлар қасердан пайдо бўляпти? Ё бўлмаса, интернет сифатининг оширилиши фақат шаҳар ёки туман марказларида амалга оширилмоқдами? Zero, сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, айрим ҳудудларда хатто телефонда сўзлашишнинг ўзи катта муаммо бўлаётган бир пайтда интернет ҳақида нима дейиш мумкин?

— Мирзо Улугбек номидаги Ўзбе-

кистон Миллий университетда дарс берман, — дейди **Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманида истиқомат қилувчи Маъруф Алиев**. — Карантин сабаб пойтахтдан қишлоғимга қайтиб келишга мажбур бўлдим. Бу ерга келгач, кафедрамиз мудири онлайн шаклда дарс беришим зарурлигини айтди. Аммо, афсуски, онлайн дарс бериш учун бизнинг Оқработ қишлоғида умуман имконият йўқ. Боиси бу ерда «Ucell», «Uzmobil» каби мобиль алоқа тармоқлари умуман ишламайди. Интернет тугул, мулоқот қилиш имкони ҳам йўқ. Биргина «Perfectum» ишлайди, аммо ундан ҳам интернетга кириш муаммо.

Юртдошларимиз бугун бундай муаммога республикаимизнинг турли ҳудудларида дуч келмоқда. Шу боис кенг жамоатчилик интернет сифати йилдан-йилга ортиши ўрнига тушиб бораётганини айтишмоқда. Аслида-чи, бу танқидлар қанчалик ўринли?

Соҳа масъулларининг қайд этишича, ҳозирги кунда аҳоли, айниқса, талаба-ўқувчиларнинг уйда ўтирган ҳолда интернетга мурожаат қилаётгани боис ҳудудларда тармоқлар юкламаси кескин ортиб кетган. Натижада айрим жойларда мобиль интернет тезлиги камайиши кузатилаётган.

Таъкидланишича, карантин даврида бундай ҳолат фақатгина бизнинг мамлакатда эмас, бутун ер юзиде кузатишмоқда. Масалан, ҳозир АҚШ аҳолисининг 6 фоизидан кўпроғи (21 млн. киши) юқори тезликдаги интернетдан фойдалана олмаяпти. Австралияда бу кўрсаткич 13 фоизни ташкил қилади. Демак, карантин даврида онлайн таълим олиш, масофадан ишлаш, турли интернет хизматларининг кўпайиши

унинг сифатига таъсир қилмасдан қолмаяпти.

## Қишлоқлар қачон интернет билан тўлиқ таъминланади?

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориде соҳага доир қандай вазифалар белгиланди?

— Ҳужжатга кўра, соҳага доир 268 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда, — дейди **Ш.Аҳмадов**. — Жўмладан, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИИДаги улуғи 2 бараварга кўпайтирилади. Шунингдек, 2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва боғчаларни, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллалар юқори тезликдаги интернет тармоғига уланади. «Рақамли тадбиркорлик» ривожлантирилади, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажми 3 бараварга оширилади ва уларнинг экспорти 100 миллион долларга етказилади.

Рақамли иқтисодиётнинг калити, қайсики маънода, интернет тармоғи ҳисобланади. Ушбу тармоқнинг тараққиёти, оммалашishi, ўз навбатида, рақамлаштириш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Ҳар икки соҳанинг ривожига эса давлат ва жамият тараққиётига белгилаб беради. Демак, бугун интернет сифатини яхшилаш, аҳолига унинг имкониятларидан янада кенгрок фойдаланишига шароит яратиш долзарб вазифа. Ўйлаймизки, 2020 йилги Давлат дастури, Президент фармон ва қарорларида белгиланган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилган, чекка ҳудудларда яшаётган юртдошларимиз ҳам интернет хизматларидан унумли фойдаланади.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»

## ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР:



Дунё бўйича айни пайтда 3,7 миллиард кишининг интернетга улашиш имконияти мавжуд эмас.




Африка, Осиё ва Жанубий Американинг 10 та давлатида аёллар эркакларга қараганда 30-50 фоиз кам интернетдан фойдаланишади. Дунё миқёсида эса аёлларнинг интернетдан фойдаланиш кўрсаткичи эркакларникига қараганда 23 фоиз кам.





Санъат ҳам маънавиятнинг бир тури сифатида катта тарихий йўлни босиб ўтгани билан қадрланади. Театрга томошабин нима учун келади, бу ҳақда кўп ўйлайман. Мухлис хукмига ҳавола этилаётган сахна асари негизда муайян ғоя, мақсад, мазмун-мундарижа ётади. Асар қаҳрамонларининг тақдири, шубҳасиз, томошабинда фикр уйғотади, баҳс-мунозарага чорлайди, сабоқ чиқаришга ундайди. Демак, театр кишилар руҳий оламига тўғри йўналишда таъсир кўрсатиб, қайсидир маънода уни қийнаётган жумбоққа ечим тақдим этади.



## Теша МЎМИНОВ:

# «БУГУНГИ ИСЛОҲОТЛАР САХНАДА ЎЗ АКСINI ТОПМАЯПТИ...»

Ўз касбий йўналишида обрў-эътибор қозongan киши борми, билдингки, бу ўз-ўзидан юзага чиққан эмас. Аввало, ота-она дуоси, устоз-мураббийлар йўл-йўриғи билан иш тутиб, саъй-ҳаракатларимизни бунга омухта қила олсаккина, катта марра бизники бўлади. Раҳматли ота-онам, синф раҳбаримиз Саиджон Аҳмедов, институтда Азизжон Маҳмудов, театрда Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Олим Хўжаев сингари кадрдонларим мени илк қадамларимданок қўллаб-қувватлашган, хайрихолик кўрсатишган, хатоларим бўлса, тўғрилашган.

Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг 3-босқичи талабаси бўлган пайтимда гардероб хизматчиси бўлиб ишлаганман. Мана, ярим асрдан зиёдроқ вақт ўтдики, кўз ўнгимда худди кино лентаси каби йиллар, яратган образларим, замондошларим, гастроллар, учрашувлар гавдаланади. Ижодкорнинг умр йўли машаққатли меҳнат билан сарҳисоб қилинади. Унинг умри китоб ўқиш, матн ёдлаш, сахнага чиққач, йиғлаш, қулиш, ким биландир зиддиятга бориш ва бошқа жараёнлар билан ўтади. Агар у чин юракдан йиғламаса, образ кечинмасини томошабинга етказиб бера олмайди. Актёр барчасини сабр-тоқат билан енга олсагина, мухлис уни тан олади, эътироф этади.


Спектаклни томошабинга тортиқ этишда бир-бирига узвий боғлиқ учлик бор: драматург асар ёзади, режиссёр уни сахналаштиради, актёр роль яратади. Агар ана шу уч ҳалқада мукамаллик бўлса, кўзланган мақсадга эришилади. Театр — драматик асарни синовдан ўтказадиган лаборатория. Драма сюжети ва композициясида воқеликнинг боши, кульминацион нуктаси ва счими туради. Раҳматли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» драмаси сахналаштирилганда, у киши ҳар кун театримишга келарди. Режиссёрнинг куйди-пишдиси, актёрлар ансамблининг репетиция жараёнини кўрган Эркин ака: «Спектаклни томоша қилиш осон экану, сахнага олиб чиқиш турган-битгани машаққат экан-ку» деган эди.

Ўзбек театр санъатининг забардаст вакили — Шукур Бурхоновнинг панду насиҳатлари ҳамон қулоғим тагида акс-садо бериб туради: «Сахнага ёлгон, сунъий сўз айтиш учун чиқма. У ерда сен роль ўйнама, яшагинг керак. Улуғ даргоҳ деб билсанг, унинг кўзга кўринмас пирларига сажда қилсанггина, сахна сени ардоқлайди, элнинг олдига олиб чиқади».

1970 йиллар. Театримишда «Шоҳ Эдип» асари сахналаштириладиган бўлди. Бош роллар Шукур Бурхонов ва Сора Эшонтўраевага берилган. Репетиция жараёнида нимагадир уларнинг иккиси ҳам образни режиссёр талаб қилган даражада ўйнай олишмасди. Режиссёр хайрон. Шунда кимсан, Шукур аканинг: «Нахотки, театр санъатини янглиш танлаган бўлсам? Нахотки, бу образни менга адашиб берган бўлишса?» дея афсус-надомат чекканига гувоҳ бўлганман. Ваҳоланки, шу вақтга қадар Шукур ака қанчадан-қанча роллари билан эл орасида танилиб улгурган салоҳиятли актёр эди. Бор-йўғи репетиция жараёнидаги битта муваффақиятсизлик учунгина забардаст актёр шунчалик даражада изтироб чекканидан биз, ёш актёрлар ажабланганмиз.

Замондош актёр ва актрисалар орасида ҳам марҳум Шукур акадай ўзига нисбатан талабчан, ижро услубидан қониқмайдиган ёшларимиз бўлса бордир. Аммо битта роли билан танилиб, кибр-ҳавога берилиб кетаётган, увновини пеш қилаётган ижодкор ёшларнинг борлиги хунук ҳодиса. Санъат соҳасига кириб келаётган ёшлар камтарлик либосини «кийсин», ҳаволалиб кетмасин, «Камтарга камол, манманга завол» деган нақл уларнинг ҳаёт мезонига айлансин.

Драматургиянинг ёки назм, насрдан оғирроқ. Шейр ёки хикоянинг баҳосини китобхон берса, драмани миллионлаб томошабинлар кўради. Шундай бўлгач, ҳозирги ўзбек драматургияси янгиланаётган Ўзбекистоннинг замонавий қаҳрамонини яратиши керак. Лекин намойиш этилаётган драматик асарлар кўпинча оилавий, маиший-ахлоқий мавзуда бўлиб қолаётгани ачинарли. Замон ўзгарди, ахир, халқимизнинг турмуш тарзи юксалди. Катта-катта ислоҳотлар бўлса-да, бу сахнага кўчмаяпти. Бунинг устига, драматурглар санокли. Ёзувчи-шоирлар жуда кўп, аммо драматик асар ёзадиганлар кам. Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари бунга ечим топиш ҳақида ўйлаб кўрса, ёмон бўлмасди.



## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:



- ✓ Теша Мўминов 1949 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топган.
- ✓ Театр ва кино санъатида 300 дан ортиқ образ яратган.
- ✓ 1992 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган.

«Mahalla» мухбири  
Хулкар КУЗМЕТОВА оқса кўчирди.

«Ўзбекистоннинг ноёб таомлари» танловига старт берилди.

# Бола нутқидаги

## НУҚСОНЛАРГА НИМА САБАБ БЎЛАДИ? МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

**Болалардаги нутқий камчиликларга, дудуқланиши ёки «тили чучуклиги»га доим ҳам эътибор беравермаймиз. Вақт ўтиши билан ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ўйлаймиз, аммо мана шу эътиборсизлик сабаб у бутун умр бахтсиз бўлиб қолиши мумкин. Сабаби бийрон, аниқ ва раво сўзлаш нафақат жисмонан соғломлик белгиси, балки бу катта маҳорат, санъат ҳамдир.**

### Нутқ бузилишининг нечта тури бор?

Ақлий жиҳатдан соғлом, эшитиши меъёрида бўлган боланинг нутқида қандайдир камчиликларнинг мавжудлигини уч ёшдан аниқласа бўлади. Лекин баъзан бу вақтдан эрта ёки кейинроқ юзга чиқадиган ҳоллар ҳам учрайди. Чунки нутқ секин-аста ва бир неча босқичда ривожланади.

Болаларда нутқ бузилишининг ўнга яқин тури мавжуд. Жумладан, нутқда баъзи товушларнинг йўқлиги ёки харфларнинг нотўғри талаффуз килиниши (бу одамлар орасида «тили чучуклик» деб ҳам аталади), бола ҳаддан ташқари тез гапиришга, фикрини тез баён этишга ҳаракат қилиши ёки бунинг акси, яъни фикрни баён этиши жуда секин кечиши ҳам нутқий хасталик ҳисобланади.

### Кучли қўркиш нутққа таъсир қиладими?

Ушбу хасталикларнинг келиб чиқишига биринчи сабаб — туғма ирсий нуқсонлар бўлиши мумкин. Ё бўлмаса, асаб тизими мустаҳкамлигини пасайтирувчи омиллар — кучли қўркув, рухий жароҳатланиш, хаяжонланиш ва турли таъсирлар туфайли келиб чиқади.

Шунингдек, унга ноҳақ айблов,

### МЕНДА САВОЛ БОР...

#### Нутқни ўстиришни қачондан бошлаш керак?

— Фарзандим 2 ёшга тўлиши арафасида. Бирок ҳали гапиришга қийналади. Айтиш-чи, бола нутқини ўстиришни қачондан бошлаш керак?

Дилнора МАХРАИМОВА,  
Тошкент шаҳри.

#### Бекзод САЛИМОВ, невропатолог, логопед:

— Болани гапиришга ўргатишни у дунёга келган кундан бошлаш даркор. Масалан, турли ҳолатларда у билан мулоқот а киришиш, аввал бошдан унга шеър, ҳикоя ва бошқаларни сўзлаб бериш, мусика-кўшиқларни эшиттириш мумкин. Тўғри, бошида сизга у ҳеч нарсани тушунмаётгандек туюлади. Аммо бу ҳаракатлар унинг тезроқ тилга кириши ва бийрон сўзлашишига туртки бўлади.

Кўпчилик болаларни суҳбатта чорлашда бир хатога йўл қўяди, яъни уларга кўп нарсаларнинг ўз номини айтмайди. Масалан, машинани «би-биб» ёки ёйиш, овқатланиш ўрнига «ням-ням» каби бошқа иборалар билан айтади. Бу эса болага бир нарсани икки марта тушунтириш заруратини пайдо қилади. Шунинг учун уларга доим кагталардек сўзлаш, ҳар бир нарсанинг номини аниқ ва донандона килиб тасвирлаш лозим.

кўпол ва ноўрин муомала, ҳаётинг муаммолар, яшаш шароитининг тўсатдан салбий томонга ўзгариши каби омиллар ҳам сабабчи бўлади. Баъзан нотўғри нутққа тақлид қилиш, ота-она, тарбиячи ёки бошқа кишилар талаффузидаги нуқсонлар, норасида ўғил-кизни меъёридан ортик китоб ўқишга ва ўқиган нарсаларини сўзлаб беришга мажбурлаш ҳам касалликнинг урчишига туртки бериши мумкин. Айрим болалар грипп, кўк йўтал каби хасталиклардан кейин ҳам шундай ахволга тушиб қолишади. Бундан ташқари, бошқа бир жиҳатлар ҳам нутқий камчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

### Қандай бартараф этиш мумкин?

Ҳар бир нуқсонни бартараф этиш учун махсус усуллар ишлаб чиқилган. Нутқни таҳрирлашни биргина мутахассис ёки ота-онанинг ўзи яққа ҳолда олиб боришининг самараси йўқ. Ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилсагина қутилган натижага эришиш мумкин.

Шу билан бирга, баъзи нутқий касалликларни даволашда шифокор кўмагига таянган маъқул. Бониси қайси товушларни талаффуз этишга қийналишини ҳисобга олган ҳолда, тил машқлари образли ўйин тарзида, сўз ўйинлари, тез айтиш, ритмик машқлар, ҳаракатли ўйинлар, мақоллардан фойдаланиш имкониятларини психологик жиҳатдан ўрганиш зарур.

Хусусан, харфга оид сўзлардан мати тузиш, топишмоқ ва тез айтиш-

дан фойдаланиш, расмлар орқали харфларга сўз тўқши услублари бола нутқини тўғрилашда муҳим омилдир. Ушбу машқлар билан ритмик машқлар мусика ёки кўшиқ айтиш орқали марш юришини ҳам мунтазам бажариш талаб этилади.

### Жарроҳлик амалиёти керакми?

Албатта, ушбу машқлари бажаришни мутахассис тавсияси билан бошлаш даркор. Сабаби боланинг нутқидаги камчиликнинг даражаси ва турига қараб булар тавсия этилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, кичик ёшдан оқ бола билан мулоқот қилиш, ўз ўрнида саволлар бериш, бармоқлар орқали машқлар қилдириш унинг нутқий фаолияти учун жуда фойдали. Айрим ҳолларда эса жарроҳлик амалиётини бажаришга тўғри келади. Агар боланинг танглай, лаб соҳаларида нуқсон мавжуд бўлса, шифокор тавсияси билан жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Тилости юган-часининг калталиги аниқланганда, бурун бўшлиғида ўсимта ёки полип туфайли манқаланиш кузатилганда, шифокорга муурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, фарзандингиз билан мулоқот қилиш, нутқини тўғри шакллантиришга уринишдан чарчаманг ва уларни ҳам чарчатиб, зериктириб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.

Нодира ҒОЗИЕВА,  
логопед-дефектолог.



# КОРОНАВИРУС

## ИНСУЛЬТГА

### Чалиниш хавфини оширади... (ми?)



### МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Инсулт хавфини икки баравар камайтиришнинг оддий усули топилди. Лозанна университети (Швейцария) олимларининг қайд этишича, ҳафтасига 1-2 марта кундузи озгина мизғиб олиш инсулт ва инфаркт хавфини қарийб 50 фоизга камайтиради.

Олимлар саккиз йил давомида 35-75 ёшдаги 3 минг 262 нафар беморни кузатишди. Амалиёт бошланишдан олдин уларнинг ҳеч бирида юраги билан боғлиқ муаммо бўлмаган. Бироқ тажриба давомида 155 кишига юрак-қон томир касалликлари ташхиси қўйилди. Уларни кузатиш натижасида куйидагилар аниқланди: ҳафтасига 1-2 марта кундузи мунтазам озгина ухлаб олган беморларда инфаркт ва инсулт сони куннинг ёруғ пайтида ухлаган одатланмаганларга қараганда 48 фоиз кам қайд этилган.

Шунга қўра, кундузи 30 дақиқа мизғиб олиш уйқуга тўймаслигининг ўрнини қоплайди, юрак-қон томир тизими ҳолатини яхшилайтиди ва иммун тизимига тушадиган юкломани камайтиради.



шига энг кўп қандли диабет, хилпирок аритмия, семизлик ва дислипидемия (қонда липидларнинг юқори даражаси) таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, гипертония (юқори қон босими) ҳар икки жинс вакиллари учун бир хил хавф туғдириши қайд этилган.

Қон босимининг ошиб кетиши инсултга олиб келувчи энг хатарли омиллардан биридир. 70 фоиз ҳолатда у инсултга сабаб бўлади. Чекиш ҳам инсулт ривожланишини икки баробарга оширади. Чекиш қон ивишини кучайтириб, тромблар ҳосил бўлишини тезлаштиради ва томирнинг ички деворини зарарлайди, томир торайиб, қон оқини суғлашиб бораверади. Ногўғри овқатланиш, кам ҳаракатлилик, кучли стресс ҳолати ҳам касаллик ривожланишига тўртки беради.

#### Оқибати оғир...

Инсултнинг оқибатлари хавфли кўриниш олиши мумкин. Жумладан, у узоқ муддатли комага, фалажликка, ақл ва хотирани йўқотишга олиб келиши кузатилган. Оғир ҳолатда

инсулт беморнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин.

#### Касалликнинг олдини олиш мумкинми?

Албатта. Инсултнинг олдини олиш қон босимини мунтазам равишда ўлчаш орқали амалга оширилади. Гипертония билан оғриган кишилар, айниқса, эҳтиёткор бўлишлари ва шифокор буюрган дори-дармонларни қабул қилиш, мунтазам жисмоний машқлар бажариш ва овқатланишга чекловлар киритиш каби тавсияларга амал қилишлари керак. Чекиш ҳамда алкоғолли ичимликлар ичишни тўхтатиш ва қонда қанд даражасини назорат қилиш касаллик ривожланиши эҳтимолини камайтиради.

Асосийси, қон босимининг доимий назорат қилсангиз, турли зарарли одатларни ташласангиз, инсулт сизни безовта қилмайди. Аслида инсултга чалинмаслик чораларини кўриш ҳар бир кишининг ўз қўлида. Фақат соғлиқнинг кадрига етиб, келажагингизга бефарқ бўлмасангиз кифоя.

Германиянинг «Нюрнберг» клиникаси неврология маркази мудири, немис олими Франк Эрбгутнинг қайд этишича, коронавирус инфекцияси инсулт ва эпилепсияга олиб келиши мумкин. Профессорнинг сўзларига қўра, аҳволи оғир беморларда инсулт, мия яллигланиши, бош айланиши ва ҳатто эпилепсия касаллигининг асоратлари сифатида пайдо бўлаётгани кузатилмоқда. Жумладан, Хитойнинг Ухань шаҳрида беморларнинг 36,4 фоизда неврологик асоратлар кузатилган.



Зухра НОРХЎЖАЕВА,  
олий тоифали шифокор.

Нью-Йоркдаги «Mount Sinai Health System» касалхоналар тармоғи шифокорларининг маълум қилишича эса, COVID-19 касаллигининг жиддий белгилари бўлмаган 30-40 ёшли одамларда инсултга сабаб бўлиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрига қўра, вирус қатта артерияларда қон ивишининг кучайишига олиб келади, бу эса қонда тромб тўпланишига сабаб бўлади. Натижа эса инсулт билан тугайди. Шифокорлар сўнгги икки ҳафта ичида ёш беморлар орасида тўсатдан инсултга чалинганлар сони етти баравар ошганини қайд этишди. Ваҳоланки, ушбу беморларда коронавирустинг жиддий аломатлари йўқ эди ва улар уйда даволаштиётган эди.

Ҳўш, юқоридаги тадқиқотларда тилга олинган инсултнинг қандай хавфли жиҳатлари бор? Унинг яширин белгиларини қандай аниқлаш мумкин? Болаларда кузатилаётган инсултга нима сабаб бўлмоқда? Инсултнинг оғир ҳолати ўлимга олиб келадими?

#### Касаллик белгилари ҳеч қандай оғрик бермайди

Инсулт — мияда қон айланишининг кескин бузилишидир. У икки хил: ишемик ва геморагик бўлади. Ишемик инсултда мияни кислород билан таъминлаб турувчи қон томirlарининг торайиши ёки уларда қон ивиб, тиклиб қолиши, яъни тромб ҳосил бўлиши кузатилади. Геморагик инсултда эса худди ўша қон томirlар ёрилиб кетади. Статистик маълумотларга қараганда, ишемик инсулт геморагик инсултга қараганда 8-9 марта кўп учрайди.

Умуман олганда, тўсатдан заифлик, уйқусизлик, юз мушакларининг фалажлари (одатда тананинг бир

томонида), нуткни йўқотиш, бир ёки ҳар иккала кўзнинг қўра олиш қобилияти бузилиши, бош айланиши ва ўткир бош оғриги, мувозанат йўқолиши ва юришнинг кескин бузилиши инсултнинг асосий белгилари саналади. Инсултда деярли ҳеч қандай оғрик бўлмайди. Юрак ҳам, бош ҳам оғримайди. Бош мия томирларида патологик жараёнлар бир маромда давом этаверади.

Мутахассислар, аввало, қўл ва оёқнинг увишиб қолишига беларво бўлмасликка чакиради. Чунки қўл ва оёқнинг бири ёки уларнинг чап ёки ўнг томонларида кучсизлик сезилиши — инсулт ёки мияга қон қуйилишининг илк белгиларидир. Баъзан бутунлай ҳаракатдан қолиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Шунингдек, нутк бузилиб, сўзлаш қийинлашади, юзда ассиметрия пайдо бўлиб, оғиз чети қимирамайди, ҳатто нутк бутунлай йўқолиши ҳам мумкин. Энг ёмони, ушбу аломатлар бир пайдо бўлиб, бир йўқолиб туради. Одатда инсултда бу белгилар узоқ вақт сақланади.

#### Қандай омиллар инсултга олиб келади?

Мордовия давлат миллий тадқиқот университети олимлари эркаклар ва аёлларда инсулт ривожланиши хавфини оширувчи омилларни маълум қилишди.

Таъкидланишича, эркакларда кўпинча атеросклероз (артерияларнинг сурункали касаллиги), тамаки чекиш, ичкиликбозлик, метаболик синдром (организм фаолиятидаги семиришга олиб келувчи комплекс бузилишлар) ва кам ҳаракатчанлик инсулт ривожланиши хавфини туғдирувчи омиллар ҳисобланади. Аёлларда эса инсулт ривожлани-

Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятлари коронавирусдан холи ҳудудларга айланди.

# Рўзадорнинг иродаси қандай

## мустаҳкам бўлади?

Рўза — муқаддас ислом динининг асосий рўқнларидан ҳисобланган улуғ ибодатдир. Ойлар султони бўлган рамазон очлик, ташналик, нафсни қийнаш билан Аллоҳ таолога қурбат, тақво ҳосил қилинадиган буюк ойдир. Аллоҳ таоло «Бақара» сурасининг 183-оятида марҳамат қилади: «Эй, имон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсангиз». Ушбу ояти карима билан динимизнинг бешта асосий устунларидан бири бўлган рамазон рўзаси фарз бўлди.

### «Рўза тутинглар, соғлом бўласизлар»

Рўза тутувчи мўмин-мусулмонлар бу муқаддас ой киргани билан бир-бирларини табриклайдилар. Чунки бу ой биз учун йил давомида ҳар куни ўқиган беш вақт намозларимиз туфайли ҳам, бошқа ибодат ва хайру садақаларимиз туфайли ҳам кечирилмай қолган гуноҳларимизни мағфират қилишини Аллоҳ таолодан сўраб олишимиз учун бериладиган имкониятдир.

Расулulloҳ (с.а.в.): «**Кимки рамазон рўзасини имон-этиқод ва Аллоҳдан савоб умид қилиб тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилиб юборилади**» — дедилар (Бухорий ривояти).

Рамазони шариф ойларнинг султони, чунки бу ойда Куръони карим нозил бўлган. Бу ой Куръон ойи, тақво ва таваб ойи, раҳмат ва шафқат ойи, барака ва савоб ойи, мағфират ва дўзахдан озод бўладиган ой, гуноҳлар ювиладиган ойдир.

Рўза — улкан одоб-ахлоқ ойи ҳамдир. Унда мўмин киши кўпгина ҳислатларга эга бўлади. Рўза — нафс балосига қарши жиҳоддир. У туфайли инсон ўзидан ман қилинган нарсаларга сабр қилишга ўрганади. Рўза — сабр мактаби бўлиб, киши рўза орқали ҳаётда дуч келадиган машаққатларга чидашга одат қилади.

Рўзанинг яна бир муҳим хикматларидан бири — у туфайли рўзадор саломатлигини тиклаб олади. Пайгамбаримиз (с.а.в.): «**Рўза тутинглар, соғлом бўласизлар**», — деганлар. Замонамиз олимлари ҳам рўза турли касалликлардан халос этиши билан бирга, киши баданида тўпланиб қолган турли кераксиз моддалар, ёғлар, тузлар ва бошқа нарсаларни ҳам кетказишини тасдиқлайди. Умуман олганда, жигар, сарик, бавосил, бронхит, бронхал астма, аллергия, экзема, қанда, саратон, тутканок, склероз, ўпка, камқонлик, ичак касалликларига рўзанинг жуда фойдали эканини илмий равишда тиббиёт олимлари

### Жаннат эшиклари очилади

Рамазон рўзаси фарз бўлишидан аввал ҳам Пайгамбаримиз (с.а.в.) ўз ихтиёрлари билан ҳар ойда уч кун рўза тутар, муҳаррам ойининг ўнинчи кунининг рўзасини ҳам адо этардилар. Абу Хурайра (р.а.) дан ривоят қилинади: «Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: «Сизларга муборак рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла унинг рўзасини тутмоқликни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилади. Унда жаҳаннамнинг эшиклари ёпилади. Унда шайтонлар кишанбанд қилинади. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг ойдан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқиқ (жуда кўп нарсдан) маҳрум қолибди» — дедилар (Насоий ва Байҳақий ривояти).

Жаннат эшикларининг ланг очилишидан мурод шу ойда тоат-ибодатлар кўп бўлади. Бу ойда гуноҳ ва ҳаттолар бошқа ойларга нисбатан кескин камайгани сабаб дўзах эшиклари ёпилади. Мусулмонлар қалбида имон учкунлари уйғонганидан дўзах эшиклари қулфланади. Шайтонларнинг заңжирбанд бўлишидан мурод эса улар бу улуғ ойнинг фазилатларидан мусулмонларни васваса қила олмайди, чалғита олмайди, бунга кучи етмай қолади. Илло, рўза ибодати бандаларга руҳий ғизо бўлади. Овқат танга озука бўлгани каби рўза ҳам руҳга озука беради. Киши овқат эмаса яшаш мумкин бўлмаганидек, мўминнинг руҳи ҳам рўзасиз яшай олмайди.

ДАРВОҚЕ...

### РЎЗАНИНГ ТУРЛАРИ БОРМИ?

Шариатимизга кўра, рўза икки хил бўлади: мажбурий тутиладиган фарзу вожиб рўза ва ихтиёрий тутиладиган нафл рўза.

Мажбурий тутиладиган фарзу вожиб рўзаларга Рамазон ойининг рўзаси, каффуратлар учун тутиладиган рўзалар ва назр қилинганда тутиладиган рўзалар қиради. Ихтиёрий тутиладиган нафл рўзаларга эса Шавбон, Шаввол ва Муҳаррам ойларида тутиладиган рўзалар, шуниингдек, Зулқайда, Зулқижжа ва Ражаб ойларида тутиладиган рўзалар қиради. Ҳафтанинг ҳар душанба ва пайшанба кунлари, ойнинг ўртасида уч кун тутиладиган рўзалар ҳам ихтиёрийдир.

ҳам исботлаган.

### Фаришталар каби сифатланади

Рўза тутган киши рўза ибодати туфайли фаришталар сифати билан сифатланади. Маълумки, емаслик, ичмаслик, шаҳвоний ҳирсининг йўқлиги, доимо тоат-ибодатда, итоатда бўлишлик фаришталар сифатидир. Рўза тутган инсон эрта тонг сахардан куёш ботгунча шу фаришталар сифатлари билан сифатланиб туради. Бундай кишининг иродаси мустаҳкам бўлади, раҳм-шафқат сифатлари кучаяди, сабр-бардошга ўрганади, калби мусаффо бўлади.

Рўзанинг фойдаларидан яна бири — шайтони лаъинга қаҳр кўрсатишидир. Шайтон инсон боласини яхшиликдан қайтариб, ёмонликка бошлаб туради. Инсон ёмонликка юрса, шайтон алайҳиллаъна хурсанд бўлади. Агар у яхшилик томон юз буриб, Аллоҳ таолонинг амрини бажо келтирса, шайтони лаъин хафа

бўлади. Рўза ибодатини қилган инсон ёмонликлардан қайтиши ва Аллоҳ таолога тақво қилиши билан шайтонга қаҳр кўрсатади.

Шу ўринда муҳим бир жиҳатни таъкидлаш керак: бу йил Рамазон ойида суннат бўлган Таровех намозлари уйда ўқияпти. Ҳатми Куръонлар телеведение орқали олиб берилмоқда. Албатта, бу бугунги синовили кунларимиз билан боғлиқ. Ана шундай бир вазиятда ҳар йили ташкил қилинадиган кўп кишилик ифторлик зиёфатларига сарф этадиган маблағимизни муҳтожларга эҳсон қилишимиз энг мақбул йўл бўлади. Зеро, ифторликдан мурод — эҳсондир. Қолаверса, бу муқобил кўринишлар билан ҳам мақсад ҳосил бўлади, қийналган оилаларга хурсандчилик улашилади.



Илхон  
БЕКМИРЗАЕВ,  
Ўзбекистон  
Халқаро ислом  
академияси доценти.

# ДУНЁ ҒАЛЛА

## бозоридаги таҳликалар асослими?

Коронавирус пандемиясининг кенг тарқалиши озиқ-овқат захиралари ва нарх-наволар ошиши борасидаги хавотирларни кучайтириб юборди. Айниқса, Россиянинг жорий йил 1 июлгача ғалла экспорт қилишни тўхтатиш тўғрисидаги қарори дон нархининг кўтарилишига олиб келиши мумкин.

Аввалроқ Россия ҳукумати Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлмаган мамлакатларга дон маҳсулотлари экспорт қилишга 1 апрелдан 30 июнгача 7 миллион тонна миқдорда квота ўрнатган эди. Энди эса 2020 йилнинг 1 июлгача ғалла экспорт қилишни тўхтатилади. Ҳукуматнинг маълум қилишича, ушбу квота муддатидан олдин тугаб бўлди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги баёнотида айтилишича, чеклов чораси дон маҳсулотлари нархини барқарорлаштириш ва мамлакатнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган ички талабини қондириш имкони беради.

### Русларнинг қарори нархларга таъсир қиладими?

Россиянинг дон экспортига квотаси режадагидан икки ой олдин тугамакда. 10 йилдан бери биринчи марта

Дунёда дон захиралари ҳозирча етарли, аммо ўтмишдаги, айниқса, «Араб баҳори» даврида кузатишган тақчиллик эсга олинаётган бир шароитда озиқ-овқат захиралари юзасидан баҳсу мунозаралар авж олди. БМТ ва Европа Иттифоқи яна ижтимоий ва сиёсий тартибсизликлар таҳдиди ошиб бораётганини айтмоқда, негаки, пандемия чекловлари норозиликни кучайтирмоқда. Шу боис улар озиқ-овқат хавфсизлигига зарба берадиган ва нархлар ўсишини келтириб чиқарадиган асоссиз чораларга қўл урмасликка чақирмоқда.

Россиянинг бугдой экспортига тақий қўйиши ЕИ ва АҚШ каби рақобатчиларга қўл келади. Фурсатдан фойдаланиб, улар ташқи дунёга қўлай нархларда бугдой экспортини ошириб олади. Европа Иттифоқидан харидни ошириш қўйлаётган мамлакатлардан бири Миср ҳисобланади. Бугдойнинг бу йирик харидори пандемия шароитида аҳолини етарли даражадаги ун билан таъминлаш ва улкан захиралар яратиш учун катта миқдорда бугдой сотиб олди. Аҳолисининг катта қисми кашшоқликда яшайдиган Шимолий Африканинг бу мамлақати Қора денгиз минтақаси мамлакатларидан тортиб Франция бугдойини қўлай нархларда харид қилди.

Албатта, талабнинг ошиши номақбул бир пайтда Европа захираларини ҳам қуритиб юборади. Чунки қурғоқчилик бўлиш хавфи бутун минтақа бўйлаб ҳосил унумдорлигини савол остига қўяди. Агар Қора денгиз соҳилларидаги вазият янада ёмонлашса, яқин пайтларда бутун дунё донни янада фаол ғамлашга киришади.

Боз устига, энергетика бозоридаги нарх ҳалокати даромадини, асосан, нефть экспортидан оладиган Жазоир ва Нигерия каби дон сотиб оладиган давлатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Россия — бугдой, арпа ва жавдар етиштириш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлардан бири. Доннинг барча турларини ҳисобга олган ҳолда Россия йилига 120 миллион тонна атрофида дон маҳсулотлари етиштиради. Унинг 85 миллион тоннаси бугдой ҳиссасига тўғри келади. Аммо шунда ҳам Россия жаҳон бозорида учинчи ё тўртинчи ўринда туради. Ғарб эса аллақачон нон тақчиллиги каби таҳдиддан халос бўлган. Хўш, унда бу хавотирларга қандай асос бор?

«Хавотирлар нархлар ўсиши ва очлик таҳдиди билан боғлиқ. Мен бир нарсаяга эътиборни қаратмоқчиман, умуман, бу йил жаҳонда бугдой ҳосили ажойиб бўлган, ҳеч ҳам оз эмас. Шундай экан, очлик ва бугдой тақчиллиги таҳдиддан қўрқмасак бўлади.» — дейди Россия аграр бозорлари бўйича мутахассис, иқтисодчи Евгения Серова.

Таҳлилчилар фикрича, Россиянинг ўзида ҳам кийинчиликлар туғилиши мумкин. Уларнинг башоратларига қўра, бу йилги рус бугдойи ҳосили қурғоқчилик туғайли 60 миллион тоннага етиши мумкин, лекин фақатгина ички бозордаги талабни қондириш учун камида 80 миллион тонна бугдой керак. Аммо таҳлилчилар Россия нон тақчиллигига юз тутмайди, дейди. Чунки Россия бугдойини ғамлаб қўйган. Бугунги кунда оморда ғамланган бугдойнинг умумий миқдори 40-50 миллион тоннага тенг, бу башорат қилинган ҳосил билан қўшилганда бир йил учун етарли.

Аммо озиқ-овқатлар нархи ўсишидан, асосан, ривожланаётган мамлакатлар жабр кўриши мумкин. Бу давлатларда оилавий бюджетнинг катта қисми озиқ-овқатга сарфланади. Масалан, Жанубий Африка давлатларида шу йил бошидан бери нон нархи 30 фоизга ошган. Айни вақтда мисли қўрилмаган қурғоқчилик бўлиши тахмин қилинапти, бу эса экспортчи давлатларнинг қишлоқ хўжалиги, жумладан, ғалла ҳосилига ниҳоятда катта зиён етказди. Ошиб бораётган нарх-наволар эса дунёнинг қатор давлатларида, айниқса, яхши замонларда ҳам қорни тўйиб овқат емайдиган кашшоқ мамлакатларда норозиликларга сабаб бўлиши мумкин. Япониядаги йирик сарможа компанияси вакилларининг айтишича, биз нарх-наволарнинг келаси бир неча йилгача чўзилиши мумкин бўлган яна бир сакраши арафасида турибмиз.

### Ўзбекистондаги вазият қандай?

Бизни кизиктирадиган омиш Ўзбекистон. Хўш, мамлакатимизда бу боралдаги ахвол қандай? Яқинда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакиллари баёнот бериб, Ўзбекистонда ғалла ва дон тақчиллиги кузатилмаслиги, мамлакатда узок муддатга етилган дон захиралари мавжудлигини эътироф этинди. Чунки Ўзбекистон катта миқдорда дон етиштирадиган кучли 30 та мамлакат қаторидан ўрин олган.

1991 йилда юртимизда 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда жами хирмон 6 миллион тоннадан ошди. Ушбу рақамларни муқояса қилганда, мустақиллик йилларида дон маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробардан ортиқ, ҳосилдорлик эса 3 қаррадан кўпроқ ошгани аён бўлади.

Сир эмас, жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортиб бораётир. Қурғоқчилик ва табиий офатлар оқибатида қишлоқ хўжалиги соҳасида жиддий муаммолар юзага келаётир. Ҳуеусан, ғаллачиликда ҳосилдорлик кескин камайиб, дон тақчиллиги кузатилмоқда. Бу нон ва дон маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Минг шукрки, мамлакатимизда тўқинлик, мўл-кўлчилик, арзончилик барқарор. Бу мамлакатимиз раҳбариятининг халқ фаровонлигини юксалтириш, нарх барқарорлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг, бободоҳконларимиз фидокорона меҳнатининг самарасидир. Бир сўз билан айтганда, хавотирга тушишга асос йўқ. Ўзбекистонда нафақат бугдой, балки бошқа озиқ-овқат захиралари ҳам мўл-кўл. Асосийси ваҳимага тушмаслик.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.



Жанубий Африка давлатларида шу йил бошидан бери нон нархи 30 фоизга ошган. Айни вақтда мисли қўрилмаган қурғоқчилик бўлиши тахмин қилинапти, бу эса экспортчи давлатларнинг қишлоқ хўжалиги, жумладан, ғалла ҳосилига ниҳоятда катта зиён етказди.



дунё Россия бугдойисиз қолиш хавфи остида. Энди мамлакатдан охириги шартнома доирасидаги бугдой партияси кетгандан кейин собик иттифоқ худудидаги 4 та мамлакатдан бошқасига бугдой етказиб бериш тўхтатилади. Экспорт тақий фермерлар янги ҳосилни йиғишни бошлайдиган июль ойигача сақланиб қолади.

### Хавотирларга қандай асос бор?

Ҳозир энг катта захира АҚШ ихтиёрида, бу эса Америка савдоси ўсишига хизмат қилади. Аммо ташқи савдо оқимларини прогнозлаш қийин масала, чунки коронавирус билан боғлиқ вазият қандай ривожланишини билмай-

Жамоавий спорт турлари ҳақида сўз кетса, дарҳол футболчиларимизнинг «мағлубиятлар серияси» тилга олинади. Футбол бўйича яхши натижаларни қўлга киритиш рўё эканини ақлимиз таъкидлаб турса-да, қалбдаги умид сабаб ғалабани кутаверамиз, муҳлислик қилаверамиз, миллиардлаб пул сарфлайверамиз. Нимага? Чунки футболдан бошқа муҳлислик қиладиган жамоавий спорт турларидан аксариятимиз хабардор эмасмиз. Уларнинг тақдири нима кечаётгани билан эса қизиқмаймиз.



# ВОЛЕЙБОЛ

## фақат мактаблар учунми?

Ёхуд шароит яратмасдан натижа кутиш қанчалик адолатли?

Биргина мисол: волейбол, баскетбол, гандбол каби спорт турлари бўйича ҳам Ўзбекистонда клублар борлигидан хабардормисиз? Уларни фақатгина маълум доиралар: шу спорт турларига кизикувчи санокли муҳлис ва мутахассислар билишади, қўллаб-қувватлайди ва кузатишади.

Волейболни олайлик, бу спорт тури бўйича Ўзбекистонда олий лига ташкил этилган. Ўйирмадан зиёд клубларимиз бор. Уларни деярли ҳеч ким билмайди. Бойси биз волейболни фақат таълим муассасаларида жисмоний тарбия фанида ўйналдиган спорт тури сифатида биламиз, холос. Хўш, аслида вазият қандай? Юртимизда бу спорт тури нега оммалашмаган? Муаммо ва камчиликлар нималардан иборат? Ечимлари борми?

### Федерация нега санкцияга тушди?

1992 йилдан буён Ўзбекистонда волейбол федерацияси фаолият юритади. Боз устига, у ташкил этилган йиллик

Осиё волейбол конфедерациясига аъзо бўлган. Орадан шунча вақт ўтди. Бироқ нима учун волейбол хануз оммабошлик касб этмади? Турли даражадаги мусобақаларда ўзбек волейбол клублари қатнашяптими?

Маълумотларга кўра, Осиё волейбол конфедерацияси юртимиз шарафини химоя қиладиган аёллар ва эркеклар волейбол терма жамоаларига 2017-2019 йиллар оралиғида китъадаги 4 та йирик турнирга қатнашиш учун таклиф юборади. Афсуски, турли сабаблар билан вакилларимиз мусобақаларда иштирок этмайди.

Натижада конфедерация Ўзбекистон волейбол федерациясига санкция қўллабди. Волейболчиларимиз икки йил мобайнида Осиё ва жаҳон чемпионати, Олимпиада ўйинлари саралаш баҳсларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Ўша кезларда ҳеч ким бунинг сабаб ва оқибатлари билан қизиқмайди. Фақатгина 2019 йил 1 ноябрда федерация раҳбарияти ўзгарганига бу масалага эътибор қаратилди. Масъуллар саъй-ҳаракати билан санкция юмшатилади.

### Ўзбекистонда малакали волейболчилар йўқми?

Узоққа бормаймиз, шунчаки 2019 йилги натижаларга бир қур назар ташлаймиз. Ўтган йилнинг 19-25 август кунлари Непаль пойтахти Катманду шаҳрида волейбол бўйича эркеклар ўртасида Марказий ва Жанубий Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда волейболчиларимиз кумуш медалга эгаллик қилишди. Афсуски, вакилларимиз финалда киргизистонлик рақибларига имкониятни бой берди. Шунингдек, пойтахтимиз халқаро турнирга мезбонлик қил

ди ва спортчиларимиз ғолиб бўлишди. Демак, бизда ҳам тажрибали мураббийлар, маҳоратли ўйинчилар бор.

Унда гап нимада? Нега волейбол бўйича омадли юришлар давомийлик касб этмайпти? Бу жамоавий спорт турининг ривожланишига нималар тўсиқ бўляпти? Ташқаридан қараганда, бизда волейбол ривожланмапти, дейиш мумкин. Аслида ичкарида қандай гаплар бор?

— Бугун миллий терма жамоамизга номзод волейболчилар сонини ортиб бормоқда, — дейди миллий терма жамоа боши мураббийи Карим Раҳимқулов. — Айни пайтда 1993-2000 йиллар оралиғида таваллуф топган йигитлар орасида иқтидорли ўйинчиларимиз жуда кўп. Бу авлод келгусида ишончли ғалабаларни бемалол қўлга кирита олади. Фақатгина уларга етарлича шарт-шароит яратиб берилиши лозим. Бироқ шу кунгача бу масалага унчалик ҳам эътибор қаратилмаётгани. Хусусан, Непалдаги мусобақага етиб борган кунимизнинг ўзида биринчи ўйинни ўтказдик. Аслида бундай турнирларга бир неча кун олдин бориш керак, бироқ... Ўйинчилар ҳали муҳитга мослашиб улгурмай, майдон ҳароратини ҳис қилмай, қолаверса, йўл толиқиши билан баҳсларга киришади. Спортчи ҳар нарсасига тайёр туриши керак, аммо бу ирода доим ҳам ўзини оқтайвермайди-да...

### Шароит яратмасдан натижа кутиш мумкинми?

Ҳар қандай спорт турида тажриба ошириб бориш лозим. Агар у бойитиб бориш керак, бир жойда қотиб қолса, ўйинчиларнинг халқаро майдондаги иштироки кетма-кет мағлубиятлар билан яқунланади. Афсуски, волейболчиларимизнинг хоризда ўқув-йигин машғулотлари олиб бориши у ёқда турсин, ўзимизда ҳам тайинли шуғулланиши учун шароитлар мавжуд эмас. Мисол учун, Непалдаги ўша мусобақага тайёргарлик бир ой жазирама иссиқда кечган!

Энг оғриклиси, терма жамоамиз китъа миқёсидаги қатта мусобақада қатнашаётган бир вақтда мураббийлар штаби тўлиқ ҳолатда эмас эди. Бойси уларга берилдиган ойлик маоши жуда кам. Шунинг учун мураббийлар штабида ходимлар кўнимсизлиги кўп кузатилади. Юртимизда волейбол профессионаллари бор, улар ҳатто 5-6 нафар мутахассис ўрнини бошишади. Бироқ уларни қадрламаймиз, дилини ўртаётган, спортни ривожлантириш бўйича билдирмокчи бўлган таклифларини эшитмаймиз.


— Маълумки, спортчи алоҳида овқатланиш рақибига амал қилиши керак, — дейди волейболчи Илёс Махмудов. — Бу унинг майдонда қандай ўйин кўрсатишига ҳам таъсир қилади. Аммо шу кунгача волейболчиларимизнинг на овқатланиш рақибига, на кийим-кечага масаласи ҳеч кимни қизиқтирмади. Спортчиларимизнинг юқори марраларни забот этиши, уларни тантанали кутиб олиш маросимлари анъана тусига қираётгани қувонarli. Лекин волейболчиларимизнинг 2019 йилдаги ютуғини ҳеч ким «назар»га илмади. Ўйинчи ва мураббийларнинг кўнгли учун, ақалли, бир энли қозғоқ — диплом ёки фахрий ёрликни раво кўришмади.

### Вазиятни ўнглаш мумкин, агар...

Биз хозирги вазиятга кўзгу тутдик, холос. Хўш, уни ўнглаш учун нима қилмок керак? Аввало, ҳар бир вилоятда волейбол спорт клублари, қолаверса, шу спорт турига кизикувчилар учун жамоавий спорт мажмуалари барпо этилиши керак. Спортчиларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрлай оладиган мураббийлар штаби тўлиқ таркибда шакллантирилиши шарт. Спортчиларнинг тажриба оширишлари учун шароит яратилиши лозим.

Агар бу масалалар ижобий ҳал этилса, яқин йилларда волейбол ҳам юртимизда оммабоп спорт турига айланади, волейболчиларимиз эса китъа етакчилари Эрон, Япония, Хитой, Жанубий Корея жамоаларига қарши бемалол кураш олиб бора олашади. Зеро, спортчиларимизда бунинг учун барча имкониятлар бор.


Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»



### ДАРВОҚЕ...

Волейболга 1895 йилда АҚШда Вильям Морган томонидан асос солинган. «Волейбол» сўзи «парвоз қилувчи тўп» маъносини англатади. Жаҳудо волейбол федерациясига 209 дан ортиқ мамлакат аъзо. Бу спорт тури 1964 йилдан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган, 1949 йилдан жаҳон биринчиликлари ўтказилади.

# ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТИББИЁТ ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНГАН?



“

**А**мир Темури ва темурийлар даврида табобат илмига, даволаш, орасталик ишла-рига, бу соҳадаги қурилиш-ларга катта аҳамият берилган. Тарихий манбаларда Соҳибқирон Хитойга юриши даврида касал бўлиб қолгани-да шахсий табиби Мавлоно Фазлulloҳ Табризий давола-гани келтирилган.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фасих Хавафийнинг «Мужмали Фасихий», Хондамирнинг «Хулосат ал-ахбор» ва бошқа асарларида келтирилган маълумотларга кўра, ўша давр шифохоналарида мадраса ва бошқа ўқув юртларида билим олган юзлаб табиблар ишлаган. Бу даврнинг етук шифокорлари шифохоналарда беморларни даволаш баробарида мадраса-ларда муаллимлик ҳам қилган.

Темурийлар даври табибларининг баъзилари ажойиб шеърлар ва ўзидан аввал ўтган олимларнинг тиббиётга оид асарларига араб, форс ва туркий тилларда шарҳлар ёзган. Амир Темури саройида Мавлоно Иззаддин Масъуд Шерозий ва Мавлоно Фаррух каби машхур табиблар хизмат қилишган.

## Эркаклар ва аёллар учун шифохоналар алоҳида бўлганми?

Хиротда Умаршайх Мирзонинг хотини бўлган Махди улё Милкат оға қурдирган «Доруш-шифо» машхур эди. Темурийлар даврида бу каби шифохоналар қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Эътиборлиси, аёллар ва эркаклар учун алоҳида шифо масканлари Мовароуннахрнинг деярли барча шаҳарларида бўлган.

Амир Темури ва темурийлар даври-да орасталик ҳамда озодаликка катта эътибор берилган. Бунинг Соҳибқирон-нинг ўз аскарларига қўллаган чора-тадбирлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Юртимиз музейлари экспо-


зиция залларида айнан темурийлар даври аскарларининг ўзига тегишли бўлган идиш-товоклари намойиш этилган. Амир Темури ҳар бир жанг олдида аскарларининг соғлигини текшириб, уларнинг ўзигагина тегиш-ли бўлган шахсий буюмлари билан қуролланишини назорат қилган.

Бундан ташқари, Соҳибқирон келин танлашга алоҳида эътибор берган. Чунки келинлар насл давом этирувчи эканини инобатга олган ҳолда, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғломлик-ларини алоҳида текширган.

## Тозаликка катта аҳамият берилган

Халқни ичимлик сув билан таъ-минлаш учун кўпгина ҳовуз, канал, ариқлар қазилган. Тарихий манбалар-да келтирилган маълумотларга кўра, Амир Темури ва темурийлар даврида юкумли касалликлар тез-тез тарқаб турар эди. Бунинг олдини олиш учун керакли чоралар кўрилган. Хусусан, тозаликка катта аҳамият берилган, айниқса, ариқ ва ҳовуздадаги сувлар ниҳоятда тоза тутилган.

Темурийлар даври табобатида, асо-сан, Ибн Сино кўрсатмаларига риоя қилинган. Табиблар асарлар ҳам би-тишган. Жумладан, Амир Темурининг набираси Пир Муҳаммад Баходирга бағишланган «Инсон анатомиясига оид рисола» асари муқаддимасида одам танасининг турли аззолари, жумладан, суяк, асаб, мускуллар ва кон томирлар тасвирланган. Тему-



рийлар даври табобат илмига оид адабиётлар ўрганилар экан, уларда, асосан, инсон руҳияти, анатомияси ва кон томирларига оид касалликлар ёзилганлигини айтиш мумкин.

Маълумки, Ибн Синонинг «Тиб қонуна-лари» ва ундан кейинги тиббий асарлар араб тилида ёзилган. Тему-рийлар даврида эса тиббий асарлар Мовароуннахр ва Хуросонда ёзилгани сабабли форс тилида эди. Худди шу даврлардан илмий атамаларга маҳаллий ўсимлик ва дориларнинг форс тилидаги номлари ҳам киритили бошланган. Ай-нан темурийлар даврида «Тиб қонуна-ри»нинг турли қисмларига қўллаб шарҳлар, қисқартмалар ёзилган.

## Захарни аниқлаб берган идишлар

Шунингдек, темурийлар даврида шаҳодалар учун ясалган идишлар-нинг қандай металлдан ясалишига ҳам эътибор қаратилган. Ана шундай буюмлар сирасига нефритни киритиш мумкин. Маълумки, нефрит тоши-нинг қелиб чиқиши X асрда Хитойга бориб тақалади. Хитойликлар уни «ғалаба тоши» деб тақиб юришган. Нефритнинг оқ, яшил, қора ранглари бизга маълум. Биз маълумот бермоқ-чи бўлган нефрит пиёлалар темурий шаҳзода Мирзо Улуғбекка тегишли бўлиб, ҳозирда у Буюк Британия му-зейида сақланмоқда. Бу пиёлаларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, шаҳодаларни ташқи хавфдан химоя-лаш мақсадида ҳам фойдаланилган. Яъни нефрит пиёлалар заҳарни фош қилиш хусусиятига эга бўлган. Агар пиёлаларга заҳар солингудек бўлса, уларнинг ранги ўзгарган.

## Шифокорлар қанча маош олишган?

Амир Темури даврида тиббиёт фани юксак даражага кўтарилган эдики, у вақтда ҳагто ўлган одам жасадини балзамлаш усулини ҳам билишган.

Масалан, Соҳибқироннинг набираси Муҳаммад Султоннинг қабри очиб қў-рилганда, унинг жасади мўминлангани аниқланган. Қабрга турли хушбўй доривор моддалар сепилган экан. Шунингдек, қабрдан райхон барглари-нинг қолдиғи топилган.

Соҳибқирон илм аҳлини қўллаб-қувватлаган, турли фанлар, айниқса, амалий аҳамиятга эга йўналишларни ривожлантириш тарафдори бўлган. Амир Темури ўз замонасидаги ижтимоий гуруҳларни 12 тоифага бўлган. Шулар қаторида табиблар, мунажжимлар, муҳандислар бир тоифага киритилган. Уларни саптанатга ривож берувчи, деб атаган. Шифохоналарда ишловчи та-библарга яхши маош тўланган. Темури-нинг махсус фармони билан уларнинг маоши олимлар, мунажжимлар, тарих-навислар ва муҳаддисларнинг маошига тенглаштирилган.

## Ҳам жисм, ҳам рух даволанган

Юқоридаги маълумотлардан кў-риниб турибдики, Амир Темури ва темурийлар даврида барча соҳалар кенг ривожлангани каби тиббиёт илми ҳам жадал ривожланган. Табиблардан инсонларни дори-дармон, шифобахш гиёҳлар ёрдамида даволаш билан бир қаторда, уларни ваҳимага солиб қўй-маслик учун руҳий томонлама даволаш йўллари қўллаш ҳам талаб қилинган. Бу эса ўша пайтдаги шифохоналарда китоблар мутолааси, халислар ўқиш орқали амалга оширилган.

Тарихнинг барча давларида инсониятга Аллоҳ томонидан турли касалликлар синов тариқасида берил-ган. Бундай ҳолатларда ҳар бир инсон ўз кечималари, ҳаётларини фикрлаб, келгусида уларни такрорламаслик ва хали қиладиган эзгу ишларига тўлиқ ишонган ҳолда бардавом бўлиши талаб этилади.

Дилфазул ҚУРБОНОВА,  
тарих фанлари доктори.

## ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2017 йил 16 августда 733-сон рақам билан рўйхатга олинган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши (ИНН: 207260394), Бектемир (ИНН: 207260600), Миробод (ИНН: 207260410), Мирзо Улуғбек (ИНН: 207260728), Олмазор ) ИНН: 207260774), Сергели (ИНН: 207260427), Учтепа (ИНН: 207260814), Чилонзор (ИНН: 207260695), Шайхонтохур (ИНН: 207260688), Юнусо-бод (ИНН: 207260799), Яккасарой (ИНН: 207260711), Яшнобод (ИНН: 207263439) туманлари кенгашлари

## ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиккан кундан бошлаб икки ой муддат ичида Тош-кент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй манзилида қабул қилинади.

Телефон: (71) 239-16-65

**МОЛИЯ** Асосий ставка пасайса, аввал олинган кредит устамаси ҳам камайдими?

— Маълумки, Марказий банк асосий ставкаси пасайтирилди. Бунга қайси омиллар сабаб бўлди? Бу вазиятда аввалги олинган кредитлар устамаси ҳам пасаядими?

Тоҳир ЭШМАТОВ. Сурхондарё вилояти.

**Акмал НАЗАРОВ,**  
Марказий банк масъул ходими:  
— Дарҳақиқат, Марказий банк Бошқаруви-нинг жорий йил 14 апрелдаги навбатдан ташқари йнгилишида асосий ставка 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 15 фоиз даражасида белгиланди. Бунда асосий сабаб — ташқи ва ички талабнинг қисқариши шароитида иқтисодий фаолликнинг секинлашуви ҳамда инфляция прогнозларининг пасайиши билан боғлиқ. Энди саволнинг иккинчи қисмига келадиган бўлсак, агар кредит шартномаси шартларида кредит фоизи Марказий банк қайта молиялаш ставкасига боғлаб қўйилган бўлса, автоматик равишда ўша кредитлар устамаси ҳам пасаяди.

Соатбай ишлайдиган ўқитувчиларга ойлик тўланмайдими?

— Яқинда бухгалтеримиз апрелдан соатбай ишлайдиган ўқитувчиларга ойлик тўланмаслигини айтди. Шу ростми?



Шахноза АЗИЗОВА. Тошкент шаҳри.

**Дониёр ЭРМАТОВ,**  
Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи:  
— Халқ таълими вазири буйруғи билан ўз фаолиятини иш жойида амалга оширадиган раҳбар ва ходимлар рўйхати тасдиқланган. Унга кўра, айрим ходимлар масофавий ишлашга ўтказилган, баъзилари меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ, меҳнат таътилга чиқарилган. Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, давлат бюджети маблагларидан янада самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирининг жорий йил 13 апрелдаги 105-буйруғи қабул қилинди. Унга асосан, ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб

бораётган директор, унинг ўрин-босарлари ва бошқалар, халқ таълими бошқаруви органлари ходимларига уларнинг меҳнат таътили даврида ушбу соатлар учун ҳақ тўланмайди. Карантин даври мобайнида иш фаолиятини масофавий тарзда давом эттираётган (меҳнат таътилига чиқмаган ҳолда) ўқитувчиларга (асосий ва соатбай асосда ишловчи) амалдаги тартиб бўйича иш ҳақи тўловлари амалга оширилади. Бунда ички ва ташқи ўриндошлик асосида ўқитувчиларга (жорий йил 1 апрелга қадар) бириктирилган дарс машғулотлари учун (таътилда бўлмаган даврда) соатбай асосида иш ҳақи тўлаб берилади.

**ҚУЛАЙЛИК** ЭРИни онлайн олиш мумкинми?

— Карантин сабабли айрим давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланишга тўғри келяпти. Бунда эса ЭРИ қалитига эҳтиёж туғилмоқда. Айтингчи, ЭРИни онлайн олиш мумкинми?

Шоҳжаҳон СУЛТОНОВ. Қашқадарё вилояти.



**Севара ЗОКИРОВА,**  
Давлат хизматлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ЭРИ қалити ва сертификатини масофадан бериш хизматини жорий этди. Энди ариза берувчи электрон рақамли имзо қалитини, илгари бўлганидек, Давлат хизматлари марказларига бормасдан олиши мумкин.

Бунинг учун фуқаролар e-imzo.uz сайтида ЭРИ сертификатини олиш учун сўровномани тўлдириши ва паспорт нусхаси, шунингдек, паспортнинг юз томони билан селфи фотосуратини илова қилиши, хизмат учун тўловни амалга ошириши, SMS-хабарнома олгандан кейин ўз аризасини e-imzo.uz сайтида топиши, ЭРИ қалити ва сертификати олинганини тасдиқлаш ва уни компьютерга юклаши зарур.

Эслатиб ўтаман, кўрсатилган сайтда ЭРИни онлайн-режимда янгилаш ҳам мумкин. Хизматдан ЭРИнинг муддати ўтган тақдирда ҳам шахсий кабинет орқали фойдаланиш имконияти мавжуд.

**БОЖХОНА**

Хитойдан юборилган маҳсулотлар божхонадан ўтказиладими?

— Хитойда коронавирус чекиниб, ишлаб чиқариш тармоқлари иши қайта тиклангани сабабли интернет орқали бирор нарса буюртма қилсак, етиб келадими? Божхонадан ўтказиладими?

Соҳибжон А.ЛМАТОВ. Тошкент шаҳри.

**Фарход ОЛИМЖОНОВ,**

Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи:

— Жаҳон миқёсида тарқалиш географияси тобора кенгайиб бораётган коронавирус инфекциясини республикамизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 1 февраль кунидан бошлаб, Хитой Халқ Республикасидан кириб келувчи барча турдаги почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш вақтинча тўхтатилган эди.

Бирок 2020 йил 27 февраль кунидан бошлаб Хитой Халқ Республикасидан фақатгина «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти орқали кириб келётган жўнатмаларни қабул қилишга рухсат этилган. Демак, бу вазиятда сиз «Ўзбекистон почтаси» АЖ орқали буюртмангизни қабул қилиб олишингиз мумкин.



**ХУКУК** «Карантин даврида маълумот йиғишга мажбурлашяпти?»

— Карантин вақтида корхона-ташқилот ходимлари уйма-уй юриб томоғқа маълумотини йиғишга мажбурланмоқда. Шу тўғриси?

Одилбек САТТОНОВ. Самарқанд вилояти.

**Севара ЎРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Ушбу ҳолатнинг тўғри ёки нотўғри экани алоҳида ўрганишни талаб этади. Чунки мазкур ҳолатда туман ҳокимияти юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ёки туманда иқтисодий ривожлантириш ва томоғқалар билан боғлиқ муносабатларнинг назоратини янада такомиллаштириш юзасидан қарор қабул қилган бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташқилотлар судга шикоят қилишлари мумкин.

